- **Мақсади:** Марказий Осиё табиий ресурслари, уларнинг ҳолати, бир-бирига боғлиқлиги, табиий бойликлари, улардан оқилона фойдаланиб, муҳофаза остига олиш ҳақида билим бериш билан бирга Ўзбекистон табиатидаги тафовутларни тушунтириш.

Марказий Осиё географиясининг вазифалари

- **Вазифалари:** 1. Марказий Осиё ер усти тузилишининг хилма-хиллиги, геологик тузилиши ва ривожланиш тарихи, тектоникаси ҳамда унинг табиатнинг бошқа унсурларига таъсирини ўрганиш;
- 2. Марказий Осиё рельефининг асосий турлари, уларнинг генетик келиб чиқиши ҳамда рельефнинг шаклланишида Ернинг ташқи динамик жараёнларини иштирокини аниқлаш;
- 3. Марказий Осиёнинг иқлимий хусусиятлари, иқлим ҳосил қилувчи омиллар, иқлим унсурлари (ҳарорат, ёғин, намлик, шамол)нинг ҳудудий тақсимланиши ва ички сувлари, уларнинг гидрологик хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- 4. Марказий Осиё тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларнинг турлари ва тарқалишини ўрганиш;
- 5. Марказий Осиё табиати ва табиий ресурсларининг ҳолати, уларга таъсир этувчи омиллар, улардан оқилона фойдаланиб, муҳофаза остига олишга қаратилган чора тadbирларни аниқлаш ва ўрганиш;
- 6. Ўзбекистоннинг табиий географик районлар.

Марказий Осиёнинг географик ўрни, майдони ҳақида маълумотлар

- Марказий Осиё Евросиёнинг марказий қисмида, Осиёнинг марказида жойлашган (шимолий чекка нуқтаси 53,8д,36м ш.к., жанубий чекка нуқтаси 34д,11м ш.к., ғарбий чекка нуқтаси 53д, 00м ш.к.у, шарқий чекка нуқтаси 85д,10м ш.к.у.)
- Майдони 4,390,9 минг кв.км.
- Шимолдан жанубга 2200 км.га, ғарбдан шарқга 3000 км масофага чўзилган.
- Ўрта денгиз атрофидаги мамлакатлар – Испания, Италия,Юнонистон, Туркия каби мамлакатлар билан бир географик кенгликда жойлашган.
- Марказий Осиё худудининг шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилган катта қисми текисликлардан, шимоли-шарқий, шарқий ва жануби-шарқий қисми адир ва тоғлардан иборат.
- Ёз булутсиз, серофтоб бўлиб, жазирама иссиқ, қуруқ, қиш эса шу географик кенглик учун хос бўлмаган анча совуқлиги билан характерланади.
- Берк ҳавзада жойлашган.
- Берк ҳавзада жойлашган.
- Марказий Осиё географик жойлашувининг қулайлиги туфайли унинг худудидан қадимда машҳур “Буюк ипак йўли” ўтган.
- Ер усти ва ер ости бойликлари жуда хилм-хил ва уларга бой.
- Унинг худудида 5 та давлат мавжуд



Ўзбекистон Республикаси–Тошкент, Қозоғистон
Республикаси-Астана, Қирғизистон Республикаси-Бишкек,
Тожикистон Республикаси-Душанбе, Туркменистон
Республикаси-Ашхабод..

5-илова



Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Марказий Осиёнинг жойлашган географик ўрни ва чегараларини картадан кўрсатиб беринг.
2. Нима сабабдан Марказий Осиё иқлими бир кенгликда жойлашган Марказий денгиз атрофидаги мамлакатларникидан фарқ қилади? Изоҳлаб беринг.
3. «Буюк ипак йўли»нинг Марказий Осиё ҳудудидан ўтиши Республиканинг иқтисодиёти ва маданиятини ривожланишига қандай таъсир этган?
4. Марказий Осиё давлатларининг географик ва тарихий-иҷтимоий умумийлиги нималарда намоён бўлади?
5. «Туркистон – умумий уйимиз» деганда нималар ҳисобга олинади?
6. Марказий Осиё давлатлари таркиби ва катталиги қандай?
7. Марказий Осиё табиий шароитини таҳлил қилинг.

БЛИЦ- ЎЙИН

6-илова

№	Саволлар	Якка жавоб	Тўғри жавоб	Сизнинг ҳаракатингиз
1.	Марказий Осиё яна қандай номлар билан номланади.			Астана
2.	Марказий Осиёнинг майдони қанча?			Душанбе
3.	Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қайси қисмида жойлашган?			Ашхабод
4.	Марказий Осиёда қанча мамлакат мавжуд?			7495м
5.	Марказий Осиёнинг энг баланд нуқтаси баландлиги қанча?			Марказий Осиё, Туркистон
6.	Марказий Осиёнинг тоғли республикалари қайси?			4 млн кв км яқин
7.	Марказий Осиёнинг асосий дарёлари қайси?			Марказий
8.	Қозоғистон пойтахти қайси шаҳар?			5 та
9.	Қирғизистон пойтахти қайси шаҳар?			Қирғизистон, Тожикистон
10.	Тожикистон пойтахти қайси шаҳар?			Сирдарё, Амударё
11.	Туркманистон пойтахти қайси шаҳар?			Бишкек
12.				

Тарқатма материаллар

Марказий Осиё тушунчаси. Марказий Осиё деганда сиёсий жихатдан Евросиё материгининг ички қисмида жойлашган, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон давлатлари эгаллагн хуудлари тушунилади. Табиий географик жихатидан Марказий Осиё деганда шимолий ва жанубий Муғилистон шимоли-ғарбий Хитой, Тибет тоғлари киради.

Туркистон тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, туркий халқлар яшайдиган ўлка маъноси тушунилади. Иккинчидан эса табиий географик ўлка сифатида. Тукистон табиий географик ўлкаси ўзининг табиий шаритининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган ўлкадир. Ҳозирги даврда Туркистон табиий географик ўлкасини ўрнига «Марказий Осиё» тушунчаси қўлланилмоқда. Бундан ташқари «Турон» тушунчаси ҳам мавжуд. Қадимда ушбу тушунча ҳозирги «Марказий Осиё» хуудини англатган.

Табиий географик маънода ушбу тушунча Марказий Осиёнинг текислик қисмини англатади (Қорақум, Қизилқум).

Демак, Марказий Осиё деганда Осиё қитъасида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон давлатлари эгаллагн хуудлари тушунилади.

Чегаралари. Марказий Осиёнинг чегаралари Қозоғистон давлатининг шимолий чегаралари орқали, шарқий чегараси эса Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг шарқий чегаралари орқали, жанубий чегараси Тожикистон, Ўзбекистон ва Турменистон давлатларининг жанубий чегаралари орқали ўтказилади. Ғарбий чегараси эса Туркменистон ва Қозоғистоннинг Каспий денгизидан ўтган ғарбий чегаралари бўйлаб ўтади. Ана шу чегарада Марказий Осиё давлатларининг умумий майдони 3,99 млн.кв.км.

Текширилиш тарихи. Марказий Осиё давлатлари хууди табиатини ўрганиш қадим даврлардан бошланган. Чунки Марказий Осиё ғарб ва шарқ давлатлари орасидаги муҳим савдо йўлида жойлашган. Қадимда ўлкамизда жуда йирик давлатлар бўлган. (Бактрия, Суғдиёна).

Ўлкамиз ҳақидаги дастлабки малумотлар Геродот, Арриан, Птолемей ва бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин.

Марказий Осиё табиати «Буюк ипак йўли» даврида хитой, араб ва махаллий олимлар томонидан яхши ўрганилиди. Буюк ипак йўли милoddан аввалги 2 асрдан эрамизнинг 16 асригача асосий савдо йўли бўлиб хисобланган.

Хитой сайёхлари Чжан Кан ва Сюан Цзан ўлка табиатини, халқларини ва ҳўжалигини ўрганиб, муҳим асарлар ёзиб қолдиришган.

Араб олимларидан Абдул Хасан Али Маъсудий, Абу Исҳоқ Истахрий, Ёқут ибн Абдулла ва бошқалар Марказий асрларда ўлкамиз табиатини ва мамлакатларини ўрганиб кимматбаҳо асарлар ёзиб қолдиришган.

Марказий Осиё табиатини ўрганишда махаллий олимлар жуда катта ҳисса қўшишган. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий Марказий Осиё географиясига асос солган. Ўлкамиз табиати, ҳўжалиги, тарихи ҳақида буюк

олим Абу Райхон Беруний (10-11 аср) жуда кимматли асарлар ёзиб қолдирган. Захириддин Муҳаммад Бобур (15-16 аср) «Бобурнома» асарида Марказий Осиё табиати ҳақида муҳим маълумотлар келтирган.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг унинг табиати, ҳўжалиги рус ва ўзбек олимлари томонидан атрофлича ўрганилди. Бу даврда ўлка табиатини ўрганишга П.П. Семенов-Тяньшанский, Ю. И. В. Мушкетов, В. А. Обручев, Л. С. Берг, Н. Л. Коржаневский, Х. М. Абдуллаев, Қ. Зокиров, Т. Зоҳидов, Х. Хасанов, З. Ақромов, Л. Бабушкин, Н. А. Когай ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Сиёсий харитаси. Сиёсий харита деб, жаҳондаги ёки унинг маълум бир қисмидаги давлатларнинг, маълум бир тарихий даврдаги ҳолатини акс эттирадиган харитага этилади.

Сиёсий хариталар инқилоблар, урушлар, давлат тўнтаришлари ва мамлакатларнинг келишувлари асосида ўзгариб, қайта шаклланиб туради. Марказий Осиё сиёсий харитасининг кейинги икки аср давомидаги таркиб топишида бир неча босқичларни ажратиш мумкин.

Биринчи босқич. Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi арафасидаги даврни ўз ичига олади. Бу босқичда ўлкада учта йирик давлат - Қўқон ҳонлиги, Ҳива ҳонлиги ва Бухоро амирлиги мавжуд бўлган.

Иккинчи босқич. Мустамлака даврни ўз ичига олади. Мазкур босқичда Марказий Осиё Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган.

Учинчи босқич. Жуда қисқа даврни (1917-1920|22) ўз ичига олади. Бу босқичда ўлкада учта мустақил давлат пайдо бўлди; Қўқон мухторияти, Бухоро ва Хоразм республикалари.

Тўртинчи босқич (1924-1991). Марказий Осиёда бешта иттифоқдош республикалар ташкил қилинди (Ўзбекистон Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон давлатлари).

Бешинчи босқич. 1991 йилдан бошланади. Ушбу босқичда собиқ иттифоқнинг парчаланиши муносабати билан иттифоқдош мустақил давлатлар ташкил топди: Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон.

2-мавзу.	Марказий Осиё ер юзаси, иқлими, ички сувлари ва органик дунёси
-----------------	--

2. Маъруза машғулотининг технологияси

<i>Вақти – 4 соат</i>	Талабалар сони: 20-60 тагача
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Ахборот, визуал маъруза, «Инсерт», «Венна» диаграммаси техникасини қўллаган ҳолда
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	1. Марказий Осиё рельеф хусусиятлари 2. Марказий Осиёнинг иқлимий хусусиятлари 3. Марказий Осиё ички сувларга умумий тавсиф. 4. Марказий Осиё органик дунёси
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўзбекистоннинг рельеф хусусиятлари, иқлими, ички сувлар, органик дунёси тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Марказий Осиё рельеф хусусиятлари ва шакллари тушунтириб бериш; - Марказий Осиёнинг иқлимий хусусиятлари ҳақида тушунча бериш; - Марказий Осиё ички сувларига умумий тавсиф бериш; - Марказий Осиё ҳудудида тупроқларни тарқалиш қонуниятларини тушунтириш; - Марказий Осиё ўсимликларининг хилма-хиллиги ва тарқалиш қонуниятларини тушунтириш; - Марказий Осиё ҳайвонот дунёсига умумий тавсиф бериш;	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Марказий Осиёнинг рельеф хусусиятлари ва шакллари тўғрисида билимга эга бўлади; - Марказий Осиёдаги тоғ тизмаларининг жойлашган ўрни, вужудга келиши ҳақида маълумотга эга бўлади. Тоғ тизмаларини таққослайди, хулоса чиқаради; - Марказий Осиёнинг иқлимига хос бўлган хусусиятларни билиб олади; - Марказий Осиё ички сувлари тўғрисида умумий тушунчага эга бўлади; - Марказий Осиё ҳудудида тупроқларни тарқалиш қонуниятларини ҳақида билимга эга бўлади; - Марказий Осиё ўсимликларининг хилма-хиллиги ва тарқалиш қонуниятларини билиб олади; - Марказий Осиё ҳайвонларининг хилма-хиллигини билиб олади;
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Мунозарали маъруза, инсерт, аклий хужум, блиц-сўров
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, доска, бўр, Ўзбекистон табиий картаси.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, жуфтликда ишлаш, гуруҳий.
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Намунадаги аудитория.


Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5 мин)	1.1. Дарснинг аввалида талабаларга маърузалар матни ва ўқув топшириқларини тарқатади (1-илова). 1.2. Машғулот мавзусини эслатади ва кутилаётган натижани ва дарсни олиб бориш тартибини маълум қилади.	1.1. Эшитадилар ва маъруза матнини оладилар.
2-босқич. Билимларни Фаоллаштириш (10 мин)	2.1. Маъруза матни ва ўз нуқтаи назаридан Ўзбекистон рельеф тузилишини жуфтликларда муҳокама қилиш ва саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказди.	2.1. Топшириқларни бажаради, муаммоларни жуфтликда муҳокама қилади, саволларга жавоб беради.
3-босқич Асосий (55 мин)	3.1. Маъруза матнидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги саволга ўз фикларини беришни сўрайди (2-илова): - Марказий Осиё ҳудуди ўзининг геологик тараққиёти мобайнида қандай жараёнларни бошидан кечирган? Улар рельеф ҳосил бўлишига қандай таъсир кўрсатган? 2 киши бўлиб саволни муҳокама қилишни тавсия этади. 3.2. «Венна» диаграммаси асосида ерни Ўзбекистоннинг тоғлик ва текислик қисмларини вужудга келишидаги фарқларини аниқлаш вазифаларини беради (3-илова): - Тоғлар Ўзбекистоннинг қайси қисмларини эгаллайди? Текисликлар-чи? Уларнинг ҳосил бўлишида эндоген ва экзоген кучлар қандай таъсир этган? саволига жавоб беришни таклиф этади. 3.3. Марказий Осиё тоғ оралик ботиқлари ва уларни вужудга келишини тушунтириб беринг? саволига жавоб беришни сўрайди. 3.4. Чўлларда рельефнинг қандай шакллари учрайди? саволига жавоб беришни таклиф этади.	3.1. Маъруза матнидаги белгиларга эътибор берадилар - Саволга жавоб берадилар. «Инсерт» жадвалини тўлдирадилар. 3.2. Дафтарларига «Венна» диаграммасини чизадилар ва тўлдирадилар. 3.3. Саволни муҳокама қиладилар, картадан ботиқларнинг жойлашган ўрнини топадилар ва жавоб берадилар. 3.4. Ўзбекистон чўлларидаги рельеф шакллари мисоллар келтирадилар ва уларни картадан кўрсатадилар.
4-босқич Якуний (10 мин)	4.1. «?» белгиси қўйилган ноаниқ қолган саволларга жавоб беради. 4.2. Мавзуга хулоса қилади ва фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 4.3. Уйга топшириқ беради.	Эшитадилар Ёзиб оладилар


БЛИЦ САВОЛ

1. Релъеф нима?
2. Марказий Осиёда релъефнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Марказий Осиё иқлимини ҳосил килувчи омиллар деганда нималарни тушунасиш?
4. Маълумки, ғарбий ҳаво оқими қишга нисбатан ёзда кўп эсади, лекин ёгин бермайди, сабабини тушунтириб беринг.
5. Турон термик депрессияси ва унинг вужудга келишини тушунтириб беринг.
6. Нима учун қишда шимоли-шарқий шамоллар эсганда ҳаво очилиб, совуқла кунлар бошланади?
7. Нима учун қишда ҳаво баъзан очилиб, совуқ кетади, сўнгра яна илиб, булутлар пайдо бўлиб ёгин ёғади?
8. Марказий Осиё ички сувлари ўз ичига қандай унсурларни олади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
9. Марказий Осиёнинг энг муҳим дарёларини ёзувсиз харитага туширинг ҳамда нима сабабдан ва қандай табиий омиллар таъсирида ҳудуд бўйича нотекис тақсимланганлигини тушунтириб беринг.
10. Марказий Осиё дарёлари тўйиниши жиҳатидан, қандай турларга бўлинади?
11. Нима учун баланд тоғлардан бошланувчи дарёларнинг суви ёзда кўпаяди?
12. Нима учун Амударё Сирдарё, Зарафшон дарёларига нисбатан лойқа?

Кишда Марказий Осиё ҳудудига эсувчи ҳаво оқимлари



Ёзда Марказий Осиё ҳудудига эсувчи ҳаво оқимлари



2-илова

«Инсерт» усули

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизми

(V) – мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) - янги маълумот

(-) – мен билган нарсага зид

(-) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Тушунчалар	V	+	-	?
Рельеф шакллари				
Асосий тоғ тизмалари ва уларнинг тармоқлари				
Энг баланд чўккиси				
Тоғ оралиқ ботиқлари				
Текислик рельеф шакллари				
Энг паст нуқтаси				
Қолдиқ тоғлар				
Ботиқлар				
Чўллар				
Платолар				
Қадимги дарё ўзанлари				

3-илова



Марказий Осиё рельефига хос хусуиятлар

Ер юзасининг тузилиши жиҳатидан Марказий Осиё худуди икки қисмга бўлинади- катта қисми **текисликдан**, қолган қисми эса **тоғлардан ва тоғ оралик ботиқларидан** иборат. Республикамизнинг ер юзаси ғарб ва шимоли-ғарбдан шарқ ва жануби-шарқ томон аста-секин кўтарилиб боради.


Республиканинг шарқий ва жануби-шарқий қисмини Марказий Осиё энг баланд тоғлари Тяншан ва Помир Олой тизмаларининг тармоқлари қоплаб олган. Бу тоғлар ғарб ва шимоли-ғарб томон пасайиб боради, шарқ ва жануби-шарқда эса уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 7495 м га етади.

Марказий Осиёнинг шимоли-ғарбий қисми эса Турон текислигининг марказий қисми билан банд. Марказий Осиё худудининг **70%** га яқини **текислик**, қолган **30%** қисмини эса **тоғлар** эгаллайди. Бу қисмларнинг чегаралари ниҳоятда эгри-бугри бўлиб, тоғларнинг баъзи бир тизмалари текислик қисмининг ичкарасига сурилиб кирган, айрим жойларда текислик ҳам тоғ тизмалари орасига қўлтиқ шаклида кириб қолган.

Тоғлар ва чўккилар

т/р	Тоғлар номи	Чўккилар номи	Баландлиги(м)
1	Қоржантоғ тизмаси	Мингбулоқ	2837
2	Уғом тизмаси	Сайрам	4229
3	Писком тизмаси	Бештор	1299
4	Кўксув тизмаси		4216
5	Талас Олатоғ тиз-си	Манас	4488
6	Чотқол тизмаси	Катта Чимён	3309
7	Қизилнура	Қизилнура	3267
8	Туркистон тизмаси	Шовқиртоғ	4033
9	Чумқортоғ	Бозорхоним	3105
10	Нурота тизмаси	Ҳаётбоши (Заргар)	2165
11	Оқтоғ	Тахну	2005
12	Чақаликалон	Зебон	2336
13	Қоратепа	Камқўтон	2195
14	Зирабулоқ	Зиндонтоғ	1116
15	Ҳисор тизмаси	Ҳазрати Султон	4648
16	Чақчар	Хуросон	3744
17	Бойсун тизмаси	Хўжапирях	4424
18	Кўхитанг	Мачайли	3137
19	Шеробод	Сариқамич	
20	Боботоғ тизмаси	Заркоса	2292
21	Кулжуктоғ	Кулжуктоғ	785
22	Овминзатоғ		695
23	Томдитоғ	Оқтоғ	922
24	Етим тоғи		565
25	Бўкантоғи	Ирлир	764
26	Султон Вайс	Аччитоғ	473
27	Осмонтараш		3953
28	Бешнов		3448
29	Эшонмайдон		2919
30	Хонтахта		2936
31	Бобо Бурхон		2476
32	Бойсунтоғ		4424
33	Курама	Оқшурон	3745
34	Сурхонтоғ		3722

Текисликлар, ботиклар,
водийлар, воҳалар, чўллар, қир ва
платолар



Текисликлар	Ботиклар	Водийлар	Воҳалар	Чўллар	Қирлар	Платолар
Тошкентолди	Қорахота	Чотқол	Чирчиқ	Мизачўл	Белтоғ	Жаркок
Мирзачўл	Мулали	Кўксув	Оҳангарон	Далварзин	Қорабовур	Қоракўл
	Мингбулоқ	Писком	Фарғона	Нишон		Автобач
Амударё	Нурота- Қўйтош	Уғом	Мирзачўл	Қорқалпоқ		Азкамар
	Оёқогитма	Чирчиқ	Зарафшон	Сандиқ- лиқум		Денгизкўл
	Асаковдан	Оҳангарон	Китоб- Шахрисабз	Ёзёвон		Оҳангарон
	Сарикамиш	Фарғона	Ғузор	Каттақум		Устюрт
		Шоҳимардон	Қарши	Жиззах		Оксоқ ота
		Сўх	Сурхон	Тошқудуқ- қум		
		Сангзор	Шеробод	Фориш		
		Сурхондарё	Хоразм	Қизилқум		
		Шеробод	Қорақалпоқ	Қорақум		
				Жом		
				Қарноб		
				Қарши		

Тарқатма материаллар

Марказий Осиё давлатлари турли хил фойдали қазилмаларга жуда бой.

Ёқилғи фойдали қазилмалари кўмир, нефт, газ ва ёнувчи сланетслардан иборат. Тошкўмирнинг йирик кони қозоғистонда жойлашган (қарағанда, Экибастуз). Унча катта бўлмаган тошкўмир конлари Фарғона водийсини ўраб турган тоғларда, Сурхондарё водийсининг шимолида жойлашган. қўнғир кўмирнинг йирик кони Охангарон водийсида жойлашган.

Марказий Осиёда нефт ва газнинг йирик захиралари мавжуд. Биринчи нефт кони Фарғона водийсида (Чимён кони) 1880 йилда очилган ва 1904 йилда ишга туширилган. Схундан кейин Фарғона водийсининг шарқий қисмида жуда кўп нефт конлари очилиб ишга туширилади (Полвонтош, Хўжаобод, Жанубой Оламушук ва х.к.). Кейинчалик йирик газ ва нефт конлари Қорақумда, қизилқумда, Каспий бўйида, қарши чўлида, Сурхондарё водийсида очилди ва ишга туширилади. Охириги пайтларда Ўзбекистонда Кўкдумалок, қозоғистонда Тенгиз нефт конлари очилди. Рудали фойдали қазилмалардан рангли ва қора металл конлари кенг тарқалган. Йирик темир руда конлари қозоғистонда очилган ва ишга туширилган. Улардан энг йириги Тўрғай супасимон ўлкасида жойлашган Соколов-Сарбай конидир. Ўзбекистон ва Қирғизистонда ҳам темир руда конлари бор, аммо улар ҳам ишга туширилганича йўқ.

Рангли металл конлари Қозоғистон паст тоғларида, Тяншан ва Помирда, Марказий Қизилқум паст тоғларида тарқалган (Олмалиқ, Жезқазған, Мурунтоғ, Учқулоқ ва х.к.).

Фосфорит конлари қоратоғдан, қизилқумда ва бошқа жойларда топилган. Зарафшон водийсида, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида ҳамда Каспий бўйида тош ва ош тузи конлари мавжуд.

Мармар конларининг энг йириклари Ўзбекистонда Нурота тоғида (ғазғон), Омонқўтонда, Оқтошда жойлашган. Релефи.

Марказий Осиё Ер юзасини икки йирик қисмга бўлиш мумкин, яъни текислик ва тоғликка.

Текисликлар. Марказий Осиёнинг марказий, ғарбий ва шимолий қисмида жойлашган. Ўлканинг катта қисмини Турон текислиги эгаллаган. Мазкур текисликда қорақум ва қизилқум чўллари жойлашган. Устюрт платоси Орол ва Каспий денгизлари оралиғида жойлашган. У атрофдаги текисликлардан «Чинк» деб аталадиган баланд, тик жарлар билан кескин кўтарилиб туради. Платонинг шимолий қисми кумли текисликлардан, марказий қисми қирлардан, жанубий қисми қир ва ботиқлардан иборат. Платонинг жанубий қисмида Борсакелмас, Сарихаамиш, Қорниёриқ ва бошқа ботиқлар жойлашган. Тўрғай платоси тўлқинсимон текисликдан иборат, унинг марказида Тўрғай ботиғи жойлашган.

Марказий Осиёда тоғ олди ва тоғ оралиғида жойлашган текисликлар ҳам катта мадонни эгаллайди: Фарғона водийси, Мирзачўл, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Вахш, Или, Чу водийсиларини мисол қилиш мумкин. Улар ўзлаштирилиб воҳаларга айлантирилган.

Тоғлар. Текисликларни тоғлар шарқ ва жануб томондан ўраб туради. Сҳимолда Қозоғистон паст тоғлари жойлашган. Қозоғистоннинг шарқий қисмида Чингиз тоғ, Торбоғотой, Жунғория Олатоғи жойлашган.

Ўлканинг шарқий қисмида йирик Тяншан тоғ тизими жойлашган. Унинг энг баланд қисми муз билан қопланган Хонтангри тоғидир (қалаба чўққиси 7439м). Тяншан тоғлари шимолий, марказий, ғарбий ва жанубий қисмларга бўлинади.

Помир тоғлари ўлканинг жанубида жойлашган. Энг баланд нуқтаси 7495м. Марказий Осиёдаги энг узун музлик ҳам шу ерда жойлашган.

Марказий Осиёнинг жанубида Копетдоғ тоғи жойлашган.

Иқлими. Марказий Осиёнинг иқлими қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келади: географик жойланиш ва қуёш радиатсияси, ҳаво массаларининг ҳаракати, рельеф (ер юзасининг тузилиши).

Марказий Осиёнинг географик ўрни ва қуёш радиатсияси. Ўлкамиз Еросиё материгининг марказида жойлашган, бу эса қуёшдан келаётган иссиқлик миқдорини катта миқдорида бўлишини таъминлайди.

Қуёшнинг ер юзага тушадиган нур энергияси ва иссиқлиги қуёш радиатсияси деб аталади.

Қуёш радиатсиясининг Ер юзасида тақсимланиши географик кенгликка боғлиқ. Чунки қуёш нурларини Ер юзасига қандай бурчак остида тушиши ҳамда ерларда куннинг давомийлиги (узунлиги) географик кенгликка боғлиқ. қуёш нурлари Ер юзасига қанчалик тик тушса, ҳудди шу жой муайян вақтда шунча кўп иссиқлик олади.

Марказий Осиё шимолдан жануб томон катта масофага чўзилганлиги муносабати билан унинг шимоли ва жанубида қуёш радиатсиясининг миқдори турлича. Масалан, 22 июнда (ёзги қуёш туриши) ўлканинг шимолий қисмида туш пайтида қуёшнинг уфқдан баландлиги 600, жанубида эса 790ни ташкил қилади. қорақум чўлининг жанубида 1 см² юзага 150 ккал иссиқлик келади.

Ўлка иқлимини вужудга келишида арктика, мўътадил ва тропик ҳаво массалари муҳим ўрин тутати. Арктика ҳаво массалари қишда Сҳимолий Муз океанидан ғарбий Сибир ва Урал орқали, шимоли-шарқ томондан, Сҳарқий Сибир орқали Марказий Осиё ҳудудига қараб келади. Мазкур ҳаво совуқ, қуруқ ва тиниқ бўлади. Ёз ойларида ўлка устида туриб қоладиган континентал тропик ҳаво массаси ўлканинг текисликлари устида шаклланади, ҳарорати юқори, қуруқ ва ғуборли бўлади.

Турли географик хусусиятларга эга бўлган ҳаво массалари бир-бири билан туташган жойларда оралиқ зона, яъни ҳаво фронти ҳосил бўлади. Ҳаво фронтида икки хил ҳаво массаси ўзаро таъсири кўрсатади. Натижада об-ҳаво тез ўзгариб туради.

Қиш иқлими. Қиш ойларида ўлка ҳудудига шарқий Сибирнинг совуқ хавоси ёйилади. Бу вақтда ҳаво очик бўлиб, кечалари ер юзаси янада совийди. Оқибатда аёзли об-ҳаво ўлканинг ҳамма қисмини аста-секин эгаллаб олади. Агар шимоли-шарқий ҳаво оқими сақланиб қолса, совуқ кунлар ўлка ҳудудида узоқ туриб қолади.

Қишда илиқ тропик ҳаво билан совуқ мўътадил ҳаво оралиғида вужудга келган фронт Марказий Осиёда жойлашади ва кўплаб ёғин ёғишига сабаб бўлади. Илиқ ҳаво жануби-ғарб ва жанубдан кириб келади ва шимоли-шарқ томон йўналади. Натижада ҳарорат 10-200га кўтарилади, булут кўпаяди., қор ва ёмғир ёғади. Бундай ҳолат баҳорда ҳам давом этади.

Арктика ҳаво оқими кучайиб кетса, ҳарорат -100, -200 гача пасайиб, қаттиқ совуқ бўлади, шимолий ҳудудларда ҳарорат -350, -450 гача пасаяди. Агар қишда ғарбий илиқ оқим кучли бўлса, об-ҳаво нисбатан илиқ ва сернам бўлади.

Ёз иқлими. Йилнинг илиқ даврида ҳаво жуда исиб, маҳаллий Турон континентал тропик хавоси таркиб топади. Унинг ҳарорати ёз ойларида Марказийча 300С ва ундан ортиқроқ бўлади. Натижада чўлларда термик депрессиялар вужудга келади. Термик депрессиянинг маркази қиздириш ўчоқлари деб аталади. Улар 3-жийда қизилқумда (Томди атрофида), қорақумда (Репетек) ва Сурхондарёда (Сҳеробод чўллари).

Бундай жойларда ҳарорат 45-500га кўтарилиши мумкин.

Агар ёз ойларида ўлимга шимолдан салқин ҳаво кириб келса ҳарорат 3-100га пасайиши мумкин.

Ёғинлар. Марказий Осиё ҳудудида ёғинлар жуда нотекис тақсимланган. Оролбўйи, Бетбақдала, Мўйинқум, Амударё этакларида, Устюрт, қизилқум чўлига йил давомида 100мм атрофида ёғин-сочин тушади. Адирлар ва қирларга 300мм атрофида ёғин ёғади. Тоғларда ёғин миқдори кўпроқ.

Ички сувлари . Марказий Осиё ҳудудида ер уст ива ости сувлари жуда ҳам нотекис тақсимланган. Бу усти сувларига дарёлар, кўллар, ботқоқлар ва музлар киради.

Дарёлар. Дарёларнинг тўйиниши манбаи турлича, улар тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Музлик ва қор сувидан тўйинадиган дарёлар (Амударё, Зарафшон, Сўх, Исфайрамсой, Чув, Или, Лепса, Оксув, Хўжабақирган). Уларнинг суви ёзда кўпаяди. Мазкур дарёлар Тяншан, Помир тоғларидаги музлик ва қорлардан сув олади.
2. Қор ва музликларнинг эришидан тўйинадиган дарёлар (Сирдарё, Сурхондарё, Чирчик, қорадарё). Уларнинг сувлари июн, июл ойларида кўпаяди.
3. Доимий ва мавсумий қорларнинг эришидан тўйинадиган дарёлар (Охангарон, қашқадарё). Ушбу дарёларнинг сув оладиган манбаалари паст тоғларда бўлганидан серсув эмас, уларнинг суви баҳорда кўпайиб, баъзан тошади, ёзда эса суви камайиб, саёзланиб қолади.
4. Мавсумий қор ва ёмғирлардан тўйинадиган дарёлар (Мурғоб, Тажан, Атрек, ғузордарё, Схерободдарё, Сарисув, Нура, Тўрғай дарёлари, Фарғона водийси ва Нурота тоғлари этагидаги адирлардан оқувчи дарёлар). Улар кичик, шўх ва кам сувли дарёлар бўлиб, баҳорда айинқса жала тарзида ёғадиган ёмғирлар вақтида жуда серсув бўли, катта тошқинларга сабаб бўлади.
5. Ер ости сувларидан тўйинадиган дарё ва сойлар тоғ этакларида, адирларда кўп учрайди. Улар Фарғона, Норин, Исикқўл водийлари, Туркистон, Нурота, Зарафшон тоғ этакларида кўп.

Амударё. Марказий Осиёдаги энг серсув дарё. У Помир тоғларидан оқиб тушувчи Панж ва Вахш дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Узунлиги 2540 км, хавзасининг майдони 320000 км². Амударёнинг ўнг irmoқлари Қофирнихон, Сурхондарё ва Схеробод дарёлари ҳисобланади, чап томондан (Афғонистондан) қундуздарё қуйилади. Амударё қорақум ва қизилқум чўллари оралиғидан оқиб ўтиб Орол денгизларига қуйилади. Юмшоқ жинсларни ювиб келиши туфайли унинг суви жуда лойқа. Ана шу лойқа дарёнинг қуйи оқимида – Хоразм воҳаси ва қорақалпоғистонда жуда қалин ётқизикларни ҳосил қилган. Мазкур лойқа ҳақиқий минерал ўғит вазифасини ўтайди.

Амударё Орол денгизига қуяр ерида жуда катта дельта ҳосил бўлган. Амударё дельтаси дунёдаги энг катта дельталардан бири ҳисобланади, унинг майдони 11 минг км²дан ортиқ.

Сирдарё. Марказий Осиёдаги энг узун дарё. Узунлиги 3000км га яқин, хавзаси 463минг км².Марказий Тяншан тоғларидан бошланувчи Норин ва Фарғона ҳамда Олой тоғларидан бошланувчи қорадарёни Балиқчи қишлоғи ёнида қўшилишидан ҳосил бўлади. Фарғона водийсидан чиққач, дарё шимолга томон оқа бошлайди. Ва шу ерда унга ўнгдан Охангарон Чирчиқ, Келес дарёлари келиб қўшилади. Сирдарё шимолга томон қизилқумнинг чегараси бўйлаб оқиб, Орол денгизига бориб қуйилади. Дарё сувининг энг кўпайган вақти июнда бўлиб, апрелдан то августгача ундан сув кўп бўлади.

Или. Или дарёси Сҳарқий Тяншан тоғларидан бошланувчи Кунгес ва Холиқтоғдан бошланувчи Текес дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Узунлиги 1384 км, хавзасининг майдони 154 минг км². дарё асосан қор ва музликлардан сув олади. Или Балхаш кўлига қуйилади. Дарё қопчиғай дарасидан ўтган жойда тўғон қурилиб, қопчиғай сув омбори бунёд этилган.

Атрек. Эрон ҳудудидан Қопетдоғнинг жануби-ғарбий ёнбағридан бошланувчи Зебаза ва Зиров дарёларининг қўшилишидан вужудга келиб, Каспий денгизига қуйилади (Баратов ва бошқалар, 2002). Узунлиги 635 км, хавзаси 26,7 минг км². қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Сҳу сабабли март-май ойларида суви кўпаяди. Энг лойқа дарёлардан ҳисобланади, лойқалиги 22 кгҒм³.

Кўллари. Нотекис тақсимланган, катта қисми текисликларда (дарё водийларида, дельталарида, қозоғистон паст тоғларида, Тўрғай ботиғида) жойлашган. Тоғларда кўллар камрок.

Текисликда Орол, Балхаш, Тенгиз, Сарихамий ва бошқа кўллар жойлашган.

Орол Марказий Осиёдаги энг катта табиий кўл ҳисобланади. Кўл Турон текислигининг марказида жойлашган. Денгизнинг энг чуқур жойи унинг ғарбий қисмида жойлашган (69м). Сҳарқий ва жанубий қисмида у жуда саёз бўлган. Бироқ 1960 йиллардан бошлаб Амударё ва Сирдарёнинг сувини катта қисмини суғоришга сарфланиши муносабат билан

Орол денгизининг сатхи ва майдони камая бошлади. Айрим йиллари, айниқса 1983-1985 йиллардан кейин Сирдарё Оролга бир дарёнинг сувлари эса 7-9 км³дан ошмади. Сху тариқа Орол аста-секин нурай бошлади. 35 йил ичида денгиз сувининг ҳажми кичрайиб, унинг сатхи 16,5 м га пасайди, денгиз қирғоқдан 80-100 км га, айрим ерларда эса 130-150 км га чекинди. Ороллар тутайиб кетиб, денгиз иккита алоҳида сув хавзасига бўлиниб қолди. 1960 йилгача бўлиниб қолди. 1960 йилгача Орол денгизининг майдони 68 минг км² бўлган бўлса, ҳозирда 30-31 минг км² дан ҳам камайиб кетди. Денгиз сувининг шўрлиги эса 10-11‰ дан 37‰ га етди.

Балхаш. Балхаш кўли Оролдан сўнг иккинчи ўринда туради, сувининг ҳажми жихатидан эса орол ва Исиккўлдан сўнг учинчи ўринда туради.

Балхаш кўли қозоғистон паст тоғларининг жанубида жойлашган, майдони 17,8 минг км². ғарбдан шарққа 605 км га чўзилган, энг кенг жойи 74 км, энг тор жойи (Узунорол бўғозида) 5км. Балхаш саёз кўл бўлиб унинг Марказийча чуқурлиги 6 м, энг чуқур ери шарқида 26,3 м, энг саёз жойи Узун орол бўғозида 2м. сувининг ҳажми 100км³. ғарбий қисми чучук 1,95г/л, бу қисмига Или дарёси қуйилади. Схарқий қисми шўрроқ (5‰).

Балхаш кўлига Или, қоратол, Оксув, Лепса, Аягуз дарёлари қуйилади.

Марказий Осиёнинг тоғли қисмидаги кўлларнинг деярли барчаси тектоник кўллардир. Уларга Помирдаги қорақўл, Тяншандаги Исиккўл, Чатиркўл, Сонкўл ва х.к.

Бундан ташқари тағларда табиий тўғон (қулаш натижасида) кўллар ҳам мавжуд. Масалан, Помирдаги Саричелак, Хисор тизмасидаги Исчкандаркўл в ах.к.

Исиккўл. Тяншан тоғ тизмасидаги Кунгай ва Терскай олатовларининг орасидаги ботикда жойлашган. Майдонни 6,2 минг км², узунлиги 182 км, энг кенг жойи 58 км, сув миқдори 1732 км³, шўрлиги 5,8‰. Марказийча чуқурлиги 279 м, энг чуқур жойи 702м. Ўлкадаги энг чуқур кўл ҳисобланади. Унга 60га яқин дарёлар қуйилади. Сувнинг ҳарорати июлда 230С, январда 3-40. қишда музламайди, баландлиги 2,5 м га етувчи тўлқинлар ҳосил бўлади.

Сарез кўли. Помирдаги энг катта тўғон кўл ҳисобланади. У 1911 йили 18 феврал куни кечқурун зилзила натижасида тоғ ёнбағрининг қулаши натижасида, Усой қишлоғида Мурғоб дарёсини (Панжнинг ирмоғи) тўсиб қолиши оқибатида вудулга келган. У денгиз сатҳидан 3222м баланда жойлашиб, узунлиги 61 км, энг кенг жойи 3,4 км, майдони 88 км², энг чуқур жойи 505м, сув ҳажми 17,3 км³.

Сув омборлари. қишлоқ хўжалик экинларини намга энг чанқоқ даврларида сув билан мунтазам таъминлаш мақсадида Ўлкада сув омборлар барпо этилган. қорадарёда – Андижон (Кампирровот), Нориндарёсида – Тўхтағил, Сирдарёда – Чордара, қайроққум, Амударёда – Туямўйин, Или дарёсида – қопчиғай, Вахшда – Норак, қошқадарёда – Чимкўрғон, Сурхондарёда – Жанубий Сурхон, қорақум каналида – Ховузхон сув омборлари қўрилган. Улардан қрпчиғай, Тўғтағул, Туямўйин, Чордара ва қайроққум сув омборлари энг йирик ҳисобланади.

Ер ости сувлари. Ўлкада табиий-географик ва геологик хусусиятига кўра бир-биридан кескин фарқ қиладиган 2та гидрогеологик кичик ўлка – жануби – шарқий бурмали тоғлар ва текисликдаги платформали ортизиан сувлари кичик ўлкалари мавжуд.

Бурмали тоғлардаги ер ости сувларининг асосий қисми – тоғ жинслари ёриқларидан ва карст йўлақларидан чиқадиган сувларидир. Мазкур сувлар тоғларда кўпинча булоқлар тарзида чиқиб, тоғларнинг Марказий ва юқори қисмларида дарё сувларига қўшилади, қисман суғоришда фойдаланилади.

Текисликлардаги ер ости сувлари артзиан хавзаларидан иборат. Ушбу сувларнинг манбаи дарё ўзанларидан шимилган ва тоғ ёнбағирларидаги сувларнинг шимилиши натижасида вужудга келгач сувлардир.

Марказий Осиёдаги энг йирик чўллар – қизилқум ва қорақумнинг ер ости қатламлари ичимлик сув захираларига жуда бой. Чорва молларини суғориш ва ичиш мақсадида жуда чуқур (200-250 м гача) артезиан кудуклари қазилган. Ўлка замини минерал сувларга ҳам бой. Бу сувларнинг қимёвий таркиби инсонга шифобахш таъсир этади. Ўлкада таркибида ёд, водород сулфат, радон ва бошқа минерал моддалар бўлган

бир қанча ер ости сув манбаалари мавжуд ва улар асосида қозоғистоннинг Чимкент вилоятида қорасув, Фарғона водийсида – Чимён, Полвонтош, Жанубий Оламушук, Чортоқ, Сурхондарёда – Жайронтепа, Тожикистонда – Обичарм минерал сувли шифохоналар бунёд этилган.

Музликлар. Марказий Осиё тоғларида умумий майдони 180-85 км² бўлган 8000га яқин музликлар мавжуд (Баратов ва бошқалар, 2001). Уларнинг кўпчилиги Помир, Тяншан, Олой, Жунғория, Саур, Торбоғотой тоғларида жойлашган.

Ўлкада музликларнинг 84,6% Помир ва Тяншан тоғларида жой олишган. Помир тоғида музликлар унинг ғарбида (Бадахшонда), Тяншан тоғини эса Хонтангри ва ғалаба тоғ тугунида жойлашган. Ўлка тоғларида Ер юзасининг Марказийча кенгликларидаги энг катта водий музликлари жойлашган.

Ўлканинг энг шимолида жойлашган Саур – Торбоғотой тоғларида умумий майдони 15 км² бўлган 18та кичик музлик жойлашган. Жунғори Олатовида музликларнинг умумий майдони 1120 км² бўлган 814 та музлик мавжуд. Тяншанда музликларнинг умумий майдони 7132 км², ўлка музликларини 98%ини ташкил қилади. Бу ерда катта ва кичик Инилчек музликлари ҳисобланади. Олой тизмасида 200дан ортиқ музлик мавжуд.

Помир тоғида музликларнинг умумий майдони 8341 км кв, улар Помир тоғи майдонини 11 % ташкил қилади. Бу ерда энг йирик музликлар «Фанлар академияси» тизмаси атрофидаги тоғ тугунида жойлашган. Улардан энг каттаси «Федченко» музлигидир. Унинг узунлиги 77,8 км, кенглиги 1,5 – 3,1 км, каллиниги юқори қисмида 1 км, Марказийсида 0,7 км, қуйи қисмида 0,3 - 0,4 км. Саволлар ва топшириқлар

Марказий Осиёиқлимига таъсир этувчи омилларни аниқланг.

Марказий Осиё иқлимини шаклланишида қайси ҳаво массалари муҳим рол ўйнайдик

Ҳаво фронти нимақ

Марказий Осиё дарёлари тўйинишига кўра қайси турларга бўлинадик

Марказий Осиёнинг қайси қисмида кўллар кўпроққ

Марказий Осиёда ер ости сувлари нечта гидрогеологик турга бўлинадик

Тупроқлари. Марказий Осиёда қуйидаги тупроқ турлари тарқалган: а) чўл тупроқлари; б) бўз тупроқлари; в) тоғ-ўрмон-дашт тупроқ-лари; г) баланд тоғ тупроқлари.

Чўл тупроқлари чўлларда асосан сур тусли қўнғир тупроқлар, тақир ва тақирли тупроқлар, чўл кумли тупроқлар ва ўтлоқ аллювиал тупроқлар тарқалган.

Сур тусли қўнғир тупроқлар қадимги қолдиқ қирлар ва тоғ этакларидаги тошлоқ ерларда пайдо бўлган. Уларнинг таркибида шағал ва тошлар кўп. Чиринди кам (0,2-0,3%), чириндили қатлам 25-35 см, фосфор кўп, азот кам, 20-30 см чуқурликдан бошлаб сульфат ва хлорид тузлари билан шўрланган. Сертош, гипсли бўлгани ва тузли қатламнинг юзада жойлашағлиги туфайли ҳосилдорлиги паст.

Тақирлар ва тақирли тупроқлар қадимги аллювиал теккисликларда, дельта теккисликларда, тоғларнинг этакларидаги ғия теккисликларида. Мурғоб, Тажан, Қашқадарё, Схерободарё ҳамда кичикроқ сойлар ёйилмаларида тарқалган.

Ўсимлик ўсмайдиган, ёрилиб кетадиган, зич, қатқалоқли яланг теккис жойлар тақирлар деб аталади. Тақир вақти-вақти билан ёғин, сел сувлари босиб турадиган пастҳам ерларда вужудга келади, чиринди Чиринди оз (0,3-0,7%), чириндили қатламнинг қалаинлиги 15-25 см, таркибида азот кам.

Тақирли тупроқлар қадимги дарё водийларида, қуриб қолган эски дельталарда, дарё қайирларида, Устюртда, Қорақум, Қизилқумдаги паст тоғлар ва қирларнинг этакларида кўп учрайди. Мазкур тупроқлар Қарши чўлида, Жанубий Турманистонда, Амударё дельтасида кенг тарқалган. Чиринди миқдори 0,7-1,» %, чириндили қатлам 50 см. Улар суғорилганда тақирлар каби ғалин қатқалоқ ҳосил қилмайди.

Чўлларнинг ғумли тупроқлари кумлар билан қопланган теккисликларда, кум тепеларида тарқалган. Ўсимликлар билан қоплаган алоҳида кумли чўл тупроқлари шаклланган. Яланғоч, еўчма кумларда тупроқ қоплами шаклланмаган.

Ўтлоқ аллювиал тупроқлар Амударё, Сирдарё, Или каби йирик дарёларнинг делталарида катта майдонларни эгаллайди. Бу майдонлар қадимдан суғорилиб деҳқончилик қилиб келанаётганидан ер ости сувлари юзаси баланд (1-2 м) жойлашган, тупроғи кўпинча шўрланган бўлади. Чиринди миқдори 1,0-1,5 %, чириндили қатлам 1-2 м, анча унумдор лекин тез шўрланади.

Бўз тупроқлари Тяньшан, Помир, Копетдоғ тоғлари этакларида ва тоғ этагидаги қия тепаликларда шаклланган.

Бўз тупроқлар минтақасида пастадан юқори томон биологи-иқлимий шароитнинг ўзгаришига мувофиқ равишда оч тусли, оддий ва тўқ тусли тупроқлар алмашинади. Юқорига томон чиринди миқдори ортиб боради: оч бўз тупроқда 1,0-1,5% , оддий бўз тупроқда 1,5-2,5 %, тўқ бўз тупроқда 2,5-4,0 %. Марказий Осиёнинг асосий деҳқончилик раёнлари бўз тупроқ минтақасида жойлашган.

Тоғ-ўрмон-дашт тупроқлари бўз тупроқлар минтақасидан 1100-1400 м дан, 2500-2600 м гача баланликда жойлашган. Чиринди миқдори кўп (4-6 %), шўрланмайди, қалин ўт ўсимликлари билан қопланиб ётади.

Баланд тоғ тупроқлари тоғ яйловлари тупроқлардан иборат. Субалп ва алп минтақалари тупроқларидан иборат. Қалинлиги кам ва кенг тарқалмаган. Унинг қора тупроқсимон, тоғ-ўтлоқ, хақиқий тоғ-ўтлоқ ва тоғ-дашт турлари ажратилади. Алп минтақаси тупроқлари 3000-3500 м ва ундан ҳам баланроқда тарқалган. Тупроқ қоплами жуда юпка.

Ўсимликлари.

Ўлкада 9000га яқин ўсимлик тури мавжуд, уларнинг 8000 тури тоғларда, 1000 тури эса теккисликларда. Марказий Осиёда дашт, чалачўл, чўл, тўқай ва тоғ усимликлари ажратилади.

Дашт усимликлари. Қозоғистон паст тоғларининг 52 даража шимолий кенгликдан шимолдаги ҳудудларда тарқалган. Бошоқли ўт ўсимликлари кенг тарқалган: чалов, бетага, ялтирбош, қўнғирбош, шувок, буталаридан қарағай, табулғи, итбодом вабошқалар ўсади. Тўла ўзлаштирилган.

Чалачўл ўсимликлари 52-48 даража шимолий кенликлар оралиғида тарқалган. Хайдалмаган ерлар кўпроқ. Бошқоқли ўтлардан шувок, изен, чалов, қўнғирбошлар аралаш ўсади. Схўрланган ерларда оқ шувок, боялиғ, қора шувок, бурган, қора чалов ўсимликлари кенг тарқалган.

Чўл ўсимликлари. Турон теккислигини ўз ичига олади. Бу ерда қумли, тошли, шўрхок, лёсли чўл ўсимликлари ажратилади.

Қумли чўл ўсимликлари. Бўрсиқ, Муюнқум, Қорақум, сариқсув, Балхашбўйи қумлари Оролбўйи Қорақуми, Унгуз орти Қорақуми ҳамда Қизилқумнинг катта қисмини эгаллайди. Дарахтлардан оқ саксаул, йирик жузгун сероб. Буталардан қум акатсияси, эфедра ва чала бутвлардан шувок, печак ва шўрвқлар кенг тарқалган. Ўт-ўсимликлардан илок, бошоқлилардан қўнғирбош, арпағон, лола, бойчечак, гулсапсар кўп ўсади. Ўт ўсимликлари бир йиллик эфемер ва ўп йиллик эфемерлардан иборат.

Тошли(гипсли) тоғ ўсимликлари кичикроқ майлонни эгаллайди. Устюрт, Қорсақбой, Бетпақдала, манғилоқ, Қорақум, қизилқумдаги қолдиқ тепалик ва паст тоғлар этакларида кенг ривожланган. Ўсимликлари сийрак, шувок, чала буталардан шўраклар, туятовон, кермак, тошбақатол, ковраклар ўсади. Эфемер ва эфемероидлар ўсмайди.

Схўрхок чўл ўсимликлари. Ботикларда, ер ости сувлари юзасига чиқиб ётадиган ерларда тарқалган. Схўрхок ерларда ўсимликлар деярли ўсмайди, амочни атрофида шўралардан бир йиллик шўрак, қорабаргўт, қизил шўра, ер бағирлаб ўсадиган чала бута саразон, ажриқ, қора саксаул , бурган ўсади.

Лёсли чўл ёки эфемер чўл ўсимликлари. Мирзачўлда, Зарафшон водийсида, Бадхиз чўлида, Копетдоғ олдида, Мурғоб Амударё оралиғида, Тошкент олдидаги, Калас теккислигида, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг тоғ олдиларидаги лёсли ҳудудларда учрайди. Ўсимликлари бой. Асосан лола ва қўнғирбош кенг тарқалган. Бу ерда бойчечаклар, айиқтовон, арпағон, мортук, чатир, лолалар ўсади.

Тўқай ўсимликлари. Дарёлар водийларида, қўлларни инг бўйларида тўқай ўсимликлари кенг тарқалган. Бу ерда асосан дарахт, бута ва ўтлар ўсади. Дарахтлардан туронғил, тол ва жийда кўп. Буталардан юлғун, жинғил ва оқ типчак ўсади. Ўтлардан пасткам жойларда қўға, баландроқ жойларда савачўп, янтоқ, оқбош қизилмия ўсади. Тўқайлардаги ўсимликларяруссимон шаклда ўсади.

1 ярус – дарахтлар: туронғил, жийда, оқтол.

2 ярус – буталар: юлғун, жинғил, бутасимон тол, илонпечак.

3 ярус – ўтлар: ҳамиш, қўға, қизилмия, янтоқ, шўра.

4 ярус – мох, замбуруғлар.

Тоғ ўсимликлари. Адир, тоғ ва баланд тоғ явловлари ўсимликларига бўлинади.

Адир ўсимликлари. Адирлар паст (500-800м) ва тоғора (1000-1200м) адирларга бўлинади. Адирлар асосан рангбаранг ўсимликлардан иборат. Ўсимликлардан кўп йиллик йирик ўтлар - қўзиқулоқ, оққурай, қизил шувок, бугдойиқлар ўсади. Юқори адирларнинг тошли ва шағалли ёнбағирларида буталар ўсади.

Тоғ ўсимликлари. Мазкур минтақа денгиз сатҳидан 1200-1500 дан 2800-3000 м баланликкача бўлган ерларни эгаллайди. Тоғ дашт ва тоғ-ўрмон ўсимликларига ажратилади. Тоғ-дашт ўсимликлари асосан бугдойиқ, хархил ўтлар, қўзиқулоқ, астрагал, бўтакўз, ёввойи беда ва бошқалардир. Буталардан наъматак, ёввойи олча, зирк(қорақанд) ўсади.

Тоғ ўрмонлари. Тоғ ўрмонлари 2000 дан 2800 м гача баланликда тарқалган. Схимолий Тяншан, Тарбоғатоё, Жунғория Олатовида игна баргли ва баргли ўрмонлар тарқалган. Баргли ўрмонлар асосан Ғарбий ва Жанубий Тяншанда мавжуд. Баргли ўрмонлар асосан мевали дарахлардан иборат (олма, тоғолча, нок, ёнғоқ, бодом, дўлана, анор, анжир, чилонжийда, хурмо, ток). Мевасиздарахтлардан заранг, қайин, четан, терак ва толлар ўсади.

Тоғ ўсимликлари бешта ярусга бўлинади.

1 ярус – арча; 2 ярус – терак, тол, ёввойи олма, олча, ёнғоқ, бодом, дўлана; 3 ярус – буталар: юлғун, итбурун, зирк, писта, анжир, хурмо, анор; 4 ярус – ўт ўсимликлари: равоч, бугдойиқ, тоғарпа, шўра, бетага, чалок, андиз, сарикчой, тулкиқуйруқ, учқат, қирққулоқ; 5 ярус – мох, лишайник, замбуруғлар.

Яйлов ўсимликлари. Улар 2700-2800 м ва ундан баланд ҳудудларни эгаллаган. Тоғ яйлов ўсимликлари алп ва субалп ўтлоқ ўсимликларида иборат.

Субалп ўтлоқлари ўрмон минтақасидан кейин бошланади. Ўтлоқлар билан бирга арчазорлар ҳам учраб туради. Ўтлар зич ўсади, бўйи праст, аммо тури кўп, гуллари йирик ва рангбаранг бўлади. Бу ерда қўнғирбош, тулкиқуйруқ, совуққа чидамли оқ анеман, пушти қўқонгул, қўзиқулоқ, сассикқуварай, чийир кўп тарқалган.

Алп ўтлоқлари субалп ўтлоқларидан юқориқда жойлашади ва қор чизигигача давом этади. Ўтлар ер бағирлаб усади. Масалан, қиёқнинг бир тури – тўнғизсирт ўсади. Пасткам, сернам жойларда майсзорлар мавжуд. Бу ерларда оқ ва ола юлдуз ўт, ҳсариқтовон, пушти қўқонгул, сарқш ёввойи қўқнори ўсади. Ўтлардан ташқари ёстиксимон чала буталар (қизилтикан, тошёраргул) ҳам ўсади.

Ҳайвонот дунёси.

Марказий Осиё ҳайвонлари чала чўлларда, чўлларда, тоғларда, ва сув ҳавзаларида яшайди. Улар сувсизликка, совуққа, иссиққа, ноқулай рельеф шароитларига, баланд тоғ шароитига мослашганлар.

Чала чўл ҳайвонлари мавсумга кўра ўзгариб туради. Ёзда жанубдан иссиқсавар ҳайвонлар (чаён, калтакесаклар), айрим қушлар(тўрғай, лойхўрак) кириб келади. Қишда улар қайтиб кетишади, айримлари эса уйқуга кетади(қўшоёқ ва бошқалар). Қишда шиимолдан пуночка, оқ каклик, кутб бойқуши кириб келади. Чопқир ҳайвонлардан қишда ойқуйруқ ҳам яшайди, чала чўлларда юмронқозиклар кенг тарқалган. Улар билан бирга қўшоёқлар, чўл сичқони, дала сичқони, қум сичқони, каламуш ва кўрсичқон ҳам тарқалган. Гил чўлларидаги этаклари шўрланмаган жойларида (Бетпақдала, Оролбўйи,

Сҳимолий Устюрт, Тўроғай ўлкаси, Балхашбўйи) туёқли хайвонлардан окқуйрук, жафрон, ёввойи қўй, қўлон. Хашоратлардан чаён, қоракурт яшайди.

Чўл хайвонлари иссиққа ва сувсизликка турлича мослашган. Баъзилари умуман сув ичмайди, баъзилари эса кечаси ҳаёт кечиради, баъзилари салқин жойларда яшайди, баъзилари илдизларни еб, ундаги сув билан қаноатланади.

Чўлларда энг кўп тарқалган хайвонлар юмронқозиқлар (малла ва кум юмронқозиқлари), қўшоёқлар ва сичқонлардир. Судралиб юрувчилардан тошбақа ва калтакесаклар ниҳоятда кўп. Калтакесаклардан юмолоқбош, кум калтакесаги, эчкиемар, агама лар яшайди. Илонлардан бўғма илон, ўқилон, захарли чархилон, қўлвар илон, кўзойнакли илонлар тарқалган. Йиртқич хайвонлардан тулки, чиябўри, кум мушуги ва бошқалар яшайди. Қизилқумдаги саксовулларда бухоро буғуси – хонгул яшайди. Қушлардан саксовул тўрғайи, майкути (славка) чўл қарғаси, чўл қарқўноғи, саксовул чумчуғи ва бошқалар учрайди.

Тоғ хайвонлари баландлик минтақаларига қароаб ўзгаради. Тоғ чалачўл хайвонлари, теккислик чалачўл хайвонлари билан бир хил. Тоғ қуруқ чўлларида тулки, бўри, жийрон, сиртлон учрайди, аммо мазкур минтақада чўлга хос бўлган хайвонлар учрамайди. Кенг баргли ўрмонларда жайрон, айиқ, тўнғиз, бўрсиқ учрайди. Тўнғиз дарё бўйларида кўпроқ тарқалган. Қушлардан жаннат хашоратхўри, каптар, майкут, оқ бошли сава, булбул ва бошқалар учрайди. Игнабаргли ўрмонларда элик(кийик), Жунғория Олатовуда марал (буғи), йиртқич хайвонлардан силовсин, туркистон йиртқич лайчаси, айиқ, манул мушуги (Еттисувда) тарқалган. Арчазорларда ўрмон сичқонлдари, тоғ сичқонларои, қушлардан болтатумшук, тоғ сариқ чумчуғи, читтак ва тоғ каклиги учрайди.

Субалп ва алп минтақасида тоғ такаси, тоғ кийиги, тоғ қўйи(архар), қор қоплони, кемирувчилардан суғур тарқалган. Қушлардан Химолой қора куркаси, тоғ зағчаси, тоғ тўрғайи, алп чумчуксимон қуши, болтаютар тарқалган.

Тўқай хайвонлари Сирдарё, Амударё, Или, Чу ва бошқа дарёлар қайирларидаги тўқайларда ва дарахтзорларда тарқалган. Тўқайларда тўнғиз, буғи, тўқай мушуги, қуён, ўрдак, ғоз, қирғовул, пайхўрак, баклан, биркозон, сакқоқушва бошқалар тарқалган.

3-мавзу.	Марказий Осиё аҳолиси ва меҳнат ресурслари
----------	--

1. Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, Венн диаграмма, Б.Б.Б. техникасидан фойдаланган ҳолда
Маъруза машғулотининг режаси	1. Аҳолининг сони ва динамикаси. 2. Аҳоли сонининг қайта тикланиши. 3. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби. 4. Аҳолининг миллий таркиби.
Ўқув машғулотининг мақсади: Мавзу мазмунини амалиёт ишлари орқали талабаларга етказишда аҳолининг умумий сони, табиий ўсиш кўрсаткичи, зичлиги, туғилиш ва ўлиш коэффициенти ҳамда бу кўрсаткичларнинг Марказий Осиё ҳудудида жойлашган Мустақил Республикаларда қандай тақсимланганлигини тахмин қилдира билиш. картографик ва статистик материалларни мушоҳада қилиб, маълумотларни таққослаш, аҳоли умумий сонининг ўзгаришини ва шу регионга хос бўлган демографик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш.	
Педагогик вазифалар: - Марказий Осиё давлатлари ҳўжалигини ташкил этиш ва ривожлантиришда инсон омили тушунтириш; - регионга хос бўлган демографик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Марказий Осиё аҳолисининг умумий сони, зичлиги ва унинг ҳар бир давлатдаги кўрсаткичларини билиб олади; - Марказий Осиё га хос бўлган демографик муаммоларни билиб олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, Венн диаграмма, ақлий ҳужум, муҳокама, блиц-сўров, Б.Б.Б. жадвали.
Ўқитиш шакли	Фронтал, алоҳида, жамоа бўлиб ишлаш, жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Конспект, слайдлар, ўқув материаллари, проектор.
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5 мин)	1.1. Мавзу унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади.	1.1. Эшитадилар, ёзадилар.
2-босқич. Билимларни Фаоллаштириш (15 мин)	2.1. Экранга Б.Б.Б. жадвалини чиқаради ва унга изоҳ беради (1-илова). Топшириқ беради: ҳамма жадвални чизиб олсин ва маъруза режаси бўйича 2-устунни тўлдирсин. Талабаларни жуфтликка ажралишлари сўралади, саволлар бўйича алоҳида фикр юритиш ва жуфтликда муҳокама қилиш ва жавоб бериш тавсия этилади. 1) Фарғона водийси вилоятлари туристик объектлари шаклланишида қандай омиллар катта таъсир кўрсатади? 2) Сизнинг фикрингизча ушбу мавзу бўйича нимани билиш керак? Блиц-сўров ўтказди. Б.Б.Б. жадвалининг 3-ва 4-устунларини тўлдириш бўйича топшириқ беради. Маъруза матни ва ўз нуқтаи назаридан Фарғона водийси вилоятлари туристик объектлари бўйича жуфтликларда муҳокама қилиш ва саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказди. (3-илова)	2.1. Жадвални чизади ва 2-устунни тўлдиради. Жуфтликка ажралидилар, саволларни муҳокама қиладилар ва жавоб берадилар. Б.Б.Б. жадвалининг 3 ва 4-устунларини тўлдирадилар.
3-босқич Асосий (55 мин)	3.1. Конспектни тарқатади (4-илова). Маъруза ўқийди, визуал материаллардан фойдаланади. Тушунтириш жараёнида мавзу бўйича Фарғона водийси вилоятлари туристик объектлари хусусиятларига оид маълумотларни Марказийга ташлаб, эътиборни жалб этувчи ва муаммоли саволлардан фойдаланади (2-илова). 3.2. Топшириқ беради. Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда тўлдиришларини сўрайдилар. Блиц сўров ўтказди.	3.1. Эшитадилар, муҳокамада иштирок этадилар. 3.2. Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда тўлдирадилар. 3.3. Венн диаграммасини ишлайдилар.
4-босқич Якуний (5 мин)	4.1. Маърузага якун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умулаштиради, олинган билимларнинг келажак учун аҳамиятини айтиб ўтади.	4.1. Эшитадилар ва топшириқни ёзиб оладилар

Тарқатма материаллар

Марказий Осиё давлатларида инсон омилини белгилашда уларнинг ҳақиқий бойлиги ва мулки меҳнатсевар, саҳий, ватанпарвар ва миллат парвар ҳамда меҳмондуст халқи эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

«Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларини, қудратли салоҳиятини ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришининг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатни ислохатлар ва туб ўзгаришлар йулидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради» дейди Президентимиз КАРИМОВ И.А. (1997) .

Инсон салоҳияти ва меҳнат заҳираларинини шакллантиришда ижтимоий –демографик вазият ҳал қилувчи роль уйнайди. Марказий Осиёда бу вазият қандай аҳволда эканлиги мавзу мазмунида баён этилган.

Марказий Осиё давлатларининг демографик хусусиятларига оид маълумотлар анча кўп бўлиб, уларда келтирилган кўрсаткичларлар бир-бирдан фарқ қилади. Шунга қарамасдан демографик хусусиятларни белгиловчи қонуниятлар деярли бир хилда. Шунинг учун аҳолига хос бўлган қонуниятларини билишга эътиборимизни қаратишимиз керак.

Марказий Осиё аҳолиси ҳақидаги маълумотлар 1897; 1926; 1939; 1959; 1970; 1979; 1989-йиллардаги аҳоли рўйхатлари материалларидан ва кейинги йилларда чиққан статистик кўрсаткичлар асосида тавсиф этилди. Бу минтақада бошқа жойлардаги каби аҳолининг умумий ўсиши ижтимоий-иқтисодий, тарихий-географик хусусиятлар билан боғлиқ. Жумладан, Туркистоннинг босиб олиниши, ҳарбийларнинг кўчиб келиши, шаҳарларнинг вужудга келиши, жаҳон урушларининг оқибатлари, миллий ва диний можаролар, давлатларнинг парчаланиб кетиши ва бошқалар аҳолининг умумий кўрсаткичини белгиловчи омиллардир. Масалан: Ўзбекистоннинг аҳолиси 1941-1945 йилларда 1,4 млн кишига камайиб кетган. Аҳоли умумий сони Марказийча, 1917-1940 йилларда 2,7 % га, 1960-1970 йилларда 3,3 -3,8 % га; 1999-2005 йилларда 1,4 % га усди.

Марказий Осиё аҳолисининг умумий сони ҳозирги вақтда (2006 й.), 60 млн кишини ташкил этди. Шу жумладан Ўзбекистонда 26,1 млн; Қозоғистонда 15,2 млн; Тожикистонда 7,3 млн; Туркменистонда 6,7 млн ва Қирғизистонда 5,2 млн кишига тенг бўлди. Аҳолишуносларининг прогнозига қараганда 2025 йилга бориб мамлакатлардаги аҳолининг сони қўйидагича бўлар экан: Ўзбекистонда 43,3 млн; Қозоғистонда 20,5 млн; Тожикистонда 13,1млн; Туркменистонда-7,9 млн ва Қирғизистонда-7 млн киши. Марказий Осиё регионидида умумий аҳоли сони 2025 йилга бориб 92 млн кишига етиши мумкин. Аҳоли ўсишининг барча давлатларда бир хилда эмаслигига минтақада шаклланган мураккаб тарихий–географик, ва иқтисодий–ижтимоий хусусиятлар катта таъсир кўрсатмоқда. Минтақа аҳолисининг асосий қисми Ўзбекистонда яшайди(43,5%).

Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг юқори суръатлар билан ўсиши (Қозоғистондан ташқари) асосан табиий ўсиш ҳисобига бўлмоқда. Табиий

ўсиш кўрсаткичига кўра Марказий Осиё давлатлари МДХ да олдинги ўринда туради. Табиий ўсиш кўрсаткичи бўйича кейинги йилларда Туркменистон юқори кўрсаткичга эга бўлмоқда. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, ва Қозоғистон Республикаларида минг киши ҳисобига табиий ўсиш 26,6; 25,6; 21,4; ва 11,8 кишини ташкил этган.

МО Республикаларида табиий ўсиш бир хил эмас. Биргина 1990-1997 йилларнинг ўзида Ўзбекистон аҳолиси 13,3 % га кўпайди. Қозоғистонда аҳоли сони камайиши кўзатилди. Бунинг асосий сабаби табиий ўсишнинг камайиб бораётганлигидир. 1990 йил ҳар минг кишига табиий ўсиш 18,1 киши туғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 5,0 кишига тенг бўлди. Қозоғистоннинг қишлоқ жойларида бу кўрсаткич 20,4 кишини ташкил этади. Шунингдек Тожикистонда 1990-97 йилларда табиий кўпайиш юқори бўлиб, МДХ давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллаган. Кейинги йилларда мамлакатдаги ўзаро келишмовчиликлар оқибатида аҳолининг табиий ва механик ўсишида камайишлар кўзатилди.

Марказий Осиё аҳолисининг географик жойлашувига ҳам объектив ҳам субъектив омиллар таъсир кўрсатмоқда. Водий ва воҳалар, қадимий вилоят марказларида аҳоли кўп ва зич яшайди. Минтақанинг барча ҳудудларида шаҳар аҳолисига қараганда қишлоқ аҳолиси кўпчиликти ташкил қилади. Яъни умумий аҳолининг 45 % и шаҳарларда, қолган 55 % эса қишлоқларда яшайди. Тожикистон Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларида урбанизация жараёни жуда секин кечмоқда. Урбанизация даражаси бўйича Қозоғистон МО давлатлари ичида энг юқори кўрсаткичга эга.

Йирик маъдан конларининг топилиши ва ишга туширилиши, янги ерларни ўзлаштирилиши ва йирик ирригация-мелиорация ишларини амалга оширилиши билан аҳоли жойлашувида ўзгаришлар бўлмоқда.

Урбанизация даражаси ҳозирги вақтда Қозоғистонда 57 % ни, Туркменистонда 45 % ни, Ўзбекистонда 36 % ни, Қирғизистонда 37 % ни, Тожикистонда 27 % ни ташкил этмоқда.

Марказий Осиё ҳудудида аҳолининг зичлиги ҳар бир кв.км га 15,0 киши тўғри келади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда-58, Қозоғистонда-5,6, Тожикистонда-50, Туркменистонда-14, Қирғизистонда-26,2 киши тўғри келади. Аҳоли зичлигининг давлатлар орасида кескин фарқ қилиши аҳолининг ҳудудий таркиби, табиий ўсиш коэффициенти, тарихий омил бошқалар билан боғлиқ.

Аҳоли зичлиги ҳар бир давлат ҳудудларида ҳам кескин фарқ қилади. Аҳолининг Марказийча зичлиги Ўзбекистонда бир кв.км га Андижон вилоятида 500 кишидан ортиқ бўлса, Қорақалпоғистонда 9,5, Навоийда 7,3 кишини ташкил қилади ҳолос.

Аҳолининг жинсий, ёш ва миллий таркиби муҳим ижтимоий-демографик кўрсаткич ҳисобланади. Аҳолининг жинси ва ёш таркиби истиқболни белгилаш аҳолини такрор барпо этиш учун зарур кўрсаткичдир.

Турли сабабларга кўра уларнинг салмоғи ўзгариб турган. Масалан: Ўзбекистонда 1939 йилда эркаклар 52,0 % ни, аёллар 48,0 % ни ташкил этган

бўлса, 1989йил эркаклар 49,0 % ни ва аёллар 51 % ни ташкил этган. 2005 йилда ҳар 1000 эркакка 1016 аёл тўғри келган.

Минтақада 1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича Ўзбекистонда 0-14 ёшдагилар-40.8 %ни, 15-29 ёшда 28.3 %ни, яъни жами аҳолининг 69,1 % ни болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолисининг Марказийча ёши 24 ёшга тенг.

Аҳоли ёш таркибидаги юқоридаги кўрсаткичлар мамлакат ишлаб чиқариш кўчларини ривожлантиришнинг истиқболларини белгилаб беради.

Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибида ўзбеклар сони 20 млн кишидан ошган. Ўзбекистондан ташқарида, жумладан, Тожикистонда-1300000, Қозоғистонда-409.000, Туркманистонда-320000 ва Афғонистонда-3000000 дан ортиқ ўзбеклар яшайди. Ўзбекистонда умумий аҳолининг 78,4 % ни ўзбеклар, 4,1 % ни руслар, 5,3 %ни тожиклар, 4,0 % қozoқлар, 0,9 % ини қирғизлар 0,6 % ини туркманлар ва бошқа миллат вакилари ташкил этади. Ўзбекистонда 1,5 млн кишидан ортиқ славян халқларнинг вакиллари яшайди.

Қозоғистон Республикасида 2004 йилги маълумот бўйича: қozoқлар-57,2 %, руслар-27,2 %, украинлар-3,1 %, ўзбеклар-2,7 %, немислар-1,6 %, бошқа миллат вакиллари-8,2 % ни ташкил этади. Тожикистонда аҳолининг миллий такибида тожиклар-62,3 %, ўзбеклар-23,8 %, руслар-10,5 %, татарлар-2,0 % ва 1,4 % бошқалар миллатлар. Қирғизистонда қирғизлар 64,6 % ни (2000й) ташкил этади. МОДнинг қишлоқларида асосан туб аҳоли яшайди. Масалан Ўзбекистон қишлоқларда 96,7 % туб аҳолидир. Шаҳарларда туб аҳолининг улиши -64,7 % ни ташкил этади.

МОД мустақиллик йилларида аҳолининг саводхонлигини ошириш, уларга касбий йўналиш бериш ва маданий даражасини кўтаришга катта эътибор бермокда. Масалан: Ўзбекистонда «Таълим туғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқалар асосида иш олиб борилмокда.

МОДда меҳнат ресурслари меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилардан иборатдир. Меҳнат ресурсларининг шаклланишига аҳолининг ёши ва жинсий таркиби, табиий ўсиш режаси ва бошқа ижтимоий ҳолатлар таъсир кўрсатиб туради.

Марказий Осиёда аҳоли ўсиш ва жойланишига оид муаммолар мавжуд бўлиб, уларни биртараф қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Айниқса минтақада табиий ўсишнинг турлича эканлиги ва ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганлиги (умумий сони, зичлиги ижтимоий таркиби ва бошқалар), меҳнат ресурслари ва иш билан бандлик даражасининг номутаносиблиги, ёши ва билимидаги фарқлар ва х.о. Марказий Осиёдаги ҳар мустақил республикада бозор иқтисодиёти стратегиясини руёбга чиқаришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли ва самалали чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтганидек «Республикамиз бошқа минтақалар ҳавас қилса арзийдиган минг-минглаб ишчи кучларига, қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган меҳнатсеварлик, инсонпарварлик сингари маънавий бойликларга эгадир» бу МОД даги бошқа халқларга ҳам

тегишлидир. Шубҳасиз уйлаб қилинган ҳар бир иш ижобий тарзда самарасини беради.

Ўқув материаллари

1-илова

Б.Б.Б. техникасини қўллаш бўйича кўрсатма

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани эшитинг.
5. 5-устунни тўлдилинг.

Б.Б.Б. жадвали (биламан, билишни хоҳлайман, билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
2	МО да аҳолининг табиий ўсиши			
3	МО да аҳолининг ҳудудий жойлашуви			
4	МО давлатлари аҳолисининг ижтимоий таркиби			
5	Аҳоли сони бўйича МО давлатларининг кетма-кетлиги			
6	МО давлатлари меҳнат ресурслари			
7	Урбанизация			
8	Миллий таркиби			

2-илова

Муҳокама учун эътиборни жамловчи ва муаммоли саволлар

1. Аҳолининг ёш ва жинс таркибини урганишнинг аҳамияти
2. Аҳолининг жинс таркиби ва ундаги фарқлар
3. Аҳолининг ёш таркиби ва унга таъсир курсатувчи омиллар
4. МО да яшаётган эркалар билан хотинлар нисбати қандай?
5. Ёшлар бўйича таркиби: меҳнат ресурсларига таъсири.
6. Халқларнинг келиб чиқиши ва ҳозирги замон этник жараёнлари.
7. МО аҳолисининг таркиби ва ҳудудий жойлашуви
8. МО регионларида миллатлараро муносабатлар.
9. МО мамлакатларида этник ва миллий муносабатлар

5-мавзу.	Марказий Осиё халқ хўжалиги.
----------	------------------------------

6.Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Муаммоли маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиё худудида хўжаликнинг мазмуни ва моҳияти. 2. Истиқлолнинг дастлабки даврида худудда хўжаликнинг ҳолати. 3. Марказий Осиёда хўжаликнинг тармоқлари ва уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни. 4. Минтақада хўжаликнинг ривожланиш хусусиятлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни Марказий Осиё давлатларининг хўжалик тармоқлари, уларнинг жойлашуви ҳамда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан таништириш.	
Педагогик вазифалар: - Марказий Осиё давлатлари ихтисослашган хўжалик тармоқлари ва уларнинг худуд ҳамд марказларини белгилаш; - Марказий Осиё давлатларининг МДХ давлатлари орасида хом ашё етиштиришга ихтисослашганлиги билан ажралиб туришини асослаб бериш; - Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатнинг жаҳон миқёсидаги географик меҳнат тақсимоотида нима билан ажралиб туришлигини аниқлаш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Марказий Осиё давлатлари ихтисослашган хўжалик тармоқлари ҳақида билимга эга бўлади; - Минтақада хўжаликнинг ривожланиш хусусиятлари бўйича маълумотга эга бўлади; - Табиий шароитнинг хўжаликнинг ривожланишига боғлиқлигини тушуниб етади; - Давлатлар бўйича статистик маълумотларни таҳлил қила олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, муаммоли усул, суҳбат, ақлий ҳужум. техникаси: «ўйла-ишла ва фикр алмаш», блиц сўров, график органайзер: кластер, «савол-жавоб» жадвали
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, визуал материаллар.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (3 мин)	1.1. Мавзу, мақсад ва режадаги ўқув натижаларини маълум қилади, машғулоти режасини тақдим қилади.	1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар.
2-босқич. Билимларни Фаоллаштириш (7 мин)	2.1. Мустақил таълим учун берилган топшириқ эслатилади: ушбу мавзунини Инсерт усулида ўқиб келиш. Билимларни фаоллаштириш учун савол беради. -Халқ хўжалигини ривожлантиришда қандай омиллар муҳим ҳисобланади? Блиц-сўров ўтказилади.(1-илова)	2.1. Саволларга жавоб берадилар.
3-босқич Асосий (65 мин)	3.1. Фаоллаштирилган билимларга таянган ҳолда талабаларни дарс ҳал этиладиган муаммага олиб кирилади ва уни шакллантирилади. 3.2. Жуфтликка ажралишларни таклиф қилади ва саволларга жавоб беришларини сўрайди. Талабалар томонидан қўйилган муаммони аввал бошидан тушуниб олишлари учун ушбу муаммони жуфтликларда ҳал этишни ташкил этади. Таҳлил қилади ва талабалар билан биргаликда тахминий ечимлар муҳокама қилинади, уларда бўлиши мумкин бўлган қийинчиликлар аниқланади. 3.3. Муаммони ҳал этиш бўйича усулларни қидиришга ўтади: биринчи кичик муаммони шакллантиради, сўнг муаммони саволларни қўйиш орқали уни ечиш усулларни топади, яъни оралиқ хулоса қилинади. Шу тарзда кейинги кичик муаммони ҳал этишга киришилади ҳамда муаммо бўйича умумий хулоса шакллантирилади (3-4- илова). Дарс жараёнида график организатордан фойдаланилади: мантикий схема, визуал материаллар (2 ва 3- илова). 3.4. Муаммони топшириқ бўйича якуний жавобни ёзишга топшириқ беради.	3.1. Муаммони саволни ёзиб оладилар. 3.2. Жуфтликка бўлинади. Биргаликда муҳокама қиладилар ва ўз мулоҳазаларини илгари сурадилар. Муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини айтадилар. Муаммони йўл-йўлакай ечиш мумкин эмаслигига тушуниб етадилар. 3.3. Кичик муаммоларни ҳал этиш бўйича фикрларини айтадилар, мулоҳаза юритадилар, таҳлил қиладилар, муаммони оптимал ечиш бўйича хулоса қиладилар. 3.4. Жуфтликда якуний хулосаларни шакллантиради ва ёзиб оладилар. Жуфтликда қилинган хулосалар ўқиб эшиттирилади. 3.5. Жадвални оладилар, бир гуруҳ иккинчи гуруҳга савол ёзиб беради, кейин эса жавобни тўлдирадилар ва топширадилар.
4-босқич Якуний (5 мин)	4.1. Маъруза машғулотида якун ясади, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради, фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 4.2. Мустақил таълим учун топшириқ беради:.	4.1.Эшитадилар 4.2.Ёзиб оладилар

Тарқатма материаллар

Халқ хўжалиги – мамлакатнинг энг мураккаб иқтисодий тизими бўлиб, моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари мажмуидан иборатдир.

Марказий Осиё республикалари мураккаб ривожланиш жараёнини босиб ўтди. Улар илк ривожланиш давлари ҳисобланадиган Буюк Ипак йўли фаолият кўрсатиб келган эрадан олдинги асрлардан бошлаб то XVI аср Марказийларигача жаҳон цивилизациясида етук даражада ривожланишга эришдилар. Бу даврларда Марказий Осиё минтақасининг Мағриб (Ғарб) ва Машриқ (Шарқ), иссиқ жануб ва совуқ шимол мамлакатлари Марказийсида ўтадиган серкатнов карвон йўллари чорраҳасида жойлашганлиги унда хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги шаҳар ҳаёти ва илм-фаннинг ўз даврида юксак ривожланишига олиб келган эди. Бунда минтақанинг анча қулай иқтисодий–географик ўрни, агроиклим ва бошқа иқтисодий географик омиллар ҳам катта ижобий роль ўйнаган.

Бу даврларда Марказий Осиё ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳақиқатдан ҳам юксак ривожланиш даражасига эришган эди. Эътироф этиш лозимки, кишилиқ жамияти тараққиётига Марказий Осиё мамлакатлари айнан ана шу даврларда ўзининг энг катта улушини қўшган.

Дарҳақиқат, ҳозиргача илмий-маърифий йўналишда қолдирган бой илмий мерослари ва ақл-заковатлари билан дунёни лол қолдириб келаётган М.Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Улуғбек каби ўнлаб буюк алломалар айнан ана ўша буюк Шарқ Реннесанси деб ном олган даврларда яшаб ижод этган эдилар. Аслида, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт тараққиёт даражаси бу даврларда қандай бўлганлигини юқорида номлари зикр қилинган буюк зотлар ҳам исботлайди. Зеро, илму-фан, маърифат, маданият иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ҳосиласи ҳисобланади.

Буюк Ипак йўли фаолиятининг тўхташи натижасида секин-аста мазкур минтақа иқтисодий–ижтимоий ҳаёти, ривожланиши жараёнида сўниш-инқироз даври бошланди. Иқтисодий-ижтимоий тараққиётда катта салбий оқибатларга олиб келадиган бу жараён туфайли моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиши сусайди, уларнинг ҳудудий жойланиши ва таркибидаги чуқур турғунлик даври бошланди. Оқибатда минтақа қисқа вақт ичида у Чор Россияси томонидан босиб олинди. Марказий Осиё мамлакатлари халқ хўжалигида Чор Россияси даврида чуқур ҳудудий ва таркибий ўзгаришлар юз бера бошлади. Илгарилари асосан натурал хўжалиқ шаклидаги минтақа иқтисодиёти аста-секин капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари таъсири остига ўта бошлади. Биринчи навбатда Чор Россияси учун ниҳоятда зарур қимматли товар маҳсулот бўлиб ҳисобланадиган пахта етиштириш имконияти катта бўлган ўлкаларга темир йўллар келтиришга киришилди. Хали Сибир районларига нисбатан ҳам анча олдинроқ XIX аср 80-йиллари давомида Каспий бўйларида (Красноводск, ҳозирги Туркманбоши) Самарқандга, сўнгра Фарғона водийси ва Тошкентга олиб келинган темир йўлларни фақат пахта туфайлигина деб тушуниш лозим.

Пахта етиштириш ва уни дастлабки қайта ишлаш билан боғлиқ барча ишлаб чиқариш соҳаларининг рағбатлантирилиши натижасида Фарғона ва Зарафшон водийларида Тошкент воҳасида дастлабки саноат корхоналари юзага кела бошлаган эди. Шу билан бирга тоғ-кон саноати. Транспортга хизмат қилиш соҳаси, қурилиш материаллари саноати каби тармоқлар ҳам ўзининг дастлабки одимларини ташлаган эди. Шундай қилиб, минтақа халқ хўжалигининг асосан товар хом-ашё маҳсулотларини билан ишлаб чиқаришга ихтисослашувига асос солинган эди.

Иттифоқ даврида бу жараён яна чуқурлашди ва охирига етказилди. Даставвал минтақада тоталитар Қизил империя–Совет давлатининг асл манфаатларига хизмат қиладиган стратегик маҳсулотлар-пахта, пилла, сабзавот, мева, тоғ-кон маҳсулотлари, ёкилғи, рангли, қимматбаҳо ва нодир металлларни етиштирувчи тармоқларни ривожлантиришга зўр берилди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига (машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари, электроэнергетика, енгил, озиқ-овқат саноатлари) эса юқорида қайд қилинган стратегик аҳамиятли маҳсулотларни янада кўпроқ ва арзонроқ ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи йўналишлар сифатида қаралди.

Жумладан, Марказий Осиё давлатларида машинасозлик саноати асосан маҳаллий қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учунгина зарурий машина ва ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, кимё саноатининг эса асосий вазифаси деб қишлоқ хўжалиги учун зарурий минерал ўғитлар ва захарли кимёвий ишлаб чиқариш воситаларни белгиланган эди. Хатто минтақада ривожланиш имкониятлари ўта юқори ҳисобланадиган турли енгил ва озиқ овқат саноати тармоқлари ҳам анча суст ривожланишга эришган эди. Йиллар давомида ҳудуддаги республикалар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича собиқ иттифоқнинг пахта, пилла, қора кўл терилари, қуритилган ва хўл мевалар, полиз экинлари ҳамда рангли, нодир ва қимматбаҳо металллар (мис, кўрғошин, вольфрам, уран, симоб, сурьма, олтин ва х.к) каби қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи район бўлиб келди. Шунингдек нефть, газ, электр энергияси, пахтачилик ишлаб чиқариш мажмуасида хизмат қиладиган машина ва асбоблар етказиб беришда ҳам Марказий Осиё давлатларининг улуши катта бўлди.

Собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиё ҳудудидаги хўжалик тармоқларининг ишлаб чиқаришда қатнашувчи ва унинг бошқа ҳудудлардаги тармоқлари билан боғланган ҳолда олиб борилганлиги сабабли, республикаларда тармоқларни шакллантириш ва ривожлантиришда уларга тобеълик сезилар эди. Биргина мисол, Ўзбекистон самолёт яратиш учун 1500 дан ортиқ керакли ускуналарни, пахта териш машинасини барпо этиш учун 100 дан ортиқ керакли қисмларни Собиқ Иттифоқнинг турли ҳудудларидаги корхоналаридан олиб келишга мажбур бўлар эди. Бу ҳолатлар Марказий Осиё республикаларида хўжалик тармоқларини шароит ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда барпо этишга тўсқинлик қилиб келди. Буларнинг барчаси собиқ марказнинг кўп йиллар давомида олиб борган сиёсати оқибати эди. Ушбу ҳолат истиқлол туфайли мустақилликка эришган республикалар иқтисодиётининг қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг дастлабки ўтиш

даврида ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик йилларигача ҳудуддаги давлатлар собиқ иттифоқнинг 5% саноат ва 16% қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берган. Марказий Осиё мустақил давлатлар ҳамкорлигидаги давлатлар орасида кўпроқ хом ашё ва ярим хом ашё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги билан фарқланиб туради. Узоқ йиллар давомида минтақадаги хўжалик тармоқларининг собиқ иттифоқдаги ишлаб чиқариш тармоқлари билан боғланганлиги ҳозирги кунда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун МДХдаги давлатлар билан шартномалар тузиш ва уларни амалга ошириш керак. Булар тезкорлик билан ҳал бўладиган вазифалар эмаслигини давр кўрсатмоқда.

Мустақил давлатлар ҳозирги кунга келиб сиёсати, иқтисодиёти ва давлат қурилишини тузишда ўзига хос йўналиш ва тамойилларини белгилаб олишган. Жумладан, Ўзбекистон республикаси 5 та тамойил ва ўзига мос йўналишларга асосланиб иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда жойлаштиришга қаратилган ишларни амалга ошираётир. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга, хўжалик юритишда давлат назоратининг устувор йўналишларини белгилашга, қўшни ва хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг тенглик асосида яхшилашга эътибор қаратилмоқда. Ҳудуддаги барча давлатларда мулкни хусусийлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Хўжаликни ўз мақсадида вазифасидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва ривожлантириш учун минтақадаги давлатлар МДХ ва хориждаги мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга киришдилар, нуфузли халқаро ташкилотларга, акционерлик уюшмаларга аъзо бўлдилар. Кредит, инвестиция олмақдалар, чет эл инвесторларини жалб қилишаётирлар. Янги техника ва технологияни хўжалик тармоқларига олиб киришмоқда. Хўжалик юритишда фан ва техника ютуқларига, кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтиришмоқда.

Марказий Осиё худудида хўжалик тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш учун турли иқтисодий ва ижтимоий шароитлар мавжуд. Регионда айниқса меҳнат ресурслари захираси етарли. Гидроэнергетик, ер, минерал ва бошқа ресурслар ҳам мавжуд. Ҳозирда давлатлар иқтисодиёти хом ашё ва айрим хом ашё маҳсулотлари етказиб беришга ихтисосланишнинг ўрнига маҳсулотларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Марказий Осиё хўжалигининг асосий таркиби саноат ва қишлоқ хўжалик ҳамда уларнинг тармоқларидан иборатдир. Бу хўжалик таркиблари ва уларнинг республикалар иқтисодиётидаги хиссаси турли-туман. Уларнинг шаклланиши, ривожланиши ва жойланиши республикаларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, табиий географик шароитлари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатлар иқтисодиётида хўжалик тармоқларининг ўрни, ишлаб чиқаришдаги салмоғи турличадир.

Минтақадаги давлатларнинг географик ўрни, табиий, тарихий, ижтимоий-иқтисодий шароити, геодемографик вазияти уларнинг иқтисодиётини, хўжалик тармоқларининг ривожланишини, ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлашувини, шунингдек иқтисодиётини, унинг ўрнини белгилайди. Жумладан, ҳозирги кунда ҳам МДХ давлатларида етиштириладиган пахтанинг 95%и, шоли, мева, сабзавот, пилла, қорақўл терининг 45 % и Марказий Осиё давлатларига тўғри келади. Булардан ташқари кўплаб рангли металллар, сурма, мис, катта миқдорда нефть, газ қазиб чиқарилади. Қозоғистонда 2005 йилда қарийб 60 млн. т. нефть (Россиядан сўнг иккинчи ўринда МДХ давлатлари орасида), Ўзбекистон ва Туркменистонда 60 ва 85 млрд. м³ газ қазиб чиқарилган. (МДХда Россиядан кейин 3 ва 2-ўринда). Шунингдек, кўмир қазиб чиқаришда Қозоғистон республикаси МДХда 3-ўринда (90 млн.т.), олтин қазиб чиқариш бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида 2, дунёда 10-ўринда туради.

Марказий Осиё давлатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳам МДХ ва хорижий давлатлар орасида ўзига хос кўрсаткичларга эга. Бу борада Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатларининг ҳиссалари салмоқлидир.


Минтақадаги давлатлар орасида Қозоғистон иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлиги билан ажралиб туради. Миллий даромади аҳоли жон бошига ҳисобланганда анча юқори. Минтақада хўжалик ривожланиш хусусиятлари республикалар танлаб олган тамойил ва йўналишларга боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичларига табиий, ижтимоий, иқтисодий ва геодемографик вазиятлар билан бир қаторда давлатнинг танланган тадбир-чоралари ҳам муҳим таъсир кўрсатади. 1991-1995 йиллар оралиғида нефть, газ қазиб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, Қозоғистонда нефть, газ қазиб чиқариш, дон, картошка, гўшт ва сут етиштириш миқдорлари камайиб борган. Ўзбекистонда эса аксинча. Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистонда ҳам кўрсаткичлар кўлами камайган. Сут етиштириш Туркменистонда бироз ортган ҳолос.

Марказий Осиё республикаларида хўжаликни ривожлантирида уларнинг табиий географик шароитидан ташқари иқтисодий географик ўрни муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Қозоғистон республикасининг Россия Федерациясининг ривожланган Волга бўйи, Урал, Ғарбий Сибирь, иқтисодий районларига қўшнилиги ва яқинлиги, денгиз билан туташлиги, транзит темир, автомобиль, ҳаво йўлларининг бўлишлиги, ер ва минерал ресурсларга бойлиги тинч ва ривожланган мамлакатларга чегарадошлиги ва бошқалар унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланганлигини белгилайди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёдаги давлатлар Европа, Форс қўлтиғи атрофидаги давлатларга Ҳинд ва Тинч океани қирғоқ бўйларида чиқишга катта эътибор беришмоқда. Буларнинг ҳаммаси Марказий Осиёдаги давлатларда хўжаликни ривожлантиришга имкон яратади.

Блиц-сўров

Табиий шароит
Табиий ресурс
Меҳнат ресурси

Визуал материаллар



Муаммоларни шакллантириш

1. Марказий Осиё республикалари хўжалигининг бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи хусусиятларини аниқланг.
2. Марказий Осиё республикалари иқтисодиёти тарихий даврлар давомида қандай ўзгаришларга эришди?

3. Марказий Осиё республикалари хўжалигининг бундан кейинги ривожланиши қандай муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқ?
4. Халқ хўжалигининг мазмуни ва моҳиятини тавсифланг.
5. Собиқ Иттифоқ ва истиқлолнинг дастлабки даврида Марказий Осиёда хўжаликнинг ҳолати ҳақида таъриф беринг.
6. Минтақада хўжаликнинг ривожланиши хусусиятларига нималар таъсир кўрсатади?
7. Марказий Осиё давлатлари хўжалигига оид даврий матбуот, радио эшиттириш ва телекўрсатув материалларини тўпланг.

Риддер саноат шаҳри



6-мавзу.	Марказий Осиё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, ташқи иқтисодий алоқалари.
-----------------	--

2. Кириш маърузасини ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 20-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза.
Маъруза машғулотининг режаси	1.Марказий Осиё саноатининг хўжаликда тутган ўрни. 2.Регионда саноат тармоқларини шаклланиши, жойлашуви ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар. 3. Марказий Осиё саноат тармоқлари. 4. Марказий Осиё иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни. 5. Минтақада қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари. 6. Марказий Осиё худудида қишлоқ хўжалиги минтақалари. 7. Марказий Осиё давлатлари хўжалигини ташкил қилиш ва ривожлантиришда транспортнинг аҳамияти.
Ўқув машғулотининг мақсади: Машғулот мавзуси мазмуни орқали Республикаимиз саноатининг тармоқлар тузилиши, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши кўрсаткичи, уларни белгиловчи омиллар, имкониятларни ва транспортнинг аҳамиятини таҳлил қилиш. Саноат тармоқлари ва уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига оид картографик материалларни қиёслаш - таккослаш кўникмасини шакллантириш, уларнинг истикболларини белгилашдан иборат.	
Педагогик вазифалар: - Марказий Осиёда мавжуд саноат тармоқларини белгилаб ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини тавсифини бериш; - Республикалар саноатида саноат тармоқларнинг тутган ўрнини аниқлаш; - Етакчи саноат тармоқларига таъсир кўрсатувчи асосий сабабларни аниқлаш; - Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигининг мамлакат халқ хўжалигида тутган ўрни ва унинг истикболлари аниқлаш; - Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигининг ривожланиш омилларини ўргатиш; - Ўрта Осиёда транспорт турларига таъриф бериш, уларнинг аҳамиятини тушунтириш; - Республикалардаги алоқа йўлларини транспорт турлари нуктаи назаридан таҳлил қилиш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: -Марказий Осиё саноат тармоқларини гуруҳлаштира олади; -Саноат тармоқларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлай олади; - Республикаларнинг ер майдони ва қишлоқ хўжалиги ерларининг таксимотини жадвал маълумотлари бўйича таҳлил қила олади; - Республикадаги умумий ер майдонининг қанча фоизи қишлоқ хўжалиги ерларига тўғи келишини аниқлай олади; - Вилоятлар ва иқтисодий районларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи аниқлай олади; - Карта маълумотларидан фойдаланиб, асосий транспорт турларини аниқлай олади; - Транспорт турларига уларнинг аҳамиятига қараб баҳо бера олади; - Транспорт турлари бўйича юк ташиш (млрд.т/км), йўловчи ташиш (млрд. йўловчи/км) оборотлари кўрсаткичларини таҳлил қила олади ва хулоса чиқаради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Кириш маърузаси, блиц-сўров.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа, гуруҳий.
Ўқитиш шароитлари	Жиҳозланган аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот анъанавий тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Талабалар эътиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларга қаратадилар. Блиц-сўров ўтказади (1-илова). 2.2. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида маърузанинг асосий мазмунини дафтарга ёзишни таклиф этади (2-илова). 2.3. Муаммоли саволларни Марказийга ташлайди ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди: 1. Нима учун Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистонда кимё саноати ривожланган? 2. Марказий Осиёдаги металлургия марказларини белгиланг. 3. Ўзбекистонда қанча рангли металлургия корхоналари мавжуд?	2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига ёзадилар. 2.2. Маърузага эътиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар. 2.3. Ёзиб оладилар ва ўз билимлари билан солиштирадилар.
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Мавзуга хулоса қилади. 3.2. Режадаги натижага эришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: Ўзбекистонлик олимларнинг Марказий Осиё илм фанининг ривожланишига қўшган ҳиссасини ўрганиш	Эшитадилар, ўзларини тўғрилайдилар. Ёзиб оладилар.

1-илова

Блиц-сўров саволлари

Ундирувчи саноат
Саноат комплекси
Саноат тармоқлари
Тарқоқ металллар
Комбинат
Завод

Тарқатма материаллар

Марказий Осиё МДХ давлатлари орасида ҳам ашё ва ярим ҳам ашё маҳсулотлари, қисман саноат маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради.

Марказий Осиё давлатлари саноатида ундирувчи саноат тармоқларининг аҳамияти катта. Буларга ёқилға-энергетика, металлургия, кимё саноатлари киради. Курилиш, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ҳам ривожланиб келмоқда.

Марказий Осиё республикалари орасида Қозоғистон давлати саноат ишлаб чиқариш бўйича ажралиб туради. Бунинг учун етарли миқдорда тармоқлар мавжуд. Худудда ёқилға саноати учун кўмир, нефт ва табиий газ захиралари мавжуд.

Марказий Осиё худудида саноат тармоқларини шунингдек қишлоқ хўжалигини шакллантириш ва ривожлантиришда ёқилға-энергетика саноатининг аҳамияти бекиёсдир. Ҳар бир республика шу саноат тармоқларини шакллантириш, худудлар бўйлаб тўғри жойлаштириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилади. Марказий Осиё давлатларида йилига 200 млрд. кВт. соатга яқин электр-энергияси ишлаб чиқарилади. Баъзи бир республикаларда электроэнергиянинг асосий қисми иссиқлик, баъзи-бирларида гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, Қозоғистон электроэнергиясининг асосий қисми иссиқлик электростанцияларида ишлаб чиқарилади. Бу ҳол Ўзбекистонга ҳам тегишлидир. Иссиқлик электростанцияларининг ичида энг йириги Ақсу ГРЭСи бўлиб, унинг қуввати 2,4 млн кВт.дир. Йирик электростанциялар Алмати, Қарағанда, Петропавловск, Тараз, Шимкент, Павлодар шаҳарларида қурилган, гидроэлектростанциялар: Ускемен ва Бухтарма ГЭСларидан иборат.

Туркменистон республикасида ҳам нефт ва газ захиралари етарли. Газ захиралари ҳажмига кўра Туркменистон МДХда Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг асосий саноат тармоғи табиий газ ва нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ. Бу давлатда ҳам асосан иссиқлик электростанциялари энергия ишлаб чиқаради. Туркменистон Россия, Украина, Эрон ва Туркияга газ ва нефт экспорт қилади. Японияга газ сотишни режалаштирган.

Тожикистон Республикасида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўмир, нефт ва газ конлари мавжуд. Аммо гидроэнергетик потенциали юқори. МДХ давлатлари орасида гидроэнергия қуввати бўйича Россия Федерациясидан сўнг 2-ўринда тўради. Вахш дарёсида қурилган Нурек ГЭС-и асосий энергия манбаи ҳисобланади. Рогун, Помир ГЭС-лари қуриш мўлжалланган. Фарғона водийсидаги худудлари асосан Ўзбекистондаги ГЭС ва ГРЭСлар энергиясидан баҳраманд бўлишади.

Қирғизистонда ҳам кўнғир ва тошкўмир конлари мавжуд. Нефт ва газ захираси маҳаллий аҳамиятга эга. Лекин гидроэнергетик ресурсга бой. Гидроэнергия потенциали бўйича Марказий Осиёда Тожикистон Республикасидан сўнг 2-ўринда тўради. Норин дарёсида Тўхтағул ГЭСи ишга туширилган. Ёқилға ва энергиянинг маълум қисмини Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларидан олади.

Ўзбекистон Республикаси худудида газ захиралари, нефт ва кўнғир кўмир ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тошкўмир конлари мавжуд. Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида нефт ва газ, Охангарон водийсида кўнғир кўмир, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Кўйи Амударё иқтисодий районида газ ва нефт захираларининг йирик конлари мавжуд. Асосий электроэнергия манбаи иссиқлик электростанцияларидир. Булар: Тошкент, Янги Ангрен, Ангрен, Ширин, Навоий, Тахиатош ГРЭСлари. Йилига 49,7 млрд. кВт. соатдан кўпроқ энергия ишлаб чиқарилади. Республика табиий газ ва электрэнергияни экспорт қилади.

Қишлоқ хўжалиги Ўрта Осиё давлатлари халқ хўжалигининг энг муҳим ишлаб чиқариш тармоғи бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларини эса ҳам ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги халқнинг моддий фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонат

маҳсулотларини дастлабки ёки тўлиқ қайта ишлашнинг турли жараёнларини ўз ичига олади.

Ўрта Осиё узоқ йиллар давомида асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳом ашёсини етиштиришга ихтисослашган эди. Худуддаги давлатлар ҳозирги кунга келиб ҳом ашё етиштиришни сифат ва миқдор жиҳатдан яхшилаш ва кўпайтиришга, тайёрлаган ҳом ашёни бошқа давлатларга камроқ чиқаришга ва уларни ўз худудларида саноат усулида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ўз истеъмолидан ташқари экспорт жараёнини ривожлантиришга эътиборни қаратишмоқда.

Минтақада қишлоқ хўжалиги шу худудда яшаётган халқнинг тарихий йиллар давомида тўплаган хўжалик юритиш маданиятидан, шунингдек табиий шароит ва ресурсларидан самарали ва унумли фойдаланиш асосида шаклланган ва тараққий этмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Ўрта Осиё табиий шароити хилма-хил ва минерал ҳамда меҳнат ресурсларига бой ўлка. Шулар негизида қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари ўсимликшуносликда: пахтачилик ва пахта мажмуаси; дончилик, айниқса буғдой, шоли, маккажўхори, арпа; мевачилик ва узумчилик, полиз ва сабзавотчилик; чорвачиликда: қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, туячилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошқа тармоқлар шаклланган ва ривожлантирилган.

Ўрта Осиё худудининг турли-туман табиий шароитлари, ресурслар билан таъминланганлик даражаси, шунингдек аҳолининг асрлар давомида тўплаган қишлоқ хўжалиги юритиш маданияти ҳамда давлатларнинг эҳтиёжлари асосида унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда минтақавий фарқланишлар бўлишлигига олиб келган. Жумладан, Қозоғистоннинг шимолий худудида дончилик, сут-гўшт чорвачилиги ҳамда майин жунли қўйчилик жуда катта майдонларни эгаллаган. Чала чўл ва чўллар чорвачилик (гўшт-жун қўйчилиги ва қоракўлчилик) ва суғорма деҳқончиликка тоғ олди ва тоғ яйловлари қўйчилик, йирик шохли қорамолчилик, йилқичиликка; жанубдаги воҳа қисмлари пахтачилик, мевачилик ҳамда сут-гўшт қорамолчилигига ихтисослаштирилган бўлса, Собиқ Ўрта Осиё регионида водий ва воҳалар пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик ва пилла етиштиришга; чўл яйловлари қоракўлчилик, гўшт-жун чорвачилиги ва туячиликка; тоғ олди ва тоғ яйловлари эса гўшт-жун қўйчилиги, гўшт-сут қорамолчилиги ҳамда йилқичиликка; баланд тоғ худудлари яйлов чорвачилигига ихтисослаштирилган.

Ўрта Осиёда деҳқончилик тармоқлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини етказиб беради. Республикаларда деҳқончиликнинг таркиби ҳам бир-бирларидан фарқланади. Жумладан, Қозоғистон, Қирғизистонда дончилик муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистонда суғорма деҳқончилик, унинг муҳим таркибий қисми пахтачиликнинг аҳамияти жуда катта. Шунингдек чорвачиликда, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонда қўйчилик етакчилик қилади. Ўзбекистон, Тожикистон республикаларида қўйчилик билан бирга қорамолчилик, туячилик, пиллачилик, асаларичилик, йилқичилик ҳам муҳим тармоқлар ҳисобланади.

Транспорт халқ хўжалиги тармоғи бўлиб, хўжалик ва аҳолининг юк ва йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаб туради. У шунингдек, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланишига таъсир кўрсатади. Халқ хўжалигини транспортсиз ривожлантириш мумкин эмас, чунки транспорт саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини мамлакатнинг турли районлари ўртасидаги маҳсулот алмашилишини, унинг ички ва ташқи алоқаларини таъминлайди. Янги худудларни ўзлаштиришдан олдин уларга транспорт йўллари ўтказилади. Транспортнинг муҳофаа аҳамияти катта. Транспорт тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти билан, шунингдек техниканинг истиқболи билан ҳам боғлиқ. Транспорт қанчалик такомиллашган бўлса мамлакат, унинг жаҳон хўжалиги миқёсидаги роли ҳамда ижтимоий меҳнатнинг худудий тақсимланиши тараққий этади. Транспорт тараққиёти мамлакатда ва унинг айрим районларида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувига таъсир кўрсатади. Транспорт мамлакатнинг сиёсий ва маданий ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишга назар ташласак, Ўрта Осиё худудидан “Буюк ипак

йўли”ўтган. Ипак йўли Ғарбий Европани жанубий ва шарқий Осиё билан боғлаб турган, унинг шахобчалари Ўрта Осиё худуди бўйлаб тарқалган. Ўрта Осиёдаги халқлар бир бирлари билан шунингдек, қўшни худудлардаги халқлар билан ижтимоий, маданий алоқа қилганлар. ”Буюк ипак йўли”нинг таъсирида йирик шаҳарлар, обод маҳаллалар барпо бўлган. Маданият ва маърифат тараққий этган. Буюк географик кашфиётлар даврида денгиз йўлларининг очилиши, шунингдек, яқин ва ўрта шарқ мамлакатларида вазиятнинг кескинлашуви оқибатида, Буюк Ипак йўлининг Ўрта Осиё худудидаги мавқеи пасайиб борган.

Чор Россияси даврида Ўрта Осиё худудларининг катта қисми босиб олинishi натижасида бой табиий минерал ресурслар ўзлаштирилди. Минтақа хом-ашё етказиб берувчи ўлкага айланди. Натижада транспорт алоқалари шаклланди. Дастлабки темир йўллар Чор Россияси даврида қурилди. Ўзбекистонда темир йўл қурилиши 1888 йилда бошланиб, Чоржўй темирйўли давом эттирилиб, Самарқандга олиб келинди, 1890 йилда эса Тошкентдан Андижонга етказилди. 1905 йилда Оренбург ва Тошкент оралиғида темир йўл ишга туширилди.

Собиқ Иттифок даврида 1931-йили Турксиб темир йўл магистралининг (1445 км) ишга туширилиши Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятига эга бўлади. Шундай қилиб, Ўрта Осиё худудида Арис–Оренбург, Арис–Новосибирск, Тошкент–Красноводск йўналишлари бир-бирларини билан боғлайди. Республикалар ички худудлари ҳам темир йўллар билан таъминланди, темир йўл транспортининг зичлиги ортиб борди. Жумладан Қозоғистонда Петропавловск-Боровой темир йўли Қарағанда ва Балхашга етказилди, Жарик-Жезқазғон, Атирау-Орск, Жанубий Сибир темир йўл магистраллари қурилди. Шунингдек, Ўрта Сибир магистрالي (Қустаной, Кўкчатов-Иртиш-Қорасу)Бейнеу-Қўнғирот (1972) ва Макат–Александр Гай темир йўллари ишга туширилди. Қирғизистонда Луговая –Бишкек-Балиқчи; Ўзбекистонда Чоржўй-Қўнғирот темир йўллари 1952-1955 йилларида, Навоий-Учкудук 1962 йилда, Термиз-Қўрғонтепа-Яван, Нукус-Чимбой 1990 йилда, Туямўйин-Тўрткўл ва бошқа йўналишларда темир йўллар қурилди.

Собиқ Иттифок даврида Ўрта Осиё худудларидаги шаҳар ва қишлоқларни, тоғ-кон саноати марказларини, чорвадор туманларни бирлаштирувчи транзит ва маҳаллий автомобил йўллари қурилиб ишга туширилди. Бироқ бу хох темир йўл, ёки автомобил йўли хох қувур ҳамда сув ва ҳаво йўли бўлсин, улар “марказ” кўрсатма режаси асосида барпо этиларди. Ўша даврда худуддаги республикаларнинг ихтиёри марказнинг қўлида эди. Шунинг учун ҳам эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда бирор-бир транспорт тармоғини қуриш ва барпо этиш “марказ” кўрсатмасисиз мумкин эмас эди. Бунга қувур транспорти орқали газлаштиришни мисол қилиб олсак бўлади. Собиқ Иттифок даврида транспорт йўлларининг зичлиги республикаларда бир хил эмас эди. Масалан ҳар 1000 кв. км.га тўғри келадиган темир йўллар зичлиги Қирғизистонда -1,8км; Туркменистонда-4,9 км; Ўзбекистонда – 14,7 км.га; автомобил йўлларининг зичлиги Украинада 412,2 км бўлган ҳолда, Туркменистонда 43,2 км, Тожикистонда 133,4 км. ва Ўзбекистонда 207,4 км.ни ташкил қилган.

Ўрта Осиёда юк ва йўловчи ташишда темир йўл транспортининг аҳамиятти катта. Шунинг учун ҳам транзит темир йўлларида ташқари маҳаллий темир йўллар қуришга катта эътибор берилмоқда. Транспорт йўлларининг аҳамияти республиканинг табиий шароити, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда бир- биридан фарқланади. Масалан Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида рельеф хусусиятини эътиборга олганда автомобил транспортининг ҳиссаси салмоқлидир. Шунинг учун республикаларда меридианал ва кенгликлар йўналишидаги автомобил йўлларининг қурилишига катта эътибор қаратилган. Бундай автомобил йўллари Иссиқкўл халқасида, Бишкек–Ўш, Ўш–Хорог, Душанбе–Хўжанд, Тошкент–Термиз орасида, жанубий Туркменистонда ҳам қурилган. Ўзбекистонда фойдаланиладиган автомобил йўлларининг узунлиги 43,4 минг км, Қозоғистонда автомобил йўлларининг умумий узунлиги 40 минг кмдан ортиқ. Асосий

автомобил йўли магистралларига Алмати–Бишкек–Шимкент– Тошкент; Павлодар – Омск йўналишлари кириди.

Ўрта Осиёда сув транспорти Балхаш кўлида, Иртиш, Урал, Амударёда мавжуд, Марказий Осиё давлатларини боғловчи Туркманбоши порти денгиз транспорти маркази вазифасини бажаради. 1962 йилда Туркманбоши – Боку пароми очилди ва унда ҳар хил юklar ташилади. Амударё сув транспортидан Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистон давлатлари фойдаланса, Иртиш дарёси транспортидан Қозоғистон, Россия, Хитой давлатлари фойдаланишади. Сув транспортида айниқса Каспий денгизининг, қисман Иссыккўлнинг салмоқли улушлари бор.

Ўрта Осиё худудида асосан Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон, қисман Тожикистон ва Қирғизистонда қувур транспорти ривожланган. Жумладан, Узен–Ғарбий Қозоғистон, Атирау–Орск. Узен–Атирау–Сизрань оролигида нефт қувури қурилган. Нефт қувур транспорти Ўзбекистонда дастлаб 1908 йилда Чимён нефт конидан Ванновск (Олтиарик) нефни қайта ишлаш заводида тортилган. Республикада узунлиги 100 км бўлган Қўқдумалоқ–Бухора нефт қувур транспорти 1994–97 йилларда қуриб ишга туширилган. Энг узун газ ташувчи қувур транспорти марказда Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон худудларидан ўтказилган. Небитдоғ–Туркманбоши, Жарқоқ–Бухора–Самақанд–Тошкент; Муборак–Тошкент–Шимкент–Тараз–Бишкек–Алмати шулар жумласи-дандир.

Ўрта Осиёда ҳаво транспортининг ҳам аҳамияти катта. Ҳаво транспорти республиканинг ички қисмларини шунингдек, республикалар орасини ҳамда хорижий давлатларни бир бирлари билан боғлайди ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Ўрта Осиёдаги кўплаб аэропортлар халқаро талабларга жавоб берадиган даражада реконструкция қилинган.

Ўрта Осиё республикалари мустақилликка эришгандан кейин транспортнинг хўжаликка ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди, чоратадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистонда транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акционерлик компаниялари, корпорациялари, очиқ турдаги акционерлик масъулияти чекланган жамиятларга, жамоат корхоналарига айлантирилди. Шунингдек, мамлакат мустақиллиги ва иқтисодиёти катта аҳамиятга эга бўлган Хитой, Япония, Корея Республикаси, Эрон, Туркия ва Ғарбий Европанинг жануби билан туташтирувчи Трансосиё магистрالي Истамбул–Тошкент–Алмати–Пекин қурилишида хиссабой иштирокида республика қурувчилари узунлиги 133 км бўлган Тажан–Серакс темир йўлини (133 км) қуришда қатнашди. Ўзбекистон Хитойга чиқиш имкониятини берувчи Андижон–Ўш–Эргаштом–Қашқар (1997), Ҳинд океанига чиқишга имкон берадиган Тошкент–Термиз–Хитой–Карачи автомобил йўли қурилишида қатнашмоқда. Бундай ҳамкорликлар транспортнинг бошқа турлари бўйича ҳам олиб борилмоқда ва улар ижобий натижа бермоқда. Масалан: “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авикомпанияси Германия, Франция, Россия фирмалари билан турли соҳада ҳамкорлик қилмоқда. Шунингдек, Каспий бўйида янги портлар қуриш, денгизда кема қатновини яхшилаш бўйича Ўрта Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳозирги куннинг энг муҳим мавзусига айланган.

Ўрта Осиё давлатлари ўз транспортини такомиллаштириш ва режалаштиришда, ички ва ташқи алоқаларни кучайтиришда ҳамкорлик шарномаларини тузишмоқда ва яратувчанлик ишларини амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда. XXI асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё худудида ягона транспорт тизимини вужудга келтириш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада Ўрта Осиё давлатлари ички ва ташқи маъданий, маърифий, иқтисодий ва сиёсий алоқалари ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида минтақада ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришга, самарали ихтисослашувга хизмат қилади.

Глоссарий

1. Оғир саноат–асосан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган тармоқлардан иборатдир, яъни унда меҳнат қуроллари (машиналар, жиҳозлар ва ҳ.к.) ва меҳнат предметлари (хом ашё, ёқилғи ва ҳ.к.) ишлаб чиқарилади.
2. Саноат маркази–бир ёки бирнеча саноат тармоқлари тўпланган шаҳар ёки шаҳарчалардир.
3. Энергия тизими–истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда қатнаш-адиган ва бир-бири билан электр линиялари билан боғланган йирик электр станциялар бирлашмаси.
4. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари нисбати – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари ҳиссаси.
5. Суғорма деҳқончилик – сунъий суғориш асосида фаолият кўрсатадиган деҳқончилик.

Марказий Осиёнинг қишлоқ хўжалик харитаси



Блиц-сўров учун саволлар

1. Транспортнинг халқ хўжалигини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги аҳа-миятини тавсифланг (Марказий Осиё давлатлари мисолида).
2. Марказий Осиё худудида мустақилликгача бўлган даврдаги транспорт география-сини тавсифланг.
3. Марказий Осиёда транспорт тармоқларининг зичлиги тўғрисида тавсиф беринг.
4. Марказий Осиё давлатларида транспорт тармоқларини ривожлантириш учун олиб борилаётган ишларга тавсиф беринг.
5. Марказий Осиё худудидаги муҳим транспорт турларини ёзувсиз картага туширинг, асосий марказларни белгиланг.
6. Марказий Осиё транспортининг истиқболларига оид маълумотлар тўпланг ва ижодий иш ёзинг.

3-илова

«Инсерт» усули

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизми

(V) – мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) - янги маълумот

(-) – мен билган нарсага зид

(-) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Тушунчалар	V	+	-	?
Халқаро аэропортлар				
Транзит				
Млрд.т/км				
Млрд. йўловчи/км				
Порт				
Транспорт магистралли				
Турксиб				

[illegible]

7-мавзу.	Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари.
----------	---

3. Кириш маърузасини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза.
Маъруза машғулотининг режаси	1. Қозоғистон ва Қирғизистон республикаси жаҳон сиёсий харитасида. 2. Республикаларнинг ташкил топиш тарихи. 3. Республикаларнинг катталиги, чегаралари, географик ўрни.
Ўқув машғулотининг мақсади: Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг табиий ва иқтисодий ўрни, унинг дунёни иқтисодий ва сиёсий картасидаги жойи, ҳамда маъмурий-худудий бўлиниши ҳақида билим бериш.	
Педагогик вазифалар: - Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг иқтисодий ва табиий географик ўрнига баҳо бериш; - Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг қуруқлик ва сувликлардан ўтган чегара ўзунлигини ҳамда қайси давлатлар билан чегарадошлигини аниқлаш; - Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг маъмурий-худудий бўлиниши ҳақида билим бериш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Қозоғистон ва Қирғизистон республикаси жаҳон сиёсий харитасидаги ўрни тўғрисида гапириб беради; - Республикаларнинг ташкил топиш тарихи таҳлил қилади; - Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларини жаҳоннинг бошқа давлатлари билан қиёсий таъриф беради; - Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг Ўзбекистон республикаси орасидаги алоқаларини таҳлил қилади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Кириш маърузаси, блиц-сўров.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа, гуруҳий.
Ўқитиш шароитлари	Жихозланган аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот анъанавий тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Талабалар эътиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларга қаратадилар. Блиц-сўров ўтказади (1-илова). 2.2. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида маърузанинг асосий мазмунини дафтарга ёзишни таклиф этади (2-илова). 2.3. Муаммоли саволларни Марказийга ташлайди ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди: 1.Қозоғистонда қанча област мавжуд? 2.Қозоғистон Республикаси майдони бўйича жаҳонда нечанчи ўринни эгаллайди? 3. Қозоғистон Республикасида 1997 йилгача қанча област бор эди?	2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига ёзадилар. 2.2. Маърузага эътиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар. 2.3. Ёзиб оладилар ва ўз билимлари билан солиштирадилар.
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Мавзуга хулоса қилади. 3.2. Режадаги натижага эришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: Қозоғистон Республикаси худудида қадимда қандай давлатлар бўлган?	Эшитадилар, ўзларини тўғрилайдилар. Ёзиб оладилар.

Блиц-сўров саволлари

Қирғиз автоном области
Қўриқ республикаси
ИГЎ

Тарқатма материаллар

Маълумки 21 аср бусағасида жаҳон сиёсий харитасида бирқанча ўзгаришлар бўлиб ўтди. Шу ўзгаришлардан энг муҳими собиқ иттифокнинг тарқалиб кетиши ва 15та мустақил давлатларнинг юзага келишидир. Шулардан бири жаҳон сиёсий харитасида юзага келган Қозоғистон Республикаси ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Қозоғистоннинг маданияти ва тарихи кўп минг йилликларда шаклланган ва ривожланган. Ҳозирги Қозоғистон ҳудудида миллоддан аввалги 4-1 минг йилликларда қабилалар яйлов чорвачилиги билан шуғулланган. Эрамиздан олдинги 3-1 асрларда Қанғ давлати вужудга келган. Миллоднинг 6-8 асрларида Турк хоқонлиги, Или ва Чув дарёлари хавзасида тургашлар, кейинчалик Қарлуклар давлати (766-940) ташкил топган, хунармандчилик, савдо ривожланди, шаҳарлар (Тараз) пайдо бўлди. Қозоғистоннинг жанубида 8-10 асрларда ислом дини тарқалди, 9-11 асрларда Қозоғистоннинг ғарбий ва жануби-ғарбий ҳудудларида ўғузлар хоқонлиги парчаланиб, унинг ўрнида Қорахонийлар давлати вужудга келди. 1219-1221 йилларда Қозоғистон мўғуллар томонидан босиб олинди ва мўғул улуслари таркиб топди. Кейинчалик Амир Темур Тўхтамишга қарши юриш қилди (1391й), сўнг орадан 200йил ўтгач Абдуллахон II ҳам дашти Қипчоққа юриш қилди. 14-аср охири 15-аср бошларида Оқ Ўрда, Нўғай Ўрда, Ўзбекхонлиги каби бир неча мулкларга бўлиниб кетди.

Манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, қозоқларда давлатчилик 1470 йилда шаклланган. Еттисув ва Чув дарё водийсида қозоқ султонлари Жонибей ва Кирейлар кўп сонли эллатларни “Қозоқ” уруғига бирлаштирдилар. 16-аср бошларида Қосимхон бошчилигида (1511-1523й) Қозоқ хонлиги мустақамланди, чегаралари кенгайди, қозоқ эллатининг шаклланиши ниҳоясига етди, аҳоли сони ортди. Хонликни Осиё ва Европадаги мамлакатлар яхши билишган. Кейинчалик, Қозоқ хонлиги жузларга бўлиниб, Улуғ жуз (Еттисув), Марказий жуз (Марказий Қозоғистон) ва Кичик жуз (Ғарбий Қозоғистон) деб аталган. 1716 йилда Қозоқларнинг охири хони Таукехан ўлиши билан Қозоғистон ҳудудида мустақил кўп сонли хонликлар вужудга келди.

1729 й. Жунғория хонлиги Улуғ жузнинг кўп қисмини босиб олди. Хавф остида қолган Кичик жуз оқсоқоллари 1721-31 йилда, 1731-40 йилда Марказий Жузнинг хон ва султонлари Россия подшолигига мурожат қилишиб, уларни Россия таркибига қўшиб олишликни сўрашди. Мурожат қабул қилинди. Қозоғистон ҳудудининг жанубий қисмлари Қўқон ва Хива хонликлари таркибига кирди.

Қозоқ маданияти, иқтисодини ривожланишида қозоқ-рус муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. 1860 йилда Қўқон хонлиги

қўшинларини енгиб Еттисувнинг барча қисми Россияга қўшиб олинди. Подшо ҳукумати 1867й. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Еттисув ва Сирдарё вилоятлари, 1868 й. Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Акмолинск ва Семипалатинск вилоятларини ташкил этди.

1917й. ноябр – 1918й. Февралда Қозоғистонда Совет ҳокимияти ўрнатилди. 1920 йилда Қирғиз автоном вилояти, Қозоғистон АССР (РСФСР таркибида) ва 1936 йил 5 декабридан бошлаб Қозоғистон ССР мақомида шаклланган эди. Қозоғистон Республикаси пойтахтлари ролини ҳам турли даврларда турли шаҳарлар ўтадилар. Булар Оренбург (1920-1925йй.), Қизилўрда (1925-1929йй.) ва Алмати (1929-1998йй.). Сўнгги пойтахти этиб Астана (олдинги Ақмўла) шаҳри танланди.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикаси маъмурий ҳудудий таркибида 14 област мавжуд, улар бешта иқтисодий районга бирлаштирилган.

Қозоғистон Республикасининг умумий майдони 2724900 км², умумий майдони бутун ер шари майдонининг 2 % ни, Осиёнинг 6,1 % ни, минтақа ҳудудининг 2/3 қисмидан кўпроғини ташкил қилади. Катталигига кўра у МДХда Россиядан кейин 2, жаҳонда эса 9 ўринни эгаллайди. Аммо аҳолисининг сони (15,2 млн. киши, 2006й.)га кўра у МДХда 3, жаҳонда эса 52 ўринда туради.

Қозоғистоннинг географик ўрни ҳам ўзига хос. У Евросиё материгининг марказида, Марказий Осиё минтақасининг шимолий томонини эгаллайди. Унинг ҳудуди Россия Федерацияси ва Туркияга ўхшаш Европа ва Осиё қитъалари бўйлаб жойлашган.

Унинг ҳудуди шимолдан жанубга 1800 км, ғарбдан шарққа эса 3000 км га чўзилган ва куруқликда 5 та давлатлар (Россия, Хитой, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркменистон) билан чегарадош. Чегараларининг умумий узунлиги 13331 км ни ташкил қилади. Шунингдек, 600 км масофада Россия, Озарбайжон, Туркменистон билан Каспий денгизи орқали ҳам чегараларга эга. Республиканинг иқтисодий географик ўрни нисбатан қулай. Марказий Осиё давлатлари шимол, ғарб ва шарқ билан боғловчи асосий темир йўл ва автомобил йўллари устида жойлашган. Бошқача айтганда, Қозоғистон Россия, Хитой ва Япония ҳамда Ғарбий Европа давлатлари билан энг қулай ҳолда боғланиш имкониятларига эга. Унинг Каспий денгизи билан туташлиги ҳам ИГЎ қулайликларини оширади.



Қирғизистон худуди инсон маданиятининг қадимги ўчоқларидан бири ҳисобланади. Худудда тош даврида одамлар яшаганлиги маълум. Милоддан илгари 3-минг йиллик охири, 2-минг йилликнинг бошларида мис ва бронзадан ясалган қуроқлар топилган.

Қирғиз халқининг шаклланишида Жанубий Сибир ва Марказий Осиёнинг катта қисимларида яшаган жуда кўп элат, уруғ ва қабилалар қатнашган. Худудда дастлабки давлат милоддан аввалги 2-асрга тўғри келади. Саноғимиздан олдинги 2-8-асрларда ғуннлар (хуннлар) тақибидан холос бўлиш учун қирғизларнинг бир қисми Енисей ва Байкал кўли худудларига бориб жойлашишган. Ўша ерларда ўзларининг биринчи давлатларини ва қирғиз қағанатини барпо этишган. Маданияти шаклланган, ёзма ижоди вужудга келган. "Манас" халқ эпосида қадимги қирғизларнинг тарихий воқеалари, анана ва турмуш тарзи сақланиб қолган.

5-асрда аста-секин ўтроқ яшашга мослашиб бордилар. Қирғиз уруғлари Тяньшанга келиб жойлаша бошладилар. Сайхали Тош дарасидаги қоя тошлардаги тасвирлар, Бўрон минораси ва Ўзгандаги архитектура мажмуаси қирғизлар маданиятининг юқори даражада тараққий этганлигидан далолат беради.

10-асрнинг бошланишига қадар буюк қирғиз хонлиги Жанубий Сибир, Мўғулистон, Байкал, Иртишнинг юқори қисмини, Қашғарнинг маълум қисмини, Исиккўл ва Таласни ўз қарамоғига қўшиб олган эдилар. Қирғиз хонлигининг тараққий этиши нафақат босиб олиш ишлари билан, балки савдо-сотик ишларини Хитойликлар, тибетликлар, Жанубий Сибир ҳамда Ўрта Осиё халқлари билан биргаликда олиб бордилар.

11-12-асрларда Қирғизларнинг қарамоғидаги жойлар қисқариб борди. Бироқ бу хол улар этник мустақиллигини сақлашга ва шу халққа мойил этник гуруҳларнинг жипслашувига сабаб бўлди. Қирғиз этногенезининг охири босқичи муғуллар, айротлар, найман ва бошқа халқларнинг аралашуви билан боғлиқ.

18-асргача Енисей қирғизлари Олтин Ўрда, кейинчалик Айрот ва Жунғория хонликлари қарамоғида бўлдилар. Уларнинг кўпчилиги Тяньшанга келиб жойлаша бошладилар. Умуман олганда, 16-асрда қирғиз халқи этногенези шаклланиб бўлган эди.

1863 йилда Шимолий Қирғизистон, 1876 йилда Жанубий Қирғизистон Россия империяси таркибига қўшиб олинган.

XIX аср ўрталаридан сўнги чоракларигача аввал Шимолий Қирғизистон, сўнгра эса Жанубий Қирғизистон чор Россияси томонидан босиб олинди. 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида 1924 йил 14 октябрда РСФСР таркибида Қорақирғиз автоном области ташкил этилди. 1925 йил 25 майда Қорақирғиз автоном области Қирғиз автоном области, 1926 йил 1 февралдан Қирғизистон АССРга, РСФСР таркибида ташкил қилинди. 1936 йил 5 декабрда собиқ иттифокнинг янги Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан Қирғизистонга иттифокдош республика (ҚССР) мақоми берилди.

Қирғизистон Республикаси ўз миллий мустақиллигани МДХда энг биринчилардан бўлиб эълон қилди (30.VIII.1991й.). Жаҳон сиёсий харитасида ўзига хос янги бир суверен давлат юзага келди.

Шундай қилиб, суверен Қирғизистон Республикаси Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли демократик давлат сифатида шаклланимуда. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, кўплаб дунёвий сиёсий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий жамиятлар, ташкилотлар, уюшмаларга аъзо. Уни жаҳоннинг юзлаб мамлакатлари мустақил давлат сифатида таниди.

Ҳозирга Қирғизистон Республикаси маъмурий–ҳудудий таркибида Исикқўл, Норин, Ўш, Жалолобод, Чув, Талас ва сўнги вақтларда ташкил этилган Баткент областлари мавжуд. Пойтахти Бишкек (аввалги Пишпек, Фрунзе) шаҳридир,

Қирғизистон Республикаси Марказий Осиё минтақасининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. У дунёнинг таниқли тоғли давлатлари қаторидан ўрин олади. Ана шу хусусиятлар Қирғизистоннинг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ)ни белгилайди. Республиканинг ИГЎ нисбатан ноқулай. Унинг ноқулайлига аввало баланд тоғли рельефи билан боғланган. Шунга кўра Қирғизистон ҳудудини биронта транзит транспорт йўллари кесиб ўтмайди, яъни темир ва автомобиль йўллари республика кириб келади, аммо ундан нарига чиқиб кетмайди, бу биринчидан. Иккинчидан, яна ўта баланд Тяньшан тоғлари сабабли Шимолий Қирғизистон билан Жанубий Қирғизистон районлари ўзаро иқтисодий алоқаларни темир йўл орқали фақат Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон давлатлари оша бора олади. Бу ҳолатлар, табиийки, бу республика иқтисодиёти ривожланишида катта муаммоларни келтириб чиқаради. ИГЎни бирмунча қулайлаштириш имкониятлари ҳозирги вақтда қурилиш ишлари бошлаб юборилган Андижон–Ўш–Эргаштом–Қашғар халқаро магистрал автомобиль йўли ва қурилиши режалаштирилаётган Шимолий ва Жанубий Қирғизистонни боғловчи Тяньшан тоғлари оша тоннеллар ва бошқа мураккаб йўл иншоотларини қуриш орқали ўтказиладиган транспорт йўлагини яратиш туфайлигина амалга оширилиши мумкин. Ана шунда республика ИГЎ маълум даражада қулайлашади.

Қирғизистоннинг умумий майдони 198,5 минг км² бўлиб минтақада тўртинчи, МДХда еттинчи ва жаҳонда саксон олтинчи ўринларни эгаллайди. Аҳолисининг сони 5,2 млн киши (2006й.). Бу кўрсаткич бўйича у минтақада охириги, МДХда 10, ва жаҳонда 108 ўринни эгаллайди. Республика шимолда Қозоғистон, шарқда Хитой, жанубда Тожикистон ва ғарбда Ўзбекистон республикалари билан чегарадош, чегаралари асосан баланд тоғларнинг сўв айирғичлари орқали ўтадики бу ҳолат ҳатто қўшни давлатлар билан алоқа қилишни ҳам мураккаблаштиради, бундан маълум даражада Ўзбекистон ва Қозоғистон чегаралари мустасно.



Табиий шаронти. Қайд қилинганидек рельефи анча мураккаб. Унинг худудида минимал баландлик тоғ олди адирликларида 400 м дан максимал баландлик 7439 м (Победа чўққиси) гача тебранади. Унинг баланддиги 1000м гача бўлган қисми 10% худудини, 1000-3000 м гача бўлган қисми 60 % худудини ва 3000 м дан баланд бўлган қисми худудининг 30 % ни ташкил қилади.

Иқлими мўътадил тоғ иқлими хусусиятига эга. Водийлар ва тоғ олди адирликларида январ ойи ўртача t° си -15° дан -8° гача. Июль ойининг ўртача t° си $+5^{\circ}$ дан $+27^{\circ}$ орасида, Ёғин миқдори водийларда ўртача 200-400 мм дан тоғли худудларда 700-1000 мм орасида фарқланади. Республиканинг агроиклим имкониятлари деҳқончилик ишларини то тоғларнинг 2000-2400 м ли ёнбағир-ларигача олиб боришга имкон беради.

Табиий ресурслари. Табиий ресурслари хилма-хил. Улар орасида табиий минерал ресурслар алоҳида иқтисодий аҳамиятга моликдир. Ер ости қазилма бойликларининг муҳим тури уларнинг ёқилғи-энергетика минерал бойликларидир. Унда кўмир бойлиги катта захираларда ва хилма-хилликда мавжуд. Республикада кўмирнинг геологик захираси 31 млрд т.ни ташкил ққлади. Бошқача айтганда, кўмир захираларига кўра Қирғизистон Қозоғистондан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Унда юқори сифатли тошкўмир ва кўнғир кўмир захиралари деярли барабар нисбатда учрайди. Республикада нефть ва газ конлари фақат Жанубий Қирғизистоннинг Мойлисой районида мавжуд ва анча кам қувватлидир. Қирғизистоннинг энг қимматли энергетика ресурси дарёларидаги гидроэнергетика қувватларидир. Норин, Қорадарё, Талас каби дарёлари ва уларнинг ирмоқлари анча катта гидроэнергия захираларига эга. Айниқса Норин дарёси бу борада катта имкониятга эга. Умумий гидроэнергетика захираларига кўра Қирғизистон минтақада Тожикистондан кейин 2-ўринни эгаллайди ва унинг захиралари минтақа гидроэнергетика потенциалининг 30 %га тўғри келади. Норин дарёси эса Вахш ва Панж дарёларидан кейин 3 ўринда туради. Шунингдек, Қирғизистоннинг металл рудали минерал бойликлари ҳам катта. У симоб (Ҳайдаркон), сурьма (Қадамжой) захираларига кўра МДХда энг юқори ўринларни эгаллайди, полиметл (Сумсар), олтин (Қумтор), алюминий хом ашёлари каби бойликлар ҳам аҳамиятли. Кимёвий минерал ресурслардан турли тузлар, қурилиш материаллари (цемент, хом ашёлари, мрамар кабилар)га ҳам анча бой.

Республиканинг муҳим табиий бойликлари қаторига бой ўсимлик қоплами ҳам киради. Айниқса унинг ўрмонлари ноёб хусусиятларга (Фарғона тизмаси ғарбий ёнбағрларидаги реликт ёнғокзор ўрмонлари) эга бўлиб республика худудининг 3,3 %ни қоплаб ётади. Бундан ташқари унинг баланд субальп, альп яйловлари ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга. Бундай ўтлоқлар республика худудининг 50% дан кўпроғини эгаллайди.

Рекреация ресурслари республиканинг яна бир катта иқтисодий мавқеига эга бўлган табиий бойлик туридир. Тоза ҳаволи, дилбар кўринишли тоғ ландшафтлар, баланд тоғ қўллари Иссыккўл, Саричелак кабилар, тез оқар дарё ва сойлари, шифобахш минерал сув ва балчиқлари биргаликда, дарҳақиқат, катта бойликни ташкил қилади, Уларнинг асосида кўплаб сердаромад томоша боғлар, дам олиш ва даволаниш масканлари ташкил

килиш, тоғ туризми ва спортини кенг ривожлантириш мумкин. Бу соҳани ривожлантириш айниқса ҳозирги мустақиллик йилларида республиканинг валюта тушумини купайтириши мумкин.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. 2006 йил маълумотига кўра Қирғизистон Республикасининг аҳолиси 5,2 млн кишини ташкил этди. 1913 йилда республика ҳудудида 1 млндан кам аҳоли қайд қилинган. Демак, шу йиллар давомида аҳоли сони 5 баравар кўпайган. 60-йиллар бошларигача Қирғизистонда аҳоли табиий кўпайиш ва кўчиб келувчилар ҳисобига анча тез ўсди. Кейинги даврлар давомида туғилишнинг ва кўчиб келувчиларнинг камайиши ҳисобига аҳолининг ўсиш суръатлари секинлашиб борди. Бунинг кўп ҳолларда асл сабаби республика аҳолисининг миллий таркибида кўрилади.

Аҳолиси миллий таркибининг асосий хусусиятларидан бири, худди қўшниси Қозоғистонга ўхшаш, унда европалик миллат вакиллари, биринчи навбатда руслар ҳиссасининг катталигидир. Сўнгги даврлар давомида республика аҳолиси таркибида қирғиз ва рус миллатлари ҳиссасининг ўзгариб бориши маълумотларини келтирамиз: 1959 йилда аҳоли рўйхати маълумотларига кўра қирғизлар ҳиссаси 40 %, руслар ҳиссаси эса 29,8 % эди. Бу курсаткичлар 1970 йилда ўз навбатида 43,8 % ва 29,2 %, 1979 йилда эса 48 % ва 25 % , 2000 йилда 64,6 % ва 12,5 %га тенг бўлди. Шунингдек, ўзбеклар 16%, украинлар ва немислар ҳар бирининг ҳиссаси 1 % ни ташкил қилади. Шу билан бирга қозоқлар, тожиклар, уйғурлар, дунганлар, яҳудийлар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари аралаш яшайди. Қирғизистонда яшаётган йирик миллий гуруҳлардан руслар асосан Шимолий Қирғизистонда, ўзбеклар эса Жанубий Қирғизистонда (улар ўз ҳудудларида жами аҳолининг 1/3 қисмига яқинини ташкил қилади) жойлашганлар.

Республика аҳолиси анча нотекис жойлашган. Ҳар 1 км² майдонга ўртача 26 кишидан тўғри келгани ҳолида, аҳоли энг зич яшайдиган Фарғона ва Чу водийларида (республика аҳолисининг бу ҳудудларда 3/4 қисми яшайди) бу кўрсаткич 100-150 кишига, Фарғона водийсининг интенсив деҳқончилик районларида эса 150-200 кишига тўғри келади. Асосий аҳоли манзилгоҳлари денгаз юзасидан 1500 м гача бўлган баландликлардаги тоғ оралиғи водийларида жойлашган. Ундан баланд ҳудудларда аҳоли зичлиги кескин пасайиб боради ва ҳудудининг 1/3 қисмини ташкил қилган баланд тоғ районларида аҳоли деярли яшамайди.

Урбанизация даражаси кўпчилик Ўрта осий давлатларига ўхшаш унчалик юқори эмас (38%). Энг йирик шаҳарлари Бишкек (600 минг киши) ва Ўш (226 минг киши), қолган шаҳарлари ўрта ва кичик шаҳарлар гуруҳига киради.



Глоссарий

1. Қирғиз автоном области – 1920-1925 йиллар давомида Қозоғистон Республикаси ана шундай номланган.
2. Легировочные металлы – пўлат ва прокат ишлаб чиқаришда уларнинг сифатини яхшилашда қатнашадиган металлар. Улар вольфрам, молибден, тантал, ниобий, ванадий хром, титан, магний ва бошқалар.
3. Очиқ усулда қазиб чиқариш – ер юзасига яқин жойлашган айрим минерал бойликларни, устки қатламларни олиб ташлаб, замонавий техник воситалар ёрдамида қазиб чиқариш.
4. Ўрта Осиё Швейцарияси - баланд тоғлар, гўзал табиий ландшафтларга эга бўлганлиги учун Қирғизистон шундай ном ҳам олган

8-мавзу.	Тожикистон ва Туркменистон республикалари.
----------	--

4. Кириш маърузасини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза.
Маъруза машғулотининг режаси	1.Тожикистон ва Туркменистон республикалари жаҳон сиёсий харитасида. 2.Тожикистон ва Туркменистон Республикаларининг ташкил топиш тарихи. 3.Тожикистон ва Туркменистон Республикаларининг катталиги, чегаралари, географик ўрни. 4.Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг табиий шароити 5.Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг табиий бойликлари. 6.Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг аҳолиси.
Ўқув машғулотининг мақсади: Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг табиий ва иқтисодий ўрни, унинг дунёни иқтисодий ва сиёсий картасидаги жойи, ҳамда маъмурий-худудий бўлиниши, табиий шароити, табиий ресурслари ва аҳолиси ҳақида билим бериш.	
Педагогик вазифалар: - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг иқтисодий ва табиий географик ўрнига баҳо бериш; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг қуруқлик ва сувликлардан ўтган чегара ўзунлигини ҳамда қайси давлатлар билан чегарадошлигини аниқлаш; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг маъмурий-худудий бўлиниши ҳақида билим бериш; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг табиий шароитига хос хусусиятларни ўргатиш; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг мавжуд табиий бойликларни аниқлаш ва уларнинг иқтисодий аҳамиятини ўрганиш; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг аҳолиси ҳақида билим бериш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Тожикистон ва Туркменистон республикалари жаҳон сиёсий харитасидаги ўрни тўғрисида гапириб беради; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг ташкил топиш тарихи таҳлил қилади; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларини жаҳоннинг бошқа давлатлари билан қиёсий таъриф беради; - Тожикистон ва Туркменистон республикалари Ўзбекистон республикаси орасидаги алоқаларини таҳлил қилади; - Тожикистон ва Туркменистон республикалари табиий шароитига баҳо бера олади; - Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг табиий бойликларни иқтисодий аҳамиятини таҳлил қилади; - Тожикистон ва Туркменистон республикалари аҳолисининг худудий жойлашиши ва бошқа аҳолига хос бўлган маълумотларни таҳлил қила олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Кириш маърузаси, блиц-сўров.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа, гуруҳий.
Ўқитиш шароитлари	Жиҳозланган аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот анъанавий тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Талабалар эътиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларга қаратадилар. Блиц-сўров ўтказади (1-илова). 2.2. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида маърузанинг асосий мазмунини дафтарга ёзишни таклиф этади (2-илова). 2.3. Муаммоли саволларни Марказийга ташлайди ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди: 1. Тожикистонда ва Туркменистон республикаларида қанча област мавжуд? 2. Тожикистон ва Туркменистон республикалари майдони бўйича жаҳонда нечанчи ўринни эгаллайди? 3. Тожикистон ва Туркменистон республикалари табиий шароити ва табиий ресурслари қандай хусусиятларга эга?	2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига ёзадилар. 2.2. Маърузага эътиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар. 2.3. Ёзиб оладилар ва ўз билимлари билан солиштирадилар.
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Мавзуга хулоса қилади. 3.2. Режадаги натижага эришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: Тожикистон ва Туркменистон республикалари ҳудудида қадимда қандай давлатлар бўлган?	Эшитадилар, ўзларини тўғрилайдилар. Ёзиб оладилар.

Блиц-сўров саволлари

1. Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг катталиги, чегаралари, ИГЎни кўрсаткичларини аниқланг ва бошқа давлатларга таққосланг.
2. Тожикистон ва Туркменистон республикалари халқининг шаклланаши, демографик хусусиятлари ва ҳудудий жойлашиш кўрсаткичларини таҳлил қилинг.
3. Республикалар табиий шароити ва табиий ресурсларининг муҳим томонлари ва географиясини аниқланг.
4. Туркменистон Республикасининг катталиги, чегаралари, ИГЎни кўрсаткичларини аниқланг ва бошқа давлатларга таққосланг.
5. Туркменистон халқининг шаклланаши, демографик хусусиятлари ва ҳудудий жойлашиш кўрсаткичларини таҳлил қилинг.
6. Республика табиий шароити ва табиий ресурсларининг муҳим томонлари ва географиясини аниқланг.



Тарқатма материаллар

Тоҷик халқининг тарихи Марказий Осиёлик халқлар: ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар тарихи билан муҳим боғланиб кетган. Уларнинг қадимги авлодлари: бактриялик, суғдлар, саклар, массагетлар- ҳозирги Марказий Осиё, қисман Хуросон ва ҳатто Хиндикуш ҳудудларида яшашган.

Амударёнинг юқори қисмида барпо бўлган Бактрия ва Суғдиёна давлатлари эрамиздан олдинги 6-4 асрларда Ахоманийлар империяси таркибига кирган. Бу империя мелоддан олдинги 320 йилда Александр (Искандар Зулқарнай) қўшинлари томонидан парчаланиб кетган ва унинг бир қисми Салавкийлар, катта қисми Юнон-Бактрия подшолиги таркибига кирган. 5 асрда Бактрия ва Суғдиёна ҳудудлари ҳамда бошқа областларни Эфталитлар (оқ ғуннлар) эгаллаб олишган. 6-асрнинг 2-ярмида Тожикистон ҳудуди Турк хоқонлиги, 7-8-асрларда араблар томонидан эгалланди ва бу ҳудудда ислом дини жорий қилина бошланди.

9-10 асрларда Тожикистон ҳудудининг маълум қисми Тоҳирийлар ва Сомонийлар давлати таркибида, 9-13 асрларда Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Ҳурийлар, Қорахитойлар, Хоразмшоҳлар давлатлари таркибида бўлган. 9-асрнинг охирида (874й) Боғдод халифалигига қарам бўлмаган ҳудудда тожик феодал давлати—Сомонийлар давлати

барпо этилди. Сомонийлар даврида тожик ҳалқининг шакилланиш жараёни тўғалланди, унинг тили ҳукумрон тилга айланди.

Сомонийлар давлатининг 100 йилдан ортиқ ҳукумронлик даврида шаҳарлар қурилди, маданият, ҳунармандчилик ривожланди. Форс-тожик шеърятининг асосчиси Рудаки, “Шохнома” асарининг яратувчиси Фирдавсийлар шу даврда яшаган ва ижод қилган. Бироқ, феодал ҳукумронларнинг ўзаро урушлари натижасида давлат парчаланиб кетди. Оқибатда 999 йилда бу ҳудудни туркий тилда сўзлашувчилар эгаллаб олишди. 12 асрда бу ҳудудда Салжукийлар (турк тилида сўзлашувчи) давлат барпо этилди.

1219–1221 йилларда мўғиллар истилоси туфайли бу ҳудудда маданий, ижтимоий–иқтисодий ҳаётга жиддий зарар етказилди.

14 – асрнинг 2–ярмидан бошлаб бу ҳудуд Амир Темур ва Темурийлар томонидан бошқарилди. Шаҳарлар қурилди, ободончилик ишлари ривожланди, деҳқончилик тикланди, фан ва маданият ўсди.

16-аср давомида Марказий Осиё кўчманчи қабила бошлиғи Муҳаммад Шайбонийхон, Абдуллахонлар (1557-1598 йй.) томонидан бошқарилди. 1558 йилда Абдуллахон II Аштархонийлар томонидан ўлдирилди ва улар Марказий Осиёнинг катта қисмини ва Балх областига 17-асргача ҳукумронлик қилишди. Ўзаро урушлар кучайди, натижада Хива хонлиги ташкил топди. 18-асрда Марказий Осиёда хонликлар сони кўпайди, мустақил иш юритилди, ўзаро урушлар олиб борилди. Ҳозирги ҳудудда Ҳисор, Қўлоб, Қоратегин, Дарвиз, Вахан, Шугнон князликлари вужудга келди. Бу асрда тожикларнинг кўп қисми Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ҳудудларида истиқомат қилдилар.

XIX асрнинг 2-ярмида Марказий Осиё чор Россияси томонидан босиб олинди. Туркистон генерал-губернаторлиги вужудга келди. Унга Тожикистоннинг Помир ва Шимолий районлари қаради. Тожикистоннинг марказий ва жанубий районлари Бухоро амирлигига қаради. Россияда Октябр тўнтаришидан сўнг 1917 ноябр 1918 февралда Шимолий Тожикистонда шўро ҳокимияти ўрнатилди ва Туркистон АССР таркибига кирди. Қолган ҳудуди Бухоро амирлиги таркибида бўлди. 1920 йил Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топди.

1924 йил Октябрь ойида Совет ҳокимияти томонидан ўтказилган миллий чегаралаш туфайли Тожикистон АССР ташкил бўлди ва Ўзбекистон республикаси таркибида фаолият кўрсата бошлади. Унинг таркибида 1925 йил январь ойидан бошлаб Тоғли Бадахшон автоном области ташкил топди. 1929 йил 5 декабридан у Тожикистон ССР мақомини олди. 1991 йил 9 сентябрь Тожикистон республикасининг мустақиллик куни ҳисобланади. Шу кундан бошлаб Тожикистон республикаси жаҳон сиёсий харитасида мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У БМТнинг кўплаб сиёсий, иқтисодий-молиявий, ижтимоий ташкилот ва жамиятларнинг аъзосидир.

Тожикистон республикасининг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) ўзига хосдир. Унинг ИГЎси бир қатор омиллар асосида маълум ноқулайликларга эга. Булар ҳозирги вақтда қуйидагилардир:

1. У Марказий Осиёнинг чекка жануби-шарқида жойлашган, Собик иттифоқ даврида шу сабабли бу республикагача олиб келинган, транспорт йўллари у орқали бошқа районлар, республикаларга ўтиб кетмайди. Ҳозирги мустақиллик йилларида бу Республиканинг жаҳон давлатлари билан бир томонлама алоқа қила олиши унга иқтисодий-сиёсий жиҳатдан катта қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

2. Тожикистон ва уни ўраб турган давлатлар рельефининг баланд тоғликдан иборатлиги ўз ички районлари ва қўшни мамлакатлар билан кўп қиррали алоқаларни олиб боришда ҳам катта қийинчиликларни туғдиради. Жумладан, у жаҳон мамлакатлари билан фақат битта Ўзбекистон орқали ўтадиган йўллар орқалигина боғлана олиши мумкин. Бу йўл Шимолий ва Жанубий Тожикистон ҳудудларини ҳам бир-бирлари билан боғлаб туради ва ҳатто, ён қўшинлар ҳисобланадиган Хитой ва Афғонистон билан ҳозиргача замонавий темир ва автомобил йўллари орқали боғлана олиш имконияти йўқ;

3. Ўзбекларнинг «Қўшнинг тинч – сен тинч» мақоли Тожикистондаги сиёсий танглик сабабларида ўз исботини топган кўринади. Мана, 20 йилдан ҳам кўп бўлдики, қўшниси Афғонистон халқаро нотинчлик, терроризм, диний экстремизм ва Ислом фундаментамизнинг уяси бўлиб келмоқда. Бу ҳолатлар Тожикистоннинг ИГЎнинг анча ноқулайлигини кўрсатади. Табиийки, ИГЎнинг бу хусусиятлари республика иқтисодиётининг ривожланишида қўшимча муаммоларни келтириб чиқарди.

Тожикистоннинг маъмурий-сиёсий таркибида Тоғли Бадахшон автоном республикаси, Сўғд, Хатлон областлари ва республика марказига бўйсунадиган Ҳиссор водийси туманлари бор. Тожикистоннинг сиёсий ижтимоий маркази Душанбе шаҳри бўлиб, унда 600 000 аҳоли яшайди.


Республиканинг умумий майдони 143,1 минг км² бўлиб, у Марказий Осиёда энг кичик, МДХда 8 чи ва жаҳонда 91чи ўринда. Аҳолиси 7,3 млн киши (2006 й.), бу кўрсаткич бўйича минтақада 3 чи, МДХда 6 чи ва жаҳонда 95 ўринда туради.

Табиий шароити. Табиий шароитининг хусусиятлари асосан унинг рельефи билан узвий боғланган. У қўшнилари Қирғизистон, Хитой ва Афғонистон билан баланд тоғлар ва ён бағирлари жуда тик даралар ҳамда дарёлар билан чегарадошки, шу туфайли ана шу қўшинлари билан ҳозирги вақтда Тожикистоннинг иқтисодий алоқалари тўғридан тўғри деярли олиб борилмайди. Унинг жаҳонга чиқиш имкониятлари фақат Ўзбекистон орқалигина олиб борилмоқда.

Ана шу ҳолат Тожикистоннинг асосан рельефи билан боғлиқ. Республиканинг рельефи қандай хусусиятларга эгаллигини машҳур иқтисодий географ А. Н. Ракитников жуда аниқ ифодалайди. Унинг таърифи қуйидагича мазмунга эга: “Ўз ҳудудларида агар қирғизлар от-уловда юра олсалар, тожиклар яёв юришларига тўғри келади” Бошқача айтганда, Тожикистоннинг тоғлари шу қадар тик, ёнбағрлари кескинки, улар бўйлаб юришда ҳатто от-улов ҳам иш бериши қийин.

Умуман, республика ҳудудини асосан Помир ва Олой тоғ тизимларига қарашли Марказий Осиёдаги энг баланд тоғлар эгаллаб ётади. Баландлиги туфайли «Дунё томи» номини олган Помир тоғлари булар орасида энг улкани (7495 м) ҳисобланади. Фақат Жанубий ва Шимолий Тожикистондагина баландлиги 350-800 мм гача бўлган нисбатан текис тоғ олди адирликлари ва тоғ оралиғи водийлари учрайди. Аҳоли асосий фаолият кўрсатадиган бундай ҳудудлар республика умумий майдонининг атига 7-8 % ни ташкил қилади. Марказийча баландлига 3000 м дан юқори бўлган ҳудудлар эса жами майдонининг ярмидан кўпини эгаллайди. Табиийки, ана шу баландликда аҳоли деярли яшамайди. Геологик ҳолатига боғлиқ муҳим хусусиятларидан бири ундаги интенсив сейсмиқлик даражасидир. Тез-тез бўлиб турадиган zilzilalar, сурилма ва тоғ кўчишлари иқтисодиётга анча зарар келтиради.

Жанубий Тожикистоннинг текисликларида асосан илиқ. Ёзи иссиқ ва давомли, Марказийча $t^{\circ} +28^{\circ} -30^{\circ}$, киши эса $+1^{\circ}$ атрофида тебранади. Қуруқ субтропик иқлими ҳудудлардан ҳисобланадиган бу қисмида энг иссиқсевар деҳқончилик экинлари экилади. Тоғларда эса баландликка кўтарилган сари ёзу - қишда 1° пасайиб, ёғин миқдори эса камайиб боради. Жумладан, ёғин миқдори баланд адирликларда 400-600 мм дан Шарқий Помирнинг юқори баландликларида 60 мм гача боради. Шу сабабли, кўп сонли йирик доимий тоғ музликлари, булар орасида дунёда энг йирик Федченко музлиги, шу тоғларда жойлашган. Ўз навбатида, улар нафақат Тожикистонда, балки Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида оби-ҳаёт воситаси ҳисобланадиган асосий дарёлар (Амударё ва унинг irmoqlari)нинг манбаилари ҳисобланади.



Табиий ресурслари. Қўшниси Қирғазистонга ўхшаш Тожикистоннинг энг аҳамиятли табиий бойлиги бўлиб, унинг гидроэнергетика ресурслари ҳисобланади. У жами энергетика қувватлари заҳираси ҳажмига кўра Россиядангина ортда қолади. Майдони энг кичик бўлишига қарамай Тожикистон ҳиссасига жами Марказий Осиё республикалари, асосий йирик дарёлари, гидроэнергия заҳиралари (300 млрд. кВт/с) нинг 60 % дан кўпроғи тўғри келади. Табиийки, бу ниҳоятда катта кўрсаткич. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда бу кўрсаткичнинг атиги 5 % дан кўпроғигина ўзлаштирилган ҳолос. Асосий манбалари Панж, Вахш, Зарафшон ҳисобланади.

Минерал ресурсларнинг барча гуруҳлари республикада учрайди. Ёқилғи минерал ресурслар орасида қўнғир кўмир конлари кўпроқдир. Улар орасида Шўроб (қўнғир кўмир), Фан-Ёнғоб (тошкўмир) конлари анча аҳамиятли. Нефть конлари фақат Қуйи Вахш водийсида ва Конибодом районларида топилган. Лекин улар анча кам қувватли конлардир. Муҳим қазилма бойликларидан полиметалл, вольфрам, сурьма, олтин, нефелин, қалайи, турли тарқоқ рангдор металллар ҳисобланади.

Шулардан, Шимолий Тожикистондаги Қорамозор полиметал ва Жанубий Тожикистондаги Тақоб полиметал конлари ҳозирга вақтда халқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Республикада ҳозирги вақтгача 28 та олтин кони очилиб фойдаланилмоқда. Энг асосийлари Шимолий Тожикистонда Джилау, Тарор, Зарафшон водийсида Чоре, Шохбас Кум-Манор конларида катта ишлар олиб борилмоқда. Шимолий Тожикистоннинг “Қояли” сурма кони МДХ даги 50 % сурма заҳирасига эга. Сўғд областида сурма ва симобдан ташқари 214 та бошқа турдаги фойдали қазилмалар мавжуд, уларнинг қаторида: курғошин-руҳ (16та кони), мис ва висмут (3та), вольфрам ва молибден (1та), стронций (2та), темир (3та), олтин (15та), кумуш (7та), тошкўмир (11та), нефть-газ (11) ва бошқа конлар мавжуд. Республика кимёвий минерал ресурслардан тузларга анча бой. Хатлон областидаги Мўминобод тош тузи кони Марказий Осиёдаги энг йириклардан биридир. Минерал қурилиш материаллари географияси жуда кенг ва хилма-хилдир. Булар орасида цемент, ойна хом ашёлари, пардозлаш материаллари, қадимдан донг таратиб келаётган нодир рангдор лаъли тошлари (“Лаъли Бадахшон”) алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, Тожикистон хилма-хил рекреация ресурсларига ҳам анча бой: минераллашиш даражаси жуда хилма-хил иссиқ (+ 38 градусдан 96 градусгача) ёки совуқ минерал сувлар, даволаш балчиқлари минг бир дардга даво. Ниҳоят, ўзига хос ўрмон, ўз ўсимлик қопламига эга тоғ ландшафтлари, тоза ҳаво, тез оқар дарё ва сойлар ўзига тоғ туризми ишқибозлари, альпинистларни кўплаб тортиси турган гап. Агар уларнинг халқаро

доирадаги аҳамиятини ҳисобга олсак, республика иқтисодиётида келгусида муҳим ўрин тутишини тушуниш қийин эмас.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Тоҷикистон республикаси аҳолиси МДҲ давлатлари орасида XX аср давомида сон жиҳатдан энг кўп ўсишга эришди. Сўнгги юз йил орасида у 6,5 бараварга ўсди. 2006 йил бошида республика аҳолисининг умумий сони 7,3 млн кишини ташкил қилди (1989 йилда 5,2 млн киши эди). Аҳолининг муҳим демографик хусусиятларидан бири табиий кўпайиш кўрсаткичларининг минтақада энг юқори эканлигидир. Жумладан, ҳар минг кишига туғилиш 2005йилда 26,8, ўлим 4,4 ва табиий кўпайиши 22,4 кишини ташкил қилди.

Тоҷикистонда табиий ўсиш кўрсаткичларининг юқори ҳолда келаётганига аҳолининг миллий таркиби ҳам сабабчидир. 2000 йилда республика аҳолисининг 79,9 % ни тоҷиклар, 15,3 % ни ўзбеклар, 1,1 % ни руслар, 1,1 % ни қирғизлар, қолганларини бошқа миллат вакиллари (расмий маълумотларга қараганда республикада 55 миллат вакиллари яшайди, бу минтақада энг паст кўрсаткичдир) ташкил қилади. Бошқача айтганда, Тоҷикистон аҳолисининг 97 % га яқини маҳаллий миллат вакилларида иборат ва уларда табиий ўсиш кўрсаткичлари анъанавий равишда юқоридир. Аҳолининг Марказийча зичлиги ҳар бир км² 43 кишини ташкил қилади. Аммо унинг 85 % республика умумий ҳудудининг 1/10 қисмида яшайди. Аҳоли зич яшайдиган Шимолий Тоҷикистоннинг водий қисмида Марказийча зичлик 100-150 кишини, Ҳисор ва Вахш водийларида эса 30-100 кишини ташкил қилади. Аксинча энг сийрак кўрсаткичли ҳудудларига Тоғли Бадахшон тўғри келади. Унда аҳолининг Марказийча зичлиги ҳар 1 км² бир кишини ташкил қилади. Аҳолининг урбанизация даражаси ҳам анча паст, республика аҳолисининг 27,4 % шаҳарларда яшайди (2000й). Жами 19 шаҳар ва 48 шаҳарчалари бор. Энг йирик шаҳри республика пойтахти ҳисобланадиган Душанбе шаҳридир, унда 600000га яқин аҳоли бор. Хўжанд шаҳрида 160000 аҳоли бор. Бошқа шаҳарларда аҳоли 100000дан кам, улар Марказий ва кичик шаҳарлардир.

Тоҷикистондаги демографик ҳолат аҳолисининг 50 % дан камроғининг меҳнат ресурсларидан иборатлигини таъминлаган. Аксинча унда меҳнат ёшигача бўлган ёшдагилар ҳиссаси анча каттадир. Жами меҳнатда банд бўлганларнинг 20 % гина саноатда ва 46,8 % қишлоқ хўжалигида (минтақада энг юқори) ишлайди. Умуман республика меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган.

Миллоддан аввалги 6-мингинчи йилларда Туркманистон ҳудудида яшаган халқлар деҳқончилик билан шуғуланишган, миллоддан аввалги 1-минг йилликда синфи жамият вужудга келган. Уша йилликларда Марғиёна, Парфия, Юнон-Бақтрия давлатлари бўлган. Кейинчалик бу давлатлар Аҳомонийлар давлатига қўшиб олинган. Миллоддан аввалги 5-4 аср охирида Туркманистон ҳудудини Александр Македонский истило қилган. 1024 йилда бу ҳудудни Сосонийлар босиб олишган ва ҳукимронлик қилишган. 5-аср ўрталарида Эфталитлар бу ҳудудда ҳукимронлик қилишган. 7-асргача Туркманистон ҳудудида зардуштилар, оташпарастлар, буддизм ва бошқа динлар тарқалган. 6-аср ўрталарида Турк хоқонлиги, 7-асрда араблар бу жойларни босиб олишган ва ислом динини тарқатишган. 9-10 асрларда бу ўлка Тоҳирийлар, Сомонийлар давлатига қараган. 1040 йилда Салжукийлар давлати Туркманистон ҳудудини босиб олганлар. Ўғузлар Туркман халқининг шакилланишига асос бўлган. Туркманистон 12-аср ва 13-аср бошларида Хоразм давлати қармоғида бўлган. 14-асрнинг 70-80 йилларида Темурийлар тасарруфига ўтган. 15-асрда Туркман эллатининг шакилланиши ниҳоясига етди. 16-17 асрларда ҳудуднинг маълум қисимлари Хива ва Бухоро хонликларига, бошқа қисми Эронга тобе бўлган. 1869-1885 йилларда Туркманистон ҳудудини Россия босиб олган. 1917 йил Совет ҳокимияти ўрнатилди, 30 апрел 1918 йилда Туркманистон Мухтор Совет социалистик республикаси ташкил этилди. 1924 йил “Миллий давлат чегараланиши” бўлиб, 27 октябр 1924 йилда Туркманистон иттифокдош республикалар таркибига кирди.



Суверен Туркменистон республикаси эса 1991 йил 27 октябридан жаҳон сиёсий харитасида мустақил давлат сифатида пайдо бўлди. У БМТ нинг тенг ҳуқуқли аъзоси, кўплаб дунёвий сиёсий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий ташкилотларга қабул қилинган.

Марказий Осиё, қолаверса МДХ давлатлари орасида Туркменистон олиб бораётган ўзига хос сиёсий–ижтимоий сиёсати билан ҳам ажралиб туради, яъни биронта сиёсий блокларга қўшилмаслик, бетарафлик сиёсатини олиб бормоқда.

Туркменистон МДХда ва жаҳонда бой газ ва нефть заҳиралари, пахтаси, гилами, ахалтекин зотли отлари билан машҳур.

Марказий Осиё минтақасининг энг жанубий ҳудудларини эгаллаган Туркменистон республикасининг ИГЎси сўнгги йилларда тавора қулайлашиб бормоқда. Иттифоқ даврида Марказий районлардан чеккада жойлашган бу ўлка мустақиллик йилларида, айниқса мезо ва макро ИГУ кўрсаткичларига кўра энг қулай шароитларга эга бўлиб бормоқда. Собиқ Иттифоқ даврида анча ноқулай ИГУ га эга бўлган Туркменистон 90–йиллар ўрталарида ишга туширилган Тажан–Серахс–Машҳад темир йўли (Марказий Осиё республикаларини Эрон ва Форс кўрфази билан боғловчи) ва "Трасека " транспорт йўлаги (Марказий Осиё республикаларини Кавказ ҳамда Каспий ва Қора денгазлар орқали Европа мамлакатлари билан боғловчи) туфайли Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг Жанубий ва Жануби–Ғарбий Осиё ҳамда Ғарбий давлатлари билан алоқа қилиш майдонига айланиб бормоқда. Бу ҳолат унинг ИГЎ ни том маънода, анча қулай даражага олиб чиқди. Ҳозирги вақтда минтақа давлатлари ташқи иқтисодий алоқаларининг анчагина қисми унинг ҳудуди орқали амалга оширилмоқда.

Маъмурий – ҳудудий жиҳатдан республика таркибида Аҳал, Балхон, Мари, Лебаб ва Дашҳовуз вилоятлари мавжуд. Туркменистоннинг бош шаҳри Ашхабоддир.

Туркменистон республикасининг умумий майдони 488 минг км² бўлиб, бу кўрсаткичга кўра у МДХ да 4, Ўрта Осиёда 2 (Ўрта Осиёнинг 12,5 % ҳудудини т.э.), жаҳонда эса 50 - ўринда туради. Аҳолиси 6,7 млн киши (2006 й)–бу кўрсаткич бўйича МДХ да 10 ва Жаҳонда 106 - ўринни эгаллайди. У шимоли-ғарб томонида Қозоғистон, шимол - шарқда Ўзбекистон, жанубида Афғонистон ва Эрон билан чегарадош, ғарбида унинг ҳудудлари Каспий денгизи билан туташ. Минтақадошлари Қирғизистон, Тожикистондан фарқли ўлароқ унинг чегаралари асосан текисликлар орқали ўтади. Фақат Эрон давлати билангина у қадар баланд бўлмаган, лекин сейсмиклик даражасига кўра “нотинч” Копетдоғ орқали чегараланади. Шу сабабли унинг чегаралари иқтисодий аҳамиятига кўра нисбатан қулай.

Шунинг билан бирга барча минтақадош давлатлари каби унинг дунё океани ва денгизлари қирғоқларидан ўзоқда жойлашганлиги муҳим табиий бойлиги

хисобланадиган нефт ва газини жаҳон бозорига чиқаришда катта муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Табиий шароити. Туркменистон табиий шароитининг кўрсаткичлари ҳудудининг анча жанубда жойлашганлиги ва ер юзасининг асосан текисликлардан иборат эканлиги билан боғлиқ.

Рельефининг 80 % текисликлар (Турон текислиги) дан иборат. Чекка жанубий чегараларига туташ унинг асосий тоғ ва баландликлари (Копетдаг, Паропамиз-Қорабел) ҳамда Ғарбий Каспий бўйи паст текисликлари ер юзасини бузиб турувчи Катта ва Кичик Балхон, Копетдоғ каби каби паст тоғлар ва баландликлари умуман республика ҳудудининг атига 20 % га яқин қисмини эгаллайди.

Иқлими республиканинг катта қисмида кескин континентал. Фақат ҳудудининг жанубий қисмларида (Мурғоб ва Тажан водийлари, Копетдоғ этаклари ҳамда Қизил Атрек дарёси қуйи қисмлари) у қуруқ субтропик хусусиятига эга. Январ ойининг ўртача t° си шимолий районларида - 5° дан жанубида $+3^{\circ}$ - 4° гача, июлники эса $+28^{\circ}$ дан (шимолда) 32° гача (жанубда) ўзгариб туради. Республикада мутлоқ минимум билан максимум эса - 32° билан $+49,9^{\circ}$ ўртасада тебранади. Умуман, Туркменистон иқлимининг ўзига хос хусусиятларидан бири Марказий Осиёда йиллик ўртача t° нинг энг юқорилигидир. Шунинг билан бирга унинг иқлими энг қурғоқчил ҳамдир. Ёғин миқдори Каспий бўйи паст текисликлари ва шимолидан жануб ва жануби-шарқидаги тоғ ва баландликлари томон 100 мм дан 200 - 250 мм гача кўтарилиб боради. Бу ҳолат Туркменистонда сув манбалари нақадар қадрли эканлигини, сув бор жойдагина ҳаёт бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Республика ҳудудида узоқ тарихий даврлардан бошлаб айнан шу сабабли аҳоли суғорма деҳқончилиги билан шуғулланиб келган, сувдан фойдаланишнинг энг мураккаб усуллари (кариз ва қумли текисликдаги ниҳоятда чуқур қудуқлар) дан фойдаланиш малакаларини ўзлаштирганлар. Ҳозиргача Копетдоғ этаклари ва Паропамиз баландликлари ҳудудларида ўнлаб қаризлар аҳолини сув билан таъминлашда хизмат қилмоқда. Туркменистонни ҳақли равишда қудуқлар мамлакати деб ҳам аташ мумкин. Унинг ҳудудида 10 мингдан ортиқ қудуқлар ҳисобга олинган. Агар бу қудуқларнинг аксарияти қум барханлари орасида катта чуқурликларга кавланганлигини (200 м гача чуқурликда) ҳисобга олсак, унда сув учун кураш ҳаёт-мамот аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳондаги энг узун сунъий суғориш каналларидан ҳисобланадиган Катта Қорақум канали (узунлиги 900км) ҳам республикада сув муоммасини енгиллатиш мақсадида қурилган.

Табиий ресурслари. Табиий ресурслар орасида энг аҳамиятлиси нефт ва газ бойликларидир. Уларнинг захираларига кўра Туркменистон МДХ дагина эмас, балки жаҳонда (айниқса табиий газ бўйича) энг йирик давлатлар қаторидан ўрин олади. Ўзлон қилинган маълумотларга кўра унинг нефт захиралари 12 млрд т ва газ захиралари эса 21 трлн m^3 ни ташкил қилади. Нефт конлари асосан Ғарбий Туркменистон (Каспий бўйи паст текисликлари) ва газ конлари Марказий ва Шарқий Туркменистон ҳудудларида тарқалган. Дастлабки нефт конлари Небитдаг атофларида инқилобдан олдин аниқланган. Уларни ўзлаштириш эса асосан 30–йиллардан бошланган. Кейинги вақтларда нефтнинг асосий конлари Каспий бўйининг Челекен я.о. дан то Окарем-Гасанқўлигача бўлган ҳудудларида ҳамда Каспий денгизи саёзликларида жойлашганлиги аниқланди. Табиий газ конларини аниқлаш ва ўзлаштириш эса 60–йиллар охириларидан бошланди. Дастлаб шимолий Туркменистонда (Найп, Газ-Ачак), сўнгра Мари атофларида (Май, Шотлик), сўнгги йилларда эса шарқий Туркменистонда (Советобод, Давлатобод) кўшилиб йирик табиий газ конлари ўзлаштарилди.

Кимёвий минерал ресурслари (хилма - хил тузлар, олтингугурт) иқтисодий жиҳатдан республиканинг иккинчи муҳим ер ости бойликларидан ҳисобланади. Гарчи туз конлари республиканинг турли районларида учрасада, уларнинг асосий

заҳиралари Ғарбий Туркменистонда Қорабўғоз - Гол ҳавзасида тўпланган. Унинг заҳиралари амалда битмас-туганмасдир. Бу ҳавзада ош тузи ҳамда мураккаб таркибга эга бўлган мирабилит тузлари мавжуд. Республиканинг яна бир муҳим кимёвий минерал ресурси Шарқий Туркменистондаги олтингугурт конларидир. Кўхитанг тоғлари этакларидаги Гаурдак олтингугурт кони МДХ даги энг йирик кондир. Шунингдек, бу ҳудудда калий тузи ҳам мавжуд. Булар келгусида Туркменистонда хилма-хил кимё саноати тармоқларини ривожлантиришга имкон беради.

Республикада ранг-баранг қурилиш минерал бойликлари ҳам кўпдир. Улар цемент, ойна, оҳак каби тармоқларни ривожлантиришда фойдаланилади.

Аммо, юқоридагилардан кўриниб турибдики, Туркменистонда кўмир, темир рудаси ва хилма - хил рангдор металл конларининг саноат аҳамиятига молик сўнгги йилларигача учрамаган.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Туркменистон республикаси аҳолининг умумий сонига кўра Марказий Осиёда энг кичик республикалардан биридир. Унинг аҳолиси тадрижий кўрсаткичлари сўнгги деярли бир аср давомида қуйидагича ўзгариб борди (минг киши ҳисобида):

1913 й. – 1042	1970 й. - 2159	2001й-5400
1926 й. - 998	1979 й.- 2759	2002й-5600
1940 й.- 1302	1989 й.- 3534	2003й-5900
1959 й.- 1516	1996 й. – 4519	2004й-6300
		2006й-6700

Кўриниб турибдики, аҳолининг сони жиҳатдан ўсиш суръатлари айниқса сўнгги йилларда анча юқори. Аниқроқ такидланадиган бўлса, у МДХ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичдир. Албатта бундай юқори кўрсаткичнинг асосий омили аҳоли табиий ўсишининг юқорилигидир. 90 – йиллар ўрталарида ҳар 1000 кишига туғилиш 33, ўлим 8 , соф табиий ўсиш эса 25 кўрсаткичга тўғри келди. Бошқача айтганда, республика аҳолиси фақат табиий ўсиш ҳисобига йилига 3,5 % кўпаймоқда. Бу кўрсаткичлар МДХ ва жаҳоннинг шундай кўрсаткичларидан анча юқори, фақат Африка ва айрим араб ҳамда Жанубий Осиё мамлакатларидан бирмунча пастроқдир.

Аҳолининг миллий таркибий кўрсаткичлари (2005й) ҳам ўзига хосдир. Республика умумий аҳолисининг 81 % дан кўпроғини туркманлар, 9,2 % ни ўзбеклар, 2,3 % ни руслар, 2 % ни қozoқлар, 5,5 % ни бошқа миллат вакиллари ташкил қилади.

Аҳолининг ўртача зичлиги ҳар 1 км² майдонга 14 кишига тўғри келади. Вилоятлари орасидаги ўртача зичлик Ташхөвүз ва Марида энг юқори(1 км² га 11 – 12 киши).

Республика шаҳар аҳолисининг салмоғи 45 % ни ташкил қилади. Бу кўрсаткичга кўра у Марказий Осиёда фақат Қozoғистондан кейин туради.

Энг йирик шаҳри республиканинг пойтахти Ашгабад бўлиб, унда ярим миллиондан зиёд аҳоли яшайди.



Глоссарий

1. Тоғ музликлари - баландлиги 3500-5300 м бўлган тоғли ҳудудларда ўнларча катта-кичик музликлар бўлиб, улар эгаллаган майдон республика ҳудудини салкам 6 % ни эгаллайди ва Марказий Осиё республикаларини ҳаёт минбаи бўлган сув билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади.
2. Эфир мойли ўсимликлар - озиқ-овқат, парфюмерия, фармацевтика саноатлари учун ниҳоятда зарур анвойи ҳид, таъм ва бошқа сифатларни берувчи ўсимликлар (атиргул, лаванда, геран ва бошқалар) дир. Шулардан геран энг кўп Ҳисор водийсида экилади.

9-мавзу.	Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, катталиги, чегаралари, иқтисодий географик ўрни,табiiй шароити ва табiiй ресурслари
-----------------	--

5. Маъруза машғулотивнинг технологияси


Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20-60 нафар
Ўқув машғулотивнинг шакли	Маъруза.
Маъруза машғулотивнинг режаси	1. Ўзбекистоннинг тарихий утмиши. 2. Ўзбекистоннинг иқтисодий географик жойлашган урни. 3. Ўзбекистоннинг жахонда тутган урни. 4. Табiiй шароити ва табiiй ресурслар жамият тараккиётида энг мухим моддий шароитлардан бири эканлиги. 5. Ер устини тузилиши ёки релреф хусусиятлари. 6. Ўзбекистон иқлим ва сув ресурслари. 7. Тупрок, усимлик ресурслари ҳамдай хайвонот дунёси. 8. Ўзбекистоннинг маъдан ресурслари ва улардан фойдаланиш.
Ўқув машғулотивнинг мақсади: Республиканинг ташкил топиш боскичлари, худудий ва нуфузлий кўрсаткичлари, чегаралари ва уларнинг хусусиятлари. Республика жойлашган иқтисодий географик ўрнининг хусусиятлари, сиёсий маъмурий булиниши. Табiiй шароит тушунчаси, таркиби ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ўрганиш.	
Педагогик вазифалар: - Ўзбекистон географик ривожланиш омилларини ўргатиш; - Ўзбекистон тарихий-иҷтимоий ривожланиш омилларни ўргатиш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Ўзбекистон географик ривожланиш омилларини аниқлай олади; - Ўзбекистон тарихий-иҷтимоий ривожланиш омилларни Ўзбекистон халқ хўжалигининг умумийлиги тўғрисида маълумот бериш; - Ўзбекистон географик ривожланиш омилларини ўргатиш; - Ўзбекистон тарихий-иҷтимоий ривожланиш омилларни ўргатиш;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Кириш маърузаси, блиц-сўров, БББ.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, доска, бўр, карта.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа, гуруҳий.
Ўқитиш шароитлари	Жиҳозланган аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Талабалар эътиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларга қаратадилар. БББ жадвалини дафтарга ёзиш сўралади. (1-илова). 2.2. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида маърузанинг асосий мазмунини дафтарга ёзишни таклиф этади (2-илова). 2.3. Муаммоли саволларни ўртага ташлайди ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди: 1. Мустақилликка қадар Республикамиз ҳудудиди қандай давлатлар бўлган? 2. Республикамизни географик координаталарини биласизми? 3. Ўзбекистон релрефиниҳарактерли хусусиятларини айтинг? 4. Республикамизда нефт бойликлари қаерларда тарқалган? 5. Рудали фойдали қазилмалар қаерларда тарқалган? 6. Географик уринишнинг узига хос қулайлик ва ноқулайлиги. 7. Газ қонлари қаида маълумот беринг. 8. Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида саноат қупрок ривожланган? 2.4. Мавзуни ўрганиш асосида қуйидаги блиц-сўров саволларга талабалар жавоблари асосида мавзунинг ўрганилганлик даражаси аниқланади(4-илова)	2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига ёзадилар. 2.2. Маърузага эътиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар. 2.3. Ёзиб оладилар ва ўз билимлари билан солиштирадилар. 2.4. Талабалар мақзу бўйича олган билимларини синовдан ўтказадилар.
3-босқич Яқуний (10 мин)	3.1. Мавзуга ҳулоса чиқаради. Асосий масала устида тўхталади. Б.Б.Б. жадвалини тўлдиришдаги савол-жавобларни таҳлил қилади ва фаол талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун топшириқлар беради: Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш омилларини аниқлаш.	3.1. Эшитадилар, саволларини беради, ёзиб оладилар. 3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.

Б.Б.Б. техникаси

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
1	Тошкил топиш босқичлари			
2	Географик ўрни			
3	Табиий шароит			
4	Ўзбекистон вилоятларининг табиий- географик ўхшашликлари			



Маъруза матни

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиё давлатларининг ўртасида, Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, ғарбий қисми Турон паст текислигини, жанубий ва шарқий қисмлари эса тоғли ўлкаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг майдони 448,9 минг км² бўлиб, бу кўрсаткич бўйича Ўрта Осиё давлатлари орасида учинчи, МДХ давлатлари орасида бешинчи, жаҳонда эса 54 ўринни эгаллайди. Аҳолиси эса 28,6 млн (2010й.) дан зиёд. Бу кўрсаткичга кўра жаҳонда 38, МДХ- да учинчи, минтақада биринчи ўринда. Пойтахти - Тошкент шаҳри. Ўзбекистон майдони шимолдан жанубга 930 кмга, ғарбдан шарқга 1400 кмга чўзилган. Республика

Ўрта Осиё давлатларининг ҳудудининг 11,2 фоизини, аҳолисининг эса 43,6 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг географик ўрни анча қулай. У шимолда ва шимоли ғарбда Қозоғистон, ғарбда Туркменистон, жанубда Афғонистон, шарқда эса Тожикистон ва Қирғизстон давлатлари билан чегарадош.

Ўзбекистоннинг табиати бой ва жуда хилма-хилдир. Ҳудудининг катта қисмини (78,7 фоиз) текисликлар эгаллайди, қолган қисми эса (21,3 фоиз) тоғлардан ва тоғ оралиғи ботиқларидан иборат.

Мамлакат рельефида текисликлар, тепаликлар ва тоғликлар ўзига хос равишда уйғунлашиб кетган. Республикамиз шарқий қисмларида тоғлар оралиғида бир қанча тоғ оралиғи ботиқлари жойлашган бўлиб, шулардан айниқса Фарғона ботиғи ва Сурхондарё водийлари ўзига хосдир. Ундан ташқари Чирчиқ-Оҳангарон Фарғона ботиғи шимолдан жанубга 190-200 км, ғарбдан шарқга эса 370 км масофага чўзилган. Водий ҳамма томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, бодомсимон шаклни ҳосил қилган. Фақатгина ғарбий қисмида Хўжанд дарвозаси орқали Мирзачўл ва Далварзин текисликлари билан туташган. Ўзбекистоннинг текислик қисмларига асосан Устюрт платоси ва Қизилқум чўллари киради. Республиканинг энг паст нуқтаси - Мингбулоқ ботиғи бўлиб, у қадимги емирилган тоғлар орасида жойлашган. Унинг мутлоқ баландлиги денгиз сатҳидан -12м ни ташкил этади. Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси эса, Ҳисор тоғидаги Ҳазрати Султон чўққисидир. Унинг денгиз сатҳидан баландлиги-4643м. ни ташкил этади.

Ўзбекистон серкуёш ўлкадир. Иқлими қуруқ-континентал. Иқлимнинг ташкил топишига географик ўрни, қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси ва ер юзасининг тузилиши катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг ёзи жуда иссиқ ва узоқ. Июль ойининг ўртача ҳарорати +30⁰С, энг юқори ҳаво ҳарорати Термизда +47⁰С га етади. Қишда ҳаво ҳарорати 0⁰ гача пасаяди. Январ ойида Устюртда -9⁰С, Тошкентда -1⁰С, Термизда эса -3⁰С бўлади.

Ўзбекистон иқлимига шимолдан Арктика ва Ғарбий Сибирдан, ғарбдан эса Атлантика океанидан келадиган ҳаво массалари катта таъсир кўрсатади. Арктика ҳаво массалари совуқ ва қуруқ бўлса, Атлантика океани ҳаво массалари нам ва илиқдир. Ёғин миқдори ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланган. Республикамизнинг ғарбий қисмларида ўртача 100мм дан жануби-шарқда 700-800мм гача ёғин тушади. Ёғинларнинг асосий қисмлари қиш ва баҳор ойларига тўғри келади. Энг кам ёғин бу ёз ойида бўлади(7-10 фоиз).

Республика ҳудудида бир қанча маҳаллий шамоллар ҳосил бўлади. Булар Фарғона водийсида Қўқон шамоли, Далварзин текислигида Бекобод шамоли, Сурхондарё водийсида иссиқ “Афғон” шамолидир.

Республика дарёлари берк ҳавзага киради, улар ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган. Дарёлар асосан тоғлардан бошланади ва кўпчилиги текисликларга келиб суғоришга ишлатилганлиги сабабли қуриб қолади. Ўзбекистон ҳудудининг қарийб учдан икки қисмини эгаллаган поёнсиз текисликларда сув манбалари жуда ҳам кам. Айни пайтда республика шарқий қисмида жойлашган тоғлардан кўплаб сой ва дарёлар бошланади. Ер усти сувларининг республика ҳудудлари бойлаб нотекис тақсимланиши мамлакатимиз табиий шароити натижасидир. Бу эса ўз навбатида мамлакат қишлоқ ҳўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё дарёлари каби Ўзбекистон дарёлари ҳам тоғлардаги қор ва музликлардан тўйинади. Ёғинлар ҳам асосан баҳор ойларида кўп ёғади. Шу сабабли дарёлар май-июнь ойларида тўлиб оқади. Сувнинг бекорга оқиб кетмаслиги учун дарёларга бир қанча сув омборлари қурилган. Бу сув омборларида тўпланган сувлардан ёз ойларида суғориш учун фойдаланилади.

Ўзбекистонни сув билан таъминлашда Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёлари: Амударё ва Сирдарё катта аҳамиятга эгадир. Энг узун дарё Сирдарё бўлиб, унинг узунлиги 2981 км ни ташкил қилади. Энг серсув дарё эса Амударё, унинг узунлиги 2660 км дир. Аммо бу икки дарё республиканинг сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмайди.

Ўзбекистон деҳқончилигини сунъий суғоришга асосланган минтақалар қаторига киради. Шу сабабли, дарёлар моҳиятан, уларнинг роли мавжуд деҳқончилик ерлари учунгина эмас, балки янги ерларни ўзлаштириш учун ҳам катта аҳамият касб этади. Республика ҳудудида суғоришни яхшилаш мақсадида қадимдан дарёлардан кўплаб каналлар қазилган. Айниқса Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ дарёларидан, Фарғона водийсидаги Қорадарё, Норин, Исфара, Сўх каби сойлардан қатор каналлар бошланган. Бу каналлар асосан суғориш мақсадида ҳамда гидроэлектростанциялар қурилишида катта аҳамиятга эгадир. Энг йирик каналлардан У.Юсупов номи катта Фарғона канали. Шимолий Фарғона, Наманган, эски Анҳор, Аму-Бухоро, Бўзсув ва бошқалардир. Йирик сув омборларидан—Туямўйин, Чорвоқ, Каттақўрғон, Туябўғиз ва бошқалар бунёд этилган. Ўзбекистон ҳудудида 250 га яқин кўллар бўлиб, улар асосан майда кўллардир. Бу кўллардан энг йириклари Орол, Айдаркўл ҳисобланади. Орол кўли катталиги сабабли денгиз номини олган эди. Лекин унинг сатҳи кейинги йилларда кескин пасайиб кетди. Кичик кўллардан айримлари шифобаҳшлилиги билан ажралиб туради. Булар жумласига Тузкон, Ахсикент, Денгизкўл, Қурбонкўли, Балиқкўл ва бошқалар киради.

Охирги йиллари кўплаб янги сув омборлари бунёд этилди. Буларга Оҳангарон, Жанубий Сурхон, Чўмқўрғон ва бошқалар мисол бўлади. Сув омборлари асосан дарё режимини тартибга солиб, баҳорги, қишки, кузги сувларни тўплаб, ёзда сув танқис бўлган пайтда экин далаларини сув билан таъминлаш мақсадида қурилган.

Республикамиз ер ости сувларига ҳам бой. Айниқса уларнинг заҳиралари текисликларда ва тоғ оралиғи ботиқларида кўплаб топилган. Артезиан сувларидан ташқари минерал сувлари ҳам кўп бўлиб, уларнинг йирик заҳиралари Фарғона, Сурхондарё ва Чирчиқ водийларида топилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 70 га яқин шифобаҳш минерал сув манбалари мавжуд. Булардан энг асосийлари Тошкент, Чортоқ, Фарғона, Олтиариқ, Чимён, Жайронхона ва бошқалардир. Бундай сувлар таркибида олтингугурт, водород, радий, йод, бром кабилар кўп бўлганлиги бойис, катта аҳамиятга эгадир ва шифобаҳш сувлар сифатида кенг фойдаланилади. Айниқса Фарғона водийси минерал сувлари кимёвий таркибига кўра жаҳондаги кўплаб минерал сув хавзаларидан қолишмайди. Жумладан Чортоқ ва Чимён минерал сувларининг довруғи нафақат Ўзбекистон балки, қўшни мамлакатларда ҳам машҳурдир.

Республикада хилма-хил ўсимликлар ўсади. Айниқса тоғли минтақаларда доривор ўсимликлар кўплаб учрайди. Уларнинг айрим турлари фақат Ўзбекистонда учрайди, холос.

Ўзбекистон ҳудудида турли хил минерал ресурслар тарқалган. Республика ҳудудида ёнувчи, рудали ва рудасиз фойдали қазилмалар кўп. Айниқса олтин, вольфрам, мис, кўрғошин, рух, табиий газ ва бошқаларнинг заҳираларининг кўплиги бўйича жаҳон мамлакатларининг орасида етакчи ўринларда туради. Республика ҳудудида қурилиш материаллари (айниқса мрамор), ойна куми, кейинги йилларда очилган йирик фосфорит конлари ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон айнақса олтин қазиб чиқариш бўйича ажралиб туради. МДҲ давлатлари орасида Россиядан кейин иккинчи, жаҳонда эса ўнинчи ўринда туради. Сифатлилиги даражаси ҳам юқори. Олтиннинг йирик конлари Мурунтоғ, Кўкпатас, Учкудук, бундан ташқари, Зармитон, Маржонбулоқ, Чодак, Қўйтош ва бошқалардир. Мурунтоғ олтин кони асосида Қизилқумда йирик саноат маркази Зарафшон шахри қад кўтарган.

Рангли металллар Тошкент вилоятида кўплаб топилган. Булар орасида мис қазиб чиқариш яхши ривожланган. Рангли металллар қазиб чиқариш асосида Олмалик шахри ривожланган. У республика иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳудуди Ўзбекистоннинг йирик газ минтақаси ҳисобланади. Йирик конларидан Муборак, Шуртан, Жарқоқ ва бошқалар шу ерда жойлашган. Айниқса Шўртан газ кони истикболи порлоқдир. Газ фақат ёқилғигина бўлиб қолмай балки қимматбаҳо кимёвий хом-ашё ҳамдир.

Қашқадарё вилояти газ захиралари жиҳатидан Республикада етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги пайтларда Устюрт платоси ҳудудларида ҳам янги газ конлари топилди. Республикада 2005 йилда 59,7 млрд м³ газ қазиб олинди.

Республика ҳаётида кўмирнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Республикада қазиб олинadиган кўмирнинг 95 % и Тошкент вилоятида Ангрен кўмир ҳавзасига тўғри келади. Бу ерда кўмир очиқ усулда қазиб олинади. Шу сабабли маҳсулотнинг таннарихи анча арзондир. Сурхондарё вилояти тоғларида саноатда катта аҳамиятга эга бўлган тошкўмир конлари топилган. Булар Шарғун ва Бойсун конлари бўлиб, коксланувчанлиги билан ажралиб туради. Республикада 2005 йилда 3,0 млн т кўмир қазиб олинди.

Республикада кўплаб миқдорда нефт қазиб чиқарилади. Дастлабки нефт кони Фарғона водисиди 1904 йилда топилган Чимён конидир. Кейинчалик бу минтақада Полвонтош, Сўх, Жанубий Оламушук, Андижон ва бошқа конлар очилди. Мустақиллик йилларида эса (1992) Наманган вилоятида Мингбулоқ кони топилди. Нефтни қайта ишлаш мақсадида Фарғона ва Олтиариқда нефтни қайта ишлаш заводлари қурилган. Ҳозирги кунга келиб, Сурхон водисиди, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудида ҳам нефт конлари очилган. Айниқса Кўкдумалоқ конининг истиқболи каттадир. 1990 йилларда 2 млн т атрофида нефт қазиб олинган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилга келиб, 5,4 млн т дан ошиб кетди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хилма-хил нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ер ости ва усти бойликлари табиатнинг энг буюк инъомидир. Бу бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эгадир.

3-илова

Блиц-сўров саволлари

Табиий бойликлар
Демографик кўрсаткичлар
Диний эътиқодлар яхлитлиги
Атроф-муҳит
Суғорма деҳқончилиги

Глоссарий

1. Геосиёсий ўрни – ҳудуд (давлат)нинг сиёсий географик ўрни. Бунда ҳудуд (давлат)нинг ўзаро сиёсий-иқтисодий муносабатларни ташкил этиш, тинчликни химоя қилиш имкониятлари муҳим роль уйнайди.
2. Табиий шароит – инсоннинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитини таъминловчи табиат унсурлари ва қувват (энергия)дир. Улар жойларининг ер усти тузилиши, иқлими, ер-сув шароитларидир.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

«Марказий Осиё географияси »
фанидан амалий машғулотларини ўқитиш технологияси

«Марказий Осиё давлатларининг сиёсий-маъмурий харитаси ёзувсиз харитага тушириш ва таҳлил қилиш»

2.1. Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 25 – 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Амалий машҳулот
Амалий машғулотининг режаси:	1. Буюк ипак йўли. 2. Чор Россияси даври. 3. 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Талабаларда Урта Осиё давлатларининг шаклланиш босқичларида иқтисодий, ижтимоий ҳолатлари қандай эканлиги ва мустақилликка эришгач ҳар бир давлатнинг иқтисодиётида қандай ўзгариш бўлганлигини ўрганадилар ва таҳлил қиладилар.
Педагогик вазифалар • Буюк Ипак йўли қачондан ўз фаолиятини кўрсатган ва бу вақтда Марказий Осиё мамлакатларининг ҳолати қандай эканлиги ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва ўргатиш; • Чор Россияси даврида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳолати қандай эканлиги ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва ўргатиш; • Мустақилликка эришгач Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодиётида қандай ўзгаришлар бўлганлигини ўргатиш ва таҳлил қилиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари Талаба: 4. Буюк Ипак йўли қачондан ўз фаолиятини кўрсатган ва бу вақтда Марказий Осиё мамлакатларининг ҳолати қандай эканлигини ўрганади ва таҳлил қилади. • Чор Россияси даврида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳолати қандай эканлиги ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади ва ўрганади. • Мустақилликка эришгач Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодиётида қандай ўзгаришлар бўлганлигини ўрганади ва таҳлил қилади.
Таълим услулари	Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ўқитиш методи, суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум, блиц - ўйин
Таълим воситалари	Маъруза матни, Марказий Осиё картаси, ўқув материаллари, А32 ўлчам-даги қозғозлар, рангли маркерлар, Мавзуга оид статистик маълумотлар.
Таълим бериш шакли	Оммавий, кичик гуруҳларда
Таълим бериш шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган хона
Мониторинг ва баҳоси	Оғзаки назорат: тезкор-сўров

2.2 Муаммоли амалий машғулотнинг технологик картаси


Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Талаба
1-босқич Ўқув машғулотига кириш (15 минут)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказди. 1.2. Талабалар билимини суҳбат шаклида фаоллаштиради (1-илова). Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўқув муаммосини ечиш бўйича изланувчанлик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун талабаларнинг эгаллаган билимларини етарлилигини аниқлайди.	1.1. Тинглайди, ёзиб олади. 1.2. Саволларга жавоб берадилар.
2 – босқич. Асосий (55 минут)	2.1. Талабаларга амалий машғулот режасини ўқиб беради. (2- илова) 2.2. Муаммони ечиш йўллари излашни ташкиллаштиришга ўтади: биринчи кичик муаммони ифодалайди, сўнгра муаммоли саволларни бериб ва улар жавобларини муҳокама қилиб, талабаларни уни ечиш йўлини излашга, яъни биринчи оралик хулосага олиб келади. Шу тарзда кейинги муаммоларни ечиш йўллари излашни такомиллаштиради. 2.3. Талабаларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади, “Марказий Осиё давлатларининг шаклланиш босқичлари.” мавзусига оид топшириқни ечиш вазифасини беради. Ўқув материаллари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини таркатади Тақдимот учун қоғозларни, маркерларни таркатади, ақлий хужум қондасини эслатади. Гуруҳларда иш бошланганини маълум қилади. (3- илова) 2.4. Тақдимот бошланганини маълум қилади, гуруҳлар чиқишларини бошқаради. Тақдимот вақтида жавобларга изоҳ беради, тўғри ечимларга эътибор беради, хатоларни кўрсатади. Талабалар билан биргаликда жавоблар тўлиқлигини баҳолайди, саволларга жавоб беради. 2.5. Тақдимотни якунлайди, муаммони ечишда юзага келган қайинчиликларни кўрсатади.	2.1. Эшитади. 2.2. Кичик муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини берадилар, мунозара қиладилар, таҳлил қиладилар, хулоса чиқарадилар. 2.3. Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб дунё иқтисодий катрасини олиб мамлакатларнинг ихтисослашган тармоқлаини аниқлайдилар, тарқатма материал билан мустақил ишлайди, тақдимот тайёрлайди. 2.4. Тақдимот юзасидан чиқишлар қиладилар, жавобларни изоҳлаб берадилар. 2.5. Якуний хулосани берадилар, тинглайдилар. 2.4. Блиц ўйинни мустақил бажаради, савол беради
3- босқич. Якуний. (10 минут)	3.1. Мавзуга якун ясайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги, муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Келгуси амалий машғулот дарси учун семинар машғулоти режасини беради.	3.1. Эшитади, аниқлаш-тиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

1. Тайёргарлик боскичи

Ф а о л и я т

Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1.1.Олдиндаги амалий машғулот учун маъруза-янгиликлар мавзулар рўйхатини таклиф этади. 1.2.Ўрта Осиё давлатлари шаклланиш боскичларида қандай иқтисодий, ижтимоий жараёнларни ўз бошларидан кечирганлари, мустақиллик эришганидан сўнг мамлакатларда қандай ўзгаришлар юз берганлиги тушунтиради 1.3.Амалий машғулотни тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини тавсия этади. 1.4.Амалий машғулотлари бўйича мавзулар танлашни ташкиллаштиради. 1.5 “Ўрта Осиё давлатлари шаклланиш боскичлари” ташкилоти мавзу-си бўйича 3 та кичик гуруҳташқил этилади. 1-кичик гу-руҳ-“Буюк Ипак йўли”фаолиятини ўрга-нувчилар; 2-кичик гуруҳ-“Чор Россияси даври” дас-турини ўрганувчилар; 3-гуруҳ-Мустақиллик даври амалий машғулотни рефератининг режасини тузиб чиқиш вазифасини беради. 1.6. Ҳар бир кичик гуруҳда фақат маъруза қилаётган талабалар тайёргарлигини таъминлаб қолмасдан, балки барча семинар иштирокчиларига: амалий машғулотни мавзусига боғлиқ бўлган маъруза мазмунини ва қўшимча материалларни ўрганиш вазифасини беради, ўзлаштирилган билимлар ва белгиланган мавзулар муҳокамасини назорат қилишга тайёр бўлишларини айтади.	1.1 Амалий машғулотга тайёрланадилар. 1.2. Эшитади, ёзиб оладилар. 1.3.Ёзиб оладилар. 1.4. Амалий маърузаси-янгиликлар мавзусини танлайдилар.ганлар реферат режасини тузадилар. 1.5. Амалий машғулот маърузаси-янгиликлар мавзусини танлаганлар реферат режасини тузадилар. 1.6. Амалий машғулотни мавзусига боғлиқ бўлган маъруза мазмунини ва қўшимча материалларни ўрганадилар, муҳокамада фаол иштирок этадилар.
Реферат режасини муҳокама қиладилар	
	Тезликда бошланғич ғояга ўзгартириш, аниқликлар, тўлдиришлар киритади. Реферат ёзади.
Тайёрланган реферат мазмуни билан танишади, Лозим бўлган ҳолда талабалар рефератни тўлдиришлари учун саволлар, шунингдек, маъруза қилаётганда жавоб беришлари учун саволлар ҳам беради.	Саволларга жавоб тайёрлайдилар.

2. Амалга оширувчи босқич



Ф а о л и я т	
Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Амалий машғулотга кириш. 1.1. Мавзу “Ўрта Осиё давлатлари шаклланиш босқичлари” эканлигини эслатади. Унинг аҳамияти ва долзарблиги, маъруза материали билан боғлиқлигини асослайди. 1.2. Таълим олувчиларнинг материалга мос равишда: 1. Аввалдан тайёрланган блиц-саволлар бўйича мазмунли, аниқ жавобларни назарда тутувчи, суҳбат шаклида; 2. матнни тўғриловчи назорат ёрдамида билимларни фаоллаштиради. Билимларни фаоллаштириш жараёнида семинарда кейинги маърузаларни тушунишлари учун талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни етарлилигини ва уларни муҳокамада иштирокини аниқлайди. Билимлар етарлича тўлиқ бўлмаганида уларни шахсий баён этиш-талабалар билан суҳбат шаклида ўзлаштириш-аниқлаштириш-ўзлаштиришларни ташкиллаштиради.	
2. Асосий қисм. 2.1. Талабаларни тайёрлаган маъруза ва янгиликлари тақдиротини ташкиллаштиради. Маъруза жараёнида ўқув материалини мантикий ёритиб берилишини, уни баён этиш йўли, тингловчиларнинг таъсирланишини диққат билан кузатади. Маъруза ёки янгиликлар мазмуни тингловчиларни қизиқтирмай қўйганида ёки аксинча маъруза вақтида кўтарилган савол юқори қизиқишни уйғотса, маърузачини маълум вақтгача хушмуомалалик билан тўхтатади ва семинарни жамоавий муҳокама йўлига ўтказади. 2.2. Маъруза мазмунининг жамоавий муҳокамасини ташкиллаштиради, Бу амалий машғулотнинг энг аҳамиятли қисми бўлгани учун, талабалар фаол билиш фаолиятига жалб қилинадилар. Бунда бу мазмун: семинар иштирокчиларини маърузачига берган саволларига жавоблар бўйича талабаларга қай даражада тушунарли бўлганини баҳолаш. Амалий машғулот <i>аста-секин мунозара шаклига ўтказади.</i> Хар бир маърузани муҳокамасини қисқа умумлаштириш, ва муҳокама (мунозара) натижаларини қайд этиш билан тугатади.	Тайёрлаган маъруза ва янгиликларни тақдимот қиладилар. Маъруза мазмунини жамоавий муҳокама қиладилар, баҳслашадилар.

илова

БЛИЦ САВОЛ

1. Буюк Ипак йўли нечанчи асрда ўз фаолиятини бошлаган?
2. Чор Россияси даврида Ўрта Осиё мамлакатларининг хўжалиги ҳақида гапиринг?
3. Урта Осиё мамлакатлари нечанчи йилда ўз мустақилликларига эришдилар ?


2– илова

Амалий машғулот режаси



1. Бую Ипак йўли.
2. Чор Россияси даври.
3. 1990 йилдан то ҳозирги кунга қадар.

**1-кичик гуруҳ –
Бую Ипак йўли**



1. Буюк ипак йўли нечани асрдан бошлаб ўз фаолитини бошлаган?
2. Буюк Ипак йўлини ўтиши Ўрта Осиё мамлакатларининг иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди?
3. Буюк ипак йўли қачон инқирозга учради ва бунга сабаб нима?



**2-кичик гуруҳ
“Чор Россияси
даври”**

1. Чор Россияси даври нечанчи йилдан бошлаб Ўрта Осиё мамлакатлари ўз фаолиятини бошлады?
2. Бу вақтда Ўрта Осиё мамлакатлари хўжалиги қандай йўналишда ривожланди?
3. Бу даврда Ўрта Осиё мамлакатларида ИЧКЖ қайси омилларга таянган ҳолда олиб борилди?
4. Мужассамлашувни паст ёки юқори даражада эканлиги қандай аниқланган?



**3-кичик гуруҳ 1990
йилдан то ҳозирги
қунга қадар**

1. Ўрта Осиё мамлакатлари қачон ўз мустақилликларига эришдилар?
2. Бу вақтда мамлакатларда ИЧКЖ қандай омилларга таянган ҳолда олиб борилди?

Тақдимот учун топшириқлар




1-кичик гуруҳ учун



Тасаввур қилинг.

1. Сиз Буюк ипак йўли ўтган даврда яшамоқдасиз. Ўша вақтда мажуд бўлган шароитлардан яна қандай фойдаланган бўлар эдингиз. Шароитлардан тўла тўқис фойдаланиш режасини тузинг
2. Режангизни амалга ошириш учун реклама манбаларини тақдимотини тайёрланг, уни химоя қилинг.


2-кичик гуруҳ учун



Тасаввур қилинг.

1. Сиз Чор Россияси хукмронлик қилган вақтдасиз. Бу вақтда Ўрта Осиё мамлакатларининг иқтисодиётини ривожлантириш учун нималар қилган бўлар эдингиз? Ўз мақсадингиздан келиб чиққан ҳолда режа тузинг.
3. Режангизни амалга ошириш учун иш фаолияти реклама манбаларини тақдимотини тайёрланг, уни ҳимоя қилинг.

**3-кичик гуруҳ учун
топшириқлар**



Тасаввур қилинг.

1. Мустақилликка эришгандан сўнг Ўрта Осиё мамлакатлари хўжаликларини ривожлантиришда ўзгаришлар пайдо бўлди. Мавжуд шароитлардан самаралироқ фойдаланаш учун сиз қандай ишлар олиб борган бўлар эдингиз, иш фаолиятингизни режасини тузинг.

3. Режангиздан келиб чиққан ҳолда иш фаолияти тайёрланг, уни ҳимоя қилинг

3. Якуний босқич



Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Амалий машғулоти якунлаш: Амалий машғулот мавзуси мазмуни бўйича якун ясайди: -берилган саволларни муҳокама қилишда жавоблардан иборат бўлган хулосаларни ифодалайди; -жавобни излаш келгуси семинарларда ёки талабаларни мустақил иш жараёнида ташкиллаштириладиган муаммони айтади; -амалий машғулоти маърузачи ва иштирокчилари тайёргар-лигини, уларни мунозара вақтидаги фаоллигини баҳолайди; -амалий машғулоти натижавийлигининг умумий баҳосини беради; -кейинги машғулоти мақсадларини аниқлайди.	

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида: хавсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари.» Т.; «Ўзбекистон» — 1997 йил.
2. Каримов И. А. «Ўзбекистон уз истиклол ва тараккиёт йули». Тошкент.: «Ўзбекистон», 1992 йил.
3. Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йуналишлари». Тошкент.: «Ўзбекистон», 1993 йил.
5. Рўзиев.А.,Абиркулов.Қ. «Маркази Осиё географияси». Тошкент 2001 йил.
7. «Республика Киргизистан». Тошкент 2002 йил.
- 8.Болтаев.М.Ж. «Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси». Тошкент 2003 й.

Электрон сайтлар.

1. www.ziyounet.ru/library/book/6767/libid/70110
2. www.nuu.uz/faculties/economy/index.php?lk=mi_kaf&ln=en
3. www.connect.uz/forum/index.php?showtopic=256&st=165
4. www.gov.uz/uz/content.scm?contentId=13040

2-мавзу: Марказий Осиё табиий харитаси билан ишлаш. Минтақа табиий ресурсларини географик тарқалишини ўрганиш.

4.1.Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси	
Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 25 – 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Амалий машғулоти


Амалий машғулотининг режаси:	1. Фойдал қазилмалари . 2. Рельефи. 3. Биологик ресурслари.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Талабаларга табиий ресурслар ҳақида маълумот бериш. Улардан оқилона фойдаланиш бурчимиз эканлигини тушунтириш. Урат Осиё мамлакатларининг табиий картасини ишлаш йўлини тушунтириш.
Педагогик вазифалар • Фойдали қазилмалар турлари қаерда таркалганлиги ҳақида маълумот бериш. • Марказий Осиё рельефини тушунтиради ва картага тушириш тартибини кўрсатади. Биологик ресурслар ҳақида маълумот беради ва картага туширишни кўрсатади.	Ўқув фаолиятининг натижалари Талаба: • Фойдали қазилмалар турлари қаерда таркалганлиги ҳақида ҳақида билимга эга бўлади ва картага туширади. • Марказий Осиё рельефини ўрганади ва картага туширади. • Биологик ресурслари ҳақида маълумотга эга бўлади ва картага туширади.
Таълим услулари	Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ўқитиш методи, блиц-савол,суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум,
Таълим воситалари	Маъруза матни, 7-синф атласи, Марказий Осиё табиий картаси, А32 ўлчамдаги қоғозлар, рангли маркерлар.
Таълим бериш шакли	<i>Оммавий, кичик гуруҳларда</i>
Таълим бериш шароити	<i>Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган хона</i>

4.2. Муаммоли амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Талаба
1-босқич Ўқув машғулотида кириш	1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот амалий машғулот шаклида боришини маълум қилинади	


(15 инут)	1.2. Талабалар билимини суҳбат шаклида фаоллаштиради (1-илова). Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўқув муаммосини ечиш бўйича изланувчанлик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун талабаларнинг эгаллаган билимларини етарлилигини аниқлайди.	
2 – босқич. Асосий (55 минут)	2.1. Талабаларга амалий машғулот режасини ўқиб беради. (2- илова) 2.2. Муаммони ечиш йўллари излашни ташкиллаштиришга ўтади: биринчи кичик муаммони ифо-далайди, сўнггра муаммоли саволларни бериб ва улар жавобларини муҳокама қилиб, талабаларни уни ечиш йўлини излашга, яъни биринчи оралик хулосага олиб кела-ди. Шу тарзда кейинги муаммо-ларни ечиш йўллари излашни такомиллаштиради. (2- илова) 2.3.Машғулот якунлайди, муаммони ечишда юзага келган қайинчиликларни кўрсатади.	2.1. Эшитади. 2.2.Кичик муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини берадилар, мунозара қиладилар, таҳлил қиладилар, хулоса чиқарадилар. 2.3. Якуний хулосани берадилар, тинглайдилар.
3- босқич. Якуний. (10 минут)	3.1. Мавзуга якун ясайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги, муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Келгуси амалий машғулот дарси учун машғулот режасини беради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

1.Тайёргарлик босқичи



Фаолият	
Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1.1.Олдиндаги амалий машғулот учун маъруза-янгиликлар мавзулар рўйхатини таклиф этади. 1.2. ЎртаОсиё мамлакатларида мавжуд табиий ресурслар ва уларнинг Миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида тушунтиради 1.3.Амалий машғулотга тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини тавсия этади. 1.4.Амалий машғулотлар бўйича мавзулар танлашни та5.Машғулот мавзусига боғлиқ бўлган маъруза мазмунини ва қўшимча материал-ларни ўрганиш вазифасини беради, ўзлаштирилган билимлар ва белгиланган мавзулар муҳокамасини назорат қилишга тайёр бўлишларини айтади.	1.1. Амалий машғулотга тайёрланадилар. 1.2. Эшитади, ёзиб олади. 1.3.Ёзиб олади. 1.4. Амалий машғулот мавзусини танлайдилар, реферат режасини тузадилар. 1.5. Амалий машғулот мавзусига боғлиқ бўлган маъруза мазмунини ва қўшимча материалларни ўрганадилар, муҳокамада фаол иштирок этадилар.
Реферат режасини муҳокама қиладилар	
	Тезликда бошланғич ғояга ўзгартириш, аниқликлар, тўлдиришлар киритади. Реферат ёзади.
Тайёрланган реферат мазмуни билан танишади, Лозим бўлган ҳолда талабалар рефератни тўлдиришлари учун саволлар, шунингдек, маъруза қилаётганда жавоб беришлари учун саволлар ҳам беради.	Саволларга жавоб тайёрлайдилар.

2. Амалга оширувчи босқич



Фаолият	
Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Амалий машғулотга кириш. 1.1. Мавзу Урта Осиё мамлакатларининг табиий картасини ишлаш. Бунда талаба табиий картани ишлайди ва мамлакатларда мавжуд табиий ресурслар, рельефи ҳақида маълумотларга эга бўлади ва мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини аниқлайди.. 1.2. Таълим олувчиларнинг материалга мос равишда: 1. Аввалдан тайёрланган блиц-саволлар бўйича мазмунли, аниқ жавобларни назарда тутувчи, суҳбат шаклида; 2. матнни тўғриловчи назорат ёрдамида билимларни фаоллаштиради. Билимларни фаоллаштириш жараёнида семинарда кейинги маърузаларни тушунишлари учун талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни етарлилигини ва уларни муҳокамада иштирокини аниқлайди. Билимлар етарлича тўлиқ бўлмаганида уларни шахсий баён этиш-талабалар билан суҳбат шаклида ўзлаштириш-аниқлаштириш-ўзлаштиришларни ташкиллаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, саволлар берадилар.
2. Асосий қисм. 2.1. Талабаларни тайёрлаган маъруза ва янгиликлари тақдиротини ташкиллаштиради. Маъруза жараёнида ўқув материалини мантикий ёритиб берилишини, уни баён этиш йўли, тингловчиларнинг таъсирланишини диққат билан кузатади. Маъруза ёки янгиликлар мазмуни тингловчиларни қизиқтирмай қўйганида ёки аксинча маъруза вақтида кўтарилган савол юқори қизиқишни уйғотса, маърузачини маълум вақтгача хушмуомалалик билан тўхтатади ва семинарни жамоавий муҳокама йўлига ўтказади. 2.2. Маъруза мазмунининг оммавий муҳокамасини ташкиллаштиради, Бу машғулотнинг энг аҳамиятли қисми бўлгани учун, талабалар фаол билиш фаолиятига жалб қилинадилар. Бунда бу мазмун: семинар иштирокчилари-ни маърузачига берган саволларига жавоблар бўйича талабаларга қай даражада тушунарли бўлганини баҳолаш. <i>Машғулот аста-секин мунозара шаклига ўтказади.</i> Хар бир маърузани муҳокамасини қисқа умумлаштириш, ва муҳокама (мунозара) натижаларини қайд этиш билан тугатади.	Тайёрлаган маъруза ва янгиликларни тақдимот қиладилар. Маъруза мазмунини жамоавий муҳокама қиладилар, баҳслашадилар.

БЛИЦ САВОЛ

1. Ўрта Осиё мамлакатларида қандай фойдали қазилмалар казиб олинади?
2. Мамлакатлар рельефидаги ўхшашликлар ҳақида гапирнг ва картадан кўрсатинг.
3. мамлакатларда мавжуд сув ресурслари ўз сувларини қаерга бориб қуйяди?

Амалий машғулот режаси



1. Фойдали қазилмалар.
2. Рельефи.
3. Биологик ресурслар.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида: хавсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари.» Т.; «Ўзбекистон» — 1997 йил.
2. Каримов И. А. «Ўзбекистон уз истиклол ва тараккиёт йули». Тошкент.: «Ўзбекистон», 1992 йил.
3. Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йуналишлари». Тошкент.: «Ўзбекистон», 1993 йил.
5. Рўзиев.А.,Абиркулов.Қ. «Маркази Осиё географияси». Тошкент 2001 йил.
7. «Республика Киргизистан». Тошкент 2002 йил.
- 8.Болтаев.М.Ж. «Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси». Тошкент 2003 й.

1. www.ziyounet.ru/library/book/6767/libid/70110
2. www.nuu.uz/faculties/economy/index.php?lk=mi_kaf&ln=en
3. www.connect.uz/forum/index.php?showtopic=256&st=165

3.Якуний босқич



Фаолият	
Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Машғулотни якунлаш: машғулот мавзуси мазмуни бўйича якун ясайди: -берилган саволларни муҳокама қилишда жавоблардан иборат бўлган хулосаларни ифодалайди; -жавобни излаш келгуси семинарларда ёки талабаларни мустақил иш жараёнида ташкиллаштириладиган муаммони айтади; -амалий машғулот маърузачи ва иштирокчилари тайёргар-лигини, уларни мунозара вақтидаги фаоллигини баҳолайди; -амалий машғулот натижавийлигининг умумий баҳосини беради; -кейинги машғулот мақсадларини аниқлайди.	

3-мавзу.

Амалий машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 25 нафар
Ўқув мағулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли машғулот.
Амалий машғулотининг режаси	1. Ёзувсиз картага Марказий Осиё географик атласи (I-кисм)дан Марказий Осиё иқлимини туширинг ва таҳлил қилинг. 2. Карта ва атлас маълумотларидан фойдаланиб, уларни таққослаб Марказий Осиё иқлимига таъсир этувчи омилларни амалий машғулот дафтарига ёзинг. 3. Марказий Осиёда йилнинг турли фаслларида Қуёшнинг тушки баландлигини Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Нукус шаҳарлари мисолида аниқланг. $H=90^{\circ}-\varphi$. $H=90^{\circ}-\varphi^{\text{+wob}}$ 4. Қуйидаги баландликлар денгиз сатҳига тенглаштирилса, уларнинг ўртача баландлиги неча даража бўлишини ҳисобланг: А. 4200 м, ўртача йиллик ҳарорат $4,2^{\circ}$ бўлса, В. 300 м, ўртача йиллик ҳарорат $15,4^{\circ}$ бўлса Д. 1150 м, ўртача йиллик ҳарорат $56,6^{\circ}$ бўлса.

	5. 1-жадвал маълумотлари асосида Фарғона, Гулистон, Андижон, Бухоро, Урганч шаҳарларининг ўртача ойлик ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг йил давомида ўзгаришига оид устунли прифил тузинг. 6. 1-жадвал маълумотлари асосида Фарғона, Гулистон, Андижон, Бухоро, Урганч шаҳарларининг ўртача ойлик ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг йил фасллари бўйича ўзгаришига оид айлана диаграмма тузинг
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларнинг Марказий Осиё иқлими мавзуси бўйича маърузада эгаллаган билимларини амалий топшириқларни бажариш орқали мустаҳкамлаш, табиатни муҳофаза қилишга ўргатиш.	
Педагогик вазифалар: Ўқитувчи: - Мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ундаш; - амалий топширқлар билан таништиради; - йилнинг турли фаслларида Қуёшнинг тушки баландлигини Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Нукус шаҳарлари мисолида аниқлаш; - Юқорига кўтарилган сари ҳароратнинг ўзгаришига оид мисол ечишни ўргатиш; - Гуруҳларда ишлаш ва мулоқотга киришиш билимларини шакллантириш; - Республикаларнинг турли қисмларида ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг йил давомида ўзгаришини таҳлил қилиш ва таққослаш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Мавзу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштиради ва мустаҳкамлайди; - амалий топширқлар билан танишади ва уларни бажариш тартибини тушуниб олади; - йилнинг турли фаслларида Қуёшнинг тушки баландлигини Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Нукус шаҳарлари мисолида аниқлайди; - Юқорига кўтарилган сари ҳароратнинг ўзгаришига оид мисол ечишни ўрганади; - Республикаларнинг турли қисмларида ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг йил давомида ўзгаришини таҳлил қилади ва таққослайди;
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Ҳамкорликда ўқитиш, картографик, блиц-сўров, инсерт.
Ўқитиш воситалари	Ўзбекистон иқлими картаси, атлас, ёзувсиз карта, ўқув қўлланмалар ёки маъруза матнлари, Ўзбекистон иқлимига жадваллар, презентация.
Ўқитиш шакли	Гуруҳларда ва индивидуал.
Ўқитиш шартлари	Намунадаги аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров ва амалий топшириқ натижалар текширилади ва баҳоланади.

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуи ва мақсади, режадаги эришилиши керак бўлган натижаларни эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва дозарблигини асослайди. 1.2. Топшириқларни бажариш муаммоли тарзда ўтишини эслатади. 1.3. Амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни гуруҳларга тақсимлайди.	1.1. Эшитадилар, ёзадилар. 1.2. Топшириқни қабул қиладилар ва саволларга жавоб берадилар. 1.3. Визуал материаллар Билан танишадилар.
2-босқич.	2.1. Мавзу бўйича блиц-сўров	2.1. Берилган

<i>Асосий (60 мин)</i>	ўтказди (1-илова). 2.2. Амалий топшириқларнинг бажариш тартиби тушунтирилади (2-3-4-илова) 2.3. Муаммоли саволлар берилади (5-илова). 2.4. Белгиланган савол мазмуни бўйича гуруҳларда музокарани ташкиллаштиради, амалий машғулотнинг натижаларини таҳлил қилади. 2.5. Олинган амалий машғулотдаги натижаларни баҳолашга ўтади (6-илова).	саволларга тўлиқ жавоб беришда қатнашади 2.2. Амалий топшириқларни ёзиб олади ва бажаради.. 2.3. Ўзбекистон иқлимига доир саволларга жавоб беради. 2.4. Савол-жавобда фаол иштирок этади. 2.5. Ҳар бир гуруҳ ўзлари бажарган ишни асослаш учун тақдимот қилишади ва қолган гуруҳларнинг тақдимотини баҳолашда қатнашиб, савол-жавоб ўтказишади.
<i>3-босқич Якуний (10 мин)</i>	3.1. Якуний хулоса қилади, ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилади. 3.2. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гуруҳлар фаолиятидаги муваффақиятларни таъкидлайди. Бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятни айтиб ўтади.. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.

1-илова



1. Иқлим нима?
2. Марказий Осиё иқлимини ҳосил қилувчи омилларни сананг?
3. Республикада ҳароратнинг тақсимланишида қайси омил асосий ўрин эгаллайди?
4. Юқорига кўтарилган сари ҳарорат ва ёғиннинг ўзгаришини изоҳланг.
5. Қандай маҳаллий шамоллар мавжуд?
6. Иқлимий ресурс нима?

Гуруҳлар бўйича топшириқлар

1-Топшириқ. Ўзбекистонда йилнинг турли фаслларида Қуёшнинг тушки баландлигини Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Нукус шаҳарлари мисолида аниқланг. $H=90^0-f$. $H=90^0-f-^+wob$

2-Топшириқ. Қуйидаги баландликлар денгиз сатҳига тенглаштирилса, уларнинг ўртача баландлиги неча даража бўлишини ҳисобланг:

А. 4200 м, ўртача йиллик ҳарорат $4,2^0$ бўлса,

В. 300 м, ўртача йиллик ҳарорат $15,4^0$ бўлса

Д. 1150 м, ўртача йиллик ҳарорат $56,6^0$ бўлса.

Ўзбекистон ҳудудида ҳароратнинг тақсимланиши

Станция-лар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил-лик
Фарғона	-2,7	0,2	7,5	15,2	20,4	24,5	26,4	24,8	19,0	11,8	5,4	0,6	12,8
Гулистон	-2,3	1,0	8,1	15,3	21,3	25,9	27,2	24,9	19,0	12,6	5,8	1,0	13,3
Андижон	-3,5	0,3	8,1	15,8	21,2	25,4	26,7	24,4	20,1	12,7	5,6	0,2	13,1
Қоракўл	-0,4	2,9	8,9	16,2	22,8	27,0	29,1	26,8	21,4	13,7	7,2	1,6	14,8
Урганч	-5,1	-2,2	5,0	13,8	21,0	25,3	27,3	25,1	18,8	10,8	3,5	-2,0	11,8

Ўзбекистон ҳудудида ёғиннинг тақсимланиши

Станция-лар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил-лик
Фарғона	21	15	27	19	21	11	5	2	3	12	18	20	174
Гулистон	32	24	50	39	32	14	6	1	4	19	33	41	295
Андижон	24	19	32	30	31	16	8	3	3	17	20	23	226
Қоракўл	18	16	24	19	9	2	0	0	0	3	9	16	114
Урганч	11	10	20	9	6	3	1	1	1	2	7	11	82

Гуруҳларда муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар:

1. Ўзбекистон ҳудудида Қуёш иссиқлигининг (радиациясининг) тақсимланиши нимага боғлиқ?
2. Нима сабабдан Ўзбекистон ҳудудида ёғин ва ҳарорат бир хил тақсимланмаган?
3. Маҳаллий шамоллар қандай вужудга келмкда?
4. Иқлимий ресурс нима?

Баҳоаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотини баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

Гуруҳлар	Бажарилган ишнинг	Тушунтириш (мантиқ ва	Фаоллик (саволлар ва	Баллар йиғиндиси
----------	-------------------	-----------------------	----------------------	------------------

	тўлиқлиги (1,2)	аниқлик) (1,2)	жавоблар) (0,6)	3 балл
1				
2				
...				

Назорат шакли (ҳисобот, тақдимот): Кичик гуруҳларда ишлаш натижасида охирига етказилган иш ҳисобот тарзида ўқитувчига топширилади. Бунда берилган топшириқдаги жадвал ва тест саволлари тўлиқ бажарилгач иш якунланган ҳисобланади ва талаба машғулоти бажарган саналади. Натижаларни баҳолаш Фан учун ажратилган соат бўйича балларда акс эттирилади. Натижалар «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳолар кўринишида жорий баҳолашдаши 40 балл ҳисобидан машғулотлар соатига қараб ажратилган балларда акс эттирилади. Бу машғулотда максимал балл 5 балл ҳисобланади ва қуйидаги мезонларда инобатга олинади:

2,2-3 балл – аъло: хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

1,2-2 балл – яхши: мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0,5-1,1 балл – қониқарли: моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0-0,5 балл – қониқарсиз: берилган топшириқлар бўйича тасаввурга эга бўлмаса ва билмаса.

Тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар:

1. Баратов П. ва бошқалар «Ўрта Осиё табиий географияси» (Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма) Т. «Ўқитувчи» 2002.
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географиясидан амалий машғулотлар. Т. «Чўлпон» 2005.
3. Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий атласи. Т.2005.
4. Баратов П. «Ўзбекистон табиий географияси» (Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма) Т. «Ўқитувчи» 1996.
5. Баратов П. Ўзбекистон табиий географиясидан амалий машғулотлар. Т. «Чўлпон» 2005.
6. Баратов П. «Ўзбекистон табиий географияси» (Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма) Т. «Ўқитувчи» 1996.2.
7. Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий атласи. Т.2005.

4-мавзу.	Марказий Осиё органик дунёси Амалий машғулотини ўқитиш технологияси
----------	--

<i>Вақти – 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 20-30 нафар</i>
<i>Ўқув мағълотининг шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли машғулот.
<i>Амалий машғулотининг топшириқлари</i>	1. Марказий Осиё Осиё тупроқ картасини таҳлил қилиб, ҳудуд бўйича қандай тупроқ турлари мавжуд, уларнинг қандай жойлашганлигини таҳлил қилинг ва ёзувсиз картага туширинг. 2. 1-жадвал маълумотлари асосида Марказий Осиё ҳудудида учровчи асосий тупроқ турлари майдонинг катталигини ифодаловчи устунли диаграмма тузинг. 3. 2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Марказий Осиё тупроқ эрозияси турлари ҳиссасини билдирувчи айлана диаграмма тузинг. 4. 3-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, қучли,


	ўртача, кучсиз тур таъсирида тупроқ қай даражада эрозияга учраганлигини ифодаловчи айлана диаграмма тузинг.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларнинг Марказий Осиё тупроқлари мавзуси бўйича маърузада эгаллаган билимларини амалий топшириқларни бажариш орқали мустаҳкамлаш, табиатни муҳофаза қилишга ўргатиш.	
Педагогик вазифалар: Ўқитувчи: 16. Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш; 17. Ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; 18. Республикалар ҳудудида тарқалган тупроқ турларини таққослаш кўникмаларини ривожлантириш; 19. Эрозия ва уни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Talaba: 20. Мавзу бўйича билимларини онгли равишда кенгайтиради ва мустаҳкамлайди; 21. Ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; 22. Республикалар ҳудудида тарқалган тупроқ турларини таққослайди, таҳлил қилади, кўникмалари ривожланади; 23. Эрозия ва уни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилади, хулоса чиқаради.
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Картографик, муаммоли усул, муҳокама, блиц-сўров.
Ўқитиш воситалари	Марказий Осиё тупроқ картаси, атлас, ёзувсиз карта, ўқув қўлланмалар ёки маъруза матнлари, Ўзбекистон тупроқларига оид жадваллар, презентация.
Ўқитиш шакли	Гуруҳларда ва индивидуал.
Ўқитиш шаротлари	Намунадаги аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров ва амалий топшириқ натижалар текширилади ва баҳоланади.

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуи ва мақсади, режадаги эришилиши керак бўлган натижаларни эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва дозарблигини асослайди. 1.2. Топшириқларни бажариш муаммоли тарзда ўтишини эслатади. 1.3. Амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни гуруҳларга тақсимлайди	1.1. Эшитадилар, ёзадилар. 1.2. Топшириқни қабул қиладилар ва саволларга жавоб берадилар. 1.3. Визуал материаллар билан танишадилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Мавзу бўйича блиц-сўров ўтказади (1-илова). 2.2. Амалий машғулот топшириқлари берилади ва бажариш йўллари	2.1. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беришда қатнашади

	тушунтирилади (2-илова). 2.3. Муаммоли саволлар берилади (3-илова). 2.4. Белгиланган савол мазмуни бўйича гуруҳларда музокарани ташкиллаштиради, амалий машғулотнинг натижаларини таҳлил қилади. 2.5. Олинган амалий машғулотдаги натижаларни баҳолашга ўтади (4-илова).	2.2. Топшириқларни бажарадилар ва хулоса қилади. 2.3. Тупроқ эррозиясига доир саволларга жавоб беради. 2.4. Тупроқ эррозиясига доир амалий топшириқларни бажаради ва натижаларни кўрсатади. 2.5. Ҳар бир гуруҳ ўзлари бажарган ишни асослаш учун тақдимот қилишади ва қолган гуруҳларнинг тақдимотини баҳолашда қатнашиб, савол-жавоб ўтказишади.
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Якуний хулоса қилади, ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилади. 3.2. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гуруҳлар фаолиятидаги муваффақиятларни таъкидлайди. Бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятни айтиб ўтади.. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.

1-илова



1. Тупроқ нима?
2. Тупроқнинг унумдорлик даражаси нимага боғлиқ?
3. Марказий Осиё ҳудудида қандай тупроқ турлари тарқалган?
4. Интерзонал тупроқлар қаерларда тарқалган?
5. Тупроқнинг қуйидан юқорига томон кўтарилган сари ўзгариш сабабини тушунтиринг.

2-илова
1-жадвал

**Марказий Осиё тупроқ турлари («Ирригация Узбекистана»,
том-I. Т., 1975)**

Тупроқ турлари	Майдони	
	Минг гек.	% ҳисобида
Баланд тоғ оч қўнғир тусли	540	1,19
Ўртача баландликдаги жигар ранг ва қўнғир тусли	1662	3,68
Тўқ тусли бўз тупроқ	1055	2,33
Типик бўз тупроқ	3051	6,77
Оч тусли бўз тупроқ	2592	5,74
Ўтлоқ- бўз, бўз-ўтлоқ	781	1,72
Ўтлоқ (бўз тупроқ минтақасида)	670	1,47
Ботқоқ-ўтлоқ (бўз тупроқ минтақасида)	78	0,17
Сур қўнғир тупроқ	11408	25,30
Чўл қумли	1372	3,11
Тақир тупроқ ва тақирлар	1784	3,96
Ўтлоқ-тақир ва тақир-ўтлоқ	465	1,02
Ўтлоқ (чўл зонасида)	1796	3,93
Ботқоқ-ўтлоқ (чўл зонасида)	58	0,15
Шўрҳоқлар	1272	2,81
Қумликлар	12413	27,54
Бошқа ерлар(сув ҳавзаси, тоғ, қоя ва бошқалар)	4118	9,12
Жами	45115	100

3-илова

2-жадвал

Марказий Осиё тупроқ эрозияси турлари

Эрозия турлари	Умумий майдонга нисбати, % ҳисобида
